


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**



**Қўйчилик ва эчкичилик
фанидан амалий машғулотлар
(Ўқув қўлланма)**



Тошкент-2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Давлат Аграр Университети

Зоотехния кафедраси

Тузувчилар: 1.Ф.Джасимов - ТошДАУ Зоотехния кафедраси доценти
2.Н.Т.Шоймуродов-ТошДАУ Зоотехния кафедраси доценти

Такризчилар: 1.Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик,илмий тадқиқот
институти катта илмий ходимиС.Ходжибеков
2.Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик,илмий тадқиқот
институти катта илмий ходимиБ.Суванкулов

Мундарижа

Кириш.....	4
1-Мавзу: Турли маҳсулдорликка мансуб қўйларнинг жусса (экстерер) тузилиши, уларни қисмлари, тана ўлчамлари, индексларни номланиши ва ҳисобга олишни ўрганиш.....	6
2-мавзу: Қўйларни ёшини аниқлашни ўрганиш.....	11
3-4-мавзу: Қўйчиликда бонитировка ўтказиш. Бонитировка турлари класслари ва калити ва дағал ва ярим дағал жунли қўйларни бонитровка қилишни ўрганиш.....	15
5-мавзу: Қўйларни жун маҳсулдорлиги, унинг тузилиши, таркиби ва физик-технологик хоссаларини ўрганиш.....	22
6-мавзу: Қўй жунли гуруҳлари, сифати, табақаланиши, ундаги нуқсон ва камчиликларни ўрганиш.....	29
7-мавзу. Қўйларни тери турлари, унинг хоссалари ва сифатини баҳолашни ўрганиш.....	35
8-мавзу. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги, уларнинг семизлигини, сифат даражаси ва табақа.....	41
9-мавзу. Қўйларнинг сут маҳсулдорлиги. Қўйларни соғиш, сутини ҳисобга олиш, таркибини ва сифатини ўрганиш.....	47
10-мавзу: Қўйчиликда йўналиш, тармоқлар, уларни синфий табақаланишини ўрганиш.....	51
11-мавзу: Майин ва ярим майин жунли қўй зотларини ўзлаштириш.....	55
12-мавзу: Ярим дағал ва дағал жунли қўй зотларини ўрганиш.....	60
13-мавзу: Қўйчилик ва эчкичиликдаги турли наслчилик хўжаликларида насл ишлари олиб бориш ҳамда зоотехника ва насл ҳисоб китоблари билан танишиш.....	66
14-мавзу. Қўйларнинг келиб чиқиши, индивидуал кўрсаткичлари ва авлоди сифати бўйича баҳолашни ўрганиш.....	70
15-мавзу: Эчки маҳсулотлари ва уларни сифати билан танишиш.....	75
16-мавзу: Эчки зотлари ва уларни табақаланишини ўрганиш.....	84
17-мавзу: Эчкичиликда наслчилик ишлари ва бонитировкаси билан танишиш.....	92
18-мавзу: Қўй ва эчкиларни қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш ва кўпайтириш усуллариини ўзлаштириш.....	102
19-мавзу: Хўжаликда қўйларни ва эчкиларни туғдиришни ташкил этиш ва уни ўтказиш.....	106
20-мавзу: Қўзиларни ва улоқларни парваришлаш онасидан ажратиш ва сурувларни тузиш режасини ўрганиш.....	112
21-мавзу: Қўй ва эчкичиликда пода ва таркибини аниқлаш	119
22-мавзу: Қўйлар жун қирқимини ташкил этиш ўтказиш ва уларни ҳисобга олиш билан танишиш.....	124
23-мавзу: Қўйчиликда маҳсулотларини етиштириш бўйича операцион-технологик ҳариталар тузишни ўрганиш.....	130
24-25-мавзу: Қўйларни ёз ва қиш мавсумида боқиш. Озиқлантириш нормаси ва рациона билан танишиш.....	137

Кириш

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишда сўнгги йиллардаги қабул қилинган қарорларида республика меҳнаткашлари олдига қишлоқ хўжалигини ва асосан Халқимизни озиқ овқат маҳсулотлари билан қондириш каби муҳим ишларни бажарилишини тақазо этади.

Бу борада Хукумат томонидан қонунлар, қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2006 йил 23-март 308-сонли қарори ҳамда юртбошимизнинг озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлари оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-476 фармони амалий ишларни бажаришда асосий дастур бўлмоқда.

Аҳолининг шахсий. Дехқон ва фермер хўжаликларида қўй ва эчкиларни бош сони 16,5 млнга қўй ва эчкилар оширилмоқда.

Қўйчилик ва эчкичилик чорвачиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланиб аҳолини гўшт, ёғ, жун, тери, сут, қорақўл тери маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутуди. Қўйларнинг жуни ўзининг сифатли техник хусусиятлари, пишиқлиги, чўзилувчанлиги, қайишқоқлиги, ялтироқлиги, гигроскоплиги билан турли хил енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом-ашё ҳисобланади.

Майин ва ярим майин жун берувчи қўйларнинг терисидаги қимматбаҳо жунбоп пўстинлар, дағал жун берувчи қўйлар терисидан наMAT, пўстинлар, қимматбаҳо қишки кийимлар тайёрланади.

Чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири “Қўйчилик ва эчкичилик” соҳасидир. Уларнинг айрим зотларидан, жумладан қорақўл қўйидан қимматбаҳо қорақўл тери олинади. Тери берувчи қўй зотларига Соколь, қўйлари ҳам киритилади. Қорақўл териға булган талаббутун жаҳон халқларининг диққат эътиборидадир. Қорақўл теридан қимматбаҳо бежирим муйналар ишлаб чиқарилади. Қўйлардан олинадиган асосий маҳсулотлардан бири уларнинг гўшт маҳсулотидир. Қўйларнинг гушти туйимлилиги, мускулларнинг ораллиғида ёғларнинг тупланиши, яъни мраморлик хусусиятлари билан бошқа гуштлардан фарқ қилади. Қўйларнинг гуштини сифати уларнинг зотиға, ёшиға, жинсига, семизлик даражасига ҳамда қайси усулда боқилганлиғиға боглиқдир.

Майин жун берувчи айрим қуй зотларининг гуштида бадбуй хид мавжуд булиб, бу хиднинг булишига сабаб, гуштининг таркибида Гарсимовой кислотанинг куп булишидир. Бугунги кунда қуй гуштига булган талаб кун сайин ошиб бормокда. Халкимизнинг қуй гуштига булган талабининг асосий сабаби, гуштнинг нафақат туйимлигига эмас, балки, қуй гуштида гушт билан ёгнинг бир вақтда мавжуд булишидир. Қуйлар гуштининг сифати купинча уларнинг семизлик даражасига боглиқдир. Айни вақтда қуйларнинг гушт махсулотини ошириш учун қатор амалий ишлар қилинмокда.

Қуйлардан олинадиган асосий махсулотлар қаторига сут махсулоти киритилади. Қуйларнинг сути табобат илмида шифобахш, қимматбахо хисобланади.

Қуй бошқа хайвонлар сутида булмайдиган аминокислота ва ферментларнинг ноёб турларига бойдир.

Қуйнинг сути таркибида 18- 20 фоиз қуруқ модда. 7- 10 фоиз ёг, 5-5,5 фоиз оксил, 4- 4,5 фоиз қанд мавжуд. Озиқ - овқат саноатида қуй сутидан туйимлиги юқори булган пишлоқ қаймоқ ва турли хил сут махсулотлари ишлаб чиқарилади.

Биз уйлаймизки, яқин келажакда бизнинг мустақил диёримизда ҳам Австралия, Германия, Франция, Болгария, Чехославакия давлатлари каби қуйчиликдан олинадиган қатор махсулотлар интезив технология асосида ривож топади.

Зоотехния йўналиши талабалари қўйчилик ва эчкичилик фанидан эгаллаган назарий билимларини амалийда билиб қўллаш учун фандан амалий дарсларни ўтказиб боришни тақозо этади.

Ушбу услубий қўлланма шу мақсадда тайёрланган бўлиб 25 амалий дарс ўтишига мўлжалланган ҳар бир амалий Дарсни мақсади, мазмуни, ўқув ва кўргазмали жиҳоз, қуроллар билан дарс олиб борилиш услублари, талабалар томонидан бажариладиган топшириқ, мустақил иш ва уларни акс эттирадиган жадваллар, схемалар ва графиклар ўз аксини топган.

1-Мавзу: Турли маҳсулдорликка мансуб қўйларнинг жусса (экстерер) тузилиши, уларни қисмлари, тана ўлчамлари, индексларни номланиши ва ҳисобга олишни ўрганиш

Дарсдан мақсад – қўйларнинг тана қисмларини ва тана ўлчамларини билиш ва ўлчай олиш ҳамда конституция типларини ўрганиб, бир-биридан фарқлай олиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар: Ҳар хил маҳсулот йўналишидаги қўйларнинг тана тузилиши ўлчамлари ва конституция типига хос суратларни тулумлари, расмлар ҳамда ўлчов асбоблари: ўлчов таёғи, ўлчов лентаси, линейкалар, ўлчов циркули.

Дарснинг мазмуни: Қўйларнинг тана тузилишини ўрганишда уларнинг жуссасининг катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эга. Қўйнинг жуссаси – унинг ташқи гавдасининг кўринишидир. Масалан, қўйларнинг жуссаси кўпчилигида ноксимон бўлиб, қўчқорларнинг тана вазни 55-65 кг, совлиқларининг вазни 40-45 кг бўлади. Қулоқлари йирик (ҳаммасида ҳам бир хил бўла бермайди), шоҳлари орқага қайтгач (қўчқорларида), совлиқларни шоҳсиз, оёқлари ўртача узунликда бўлиб, думбаси думалоқ йирик айримларида чигал бўлади. Туёқлари бақувват бўлади.

Экстерерини аниқлаш учун қуйидаги услублар қўлланилади:

- Кўз билан чамалаб кўриш
- Пайпаслаб, ушлаб кўриш
- Айрим тана қисмларини ўлчаш ва индексларини ҳисоблаш
- Фотосуратини кўзда кўриб баҳолаш

Ҳайвон тана ўлчамларини ўлчаш учун амалда ўлчов таёғи, циркули ва лентасидан фойдаланилади.

Экстерерини ўрганиш бўйича қўйилган мақсадларга қараб турли ўлчовлар олинади. Қўйчиликда кўпинча 9 та ўлчов олинади.

№	Ўлчовлар	Асбоб қўчиладиган нукталар	Керакли асбоблар
1	Яғрингача баландлик	Яғриннинг энг юқори нуктасидан ер юзасигача	Ўлчов таёғи
2	Думғазасигача баландлиги	Думғазанинг энг юқори нуктасидан ергача	--
3	Гавдасининг қия узунлиги	Елка-курак бўғимидан қўйнинг дўмбоғигача	--
4	Кўкрак чуқурлиги	Яғриннинг кўкракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, тўш суягининг пастки юзасигача	--
5	Кўкрак кенглиги	Кўкракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, кураклар орқасигача	--
6	Кўкрак айланаси	Куракнинг орқа бурчагига уринма қилиб олинган тик чизик бўйлаб	Ўлчов лентаси
7	Поча айланаси	Поча устки учидан бир қисмининг пастидан	--
8	Бошининг узунлиги	Қулоқ супрқлари асосини бирлаштирадиган чизикдан тумшуғини учигача	Ўлчов циркули
9	Пешонасининг	Қулоқ суяқларининг асосидан ўлчанади	Циркул

Тана ўлчамлари қаторида тана индекслари ҳам ўрганиш ва бунда бир тана ўлчови, иккинчи тана ўлчовига таққосланиб ўрганилади. Қўйларнинг қуйидаги тана индекслари ўрганилади:

$$1) \text{ Узуноёқлиги} = \frac{\text{думғазабаландлиги} \times 100}{\text{яғринбаландлиги}}$$

$$2) \text{ чўзиқлиги} = \frac{\text{гавдасининг қия узунлиги} \times 100}{\text{яғринбаландлиги}}$$

$$3) \text{ Кўкрак индекси} = \frac{\text{кўкрак кенглиги} \times 100}{\text{сағрисининг баландлиги}}$$

$$4) \text{ Пишиқлиги} = \frac{\text{думғазабаландлиги} \times 100}{\text{гавданинг қия узунлиги}}$$

$$5) \text{ Суякдорлиги} = \frac{\text{поача айланаси} \times 100}{\text{яғрин баландлиги}}$$

$$6) \text{ Кенг пешоналик} = \frac{\text{пешонасининг энг кенг жойи} \times 100}{\text{бошининг узунлиги}}$$

$$7) \text{ Катта бошлилик} = \frac{\text{бошинингузунлиги} \cdot 100}{\text{яғринбаландлиги}}$$

$$8) \text{ Салмоқдорлиги} = \frac{\text{кўкракайланаси} \cdot 100}{\text{яғрин баландлиги}}$$

Қўйларнинг конституция типи дейилганда – уларнинг организмнинг ташқи кўриниши, саломатлиги, маҳсулдорлиги ҳамда ҳаёт фаолиятини белгилаб берадиган барча шакллар йиғиндиси, яъни биологик бирлик тушиналади.

Конституция наслдан-наслга ўтади, аммо организмнинг ривожланиш давомида бир ўзгариши мумкин.

Мустаҳкам конституция қўйларнинг танаси пропорционал ривожланган бўлиб, суяги, қаттиқ ва зич, мускуллари яхши ривожланган, териси зич ва силлиқ, жун қопламида бир толалар мавжуд бўлиб, бу типдаги қўйлар ҳаётчан, маҳсулдорлиги жиҳатидан юқоридир.

Дағал конституцияли қўйлар – танаси нормал ривожланган, боши оғир ва катта, бўғимлари ва суяклари бўртиб чиққан, мускуллари яхши ривожланмаган, териси оғир, жуни дағал бўлиб, ҳар хил қопламдан ташкил топган, маҳсулдорлиги жиҳатидан ўрта ва паст даражада туради.

Нозик конституцияли қўйлар – бу қўйларнинг жуссаси кичик, суяклари юпка, енгил, териси жуда юпка, боши қисқа, жуни силлиқ (ҳвр хил зотларда турлича). Бу қўйлар сақланиш шароити бошқа қўйларникидан фарқ қилиши керак. Бу қўйларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда унчалик талаб даражада эътибор берилмайди, чунки олинган маҳсулоти ўз харажатини қоплай олмайди.

Зич конституция типли қўйлар – бу қўйларнинг танаси ўртача формада бўлиб, суяклари жуда ҳам зич, мускуллари қуруқ, юпка ва силлиқ териси бўлади. Жуни қуюқ бўлиб, толалари силлиқ ва ўртача қалиқликда, ёғ тўпланиши ички органлари ва териси суст ривожланган. Бу қўйлардан юқори баҳоли жун олинади.

Бўш конституцияли қўйлар – бу қўйларда тери остки клетчаткаси жуда яхши ривожланган бўлиб, мускуллари бўш бўлади. суяклари силлик эмас. Териси қалин, жун толаси, узун бўлади.

Мустақил иш учун топлириқлар

1. Дафтарга қўй расмини солиб танасини қисмларини ўрганиш.
2. Мавжуд қўй тулумларидан фойдаланиб, 9 та тана ўлчовини олинг ва 2-жадвалдаги устунга ёзинг
3. Олинган маълумотга асосланиб, қўйнинг тана индексини ҳисоблаб чиқинг ва 3-жадвалда кўрсатинг.
4. Қўй тулумларига ва расмларига қараб қўйнинг конституция типини аниқланг.
5. Қўйларни расмидагн ва тулумларидан фойдаланиб констиутициясини ва тана индексларини дафтарда кўрсатинг.

Жадвал-2

Тана ўлчамлари	Ўлчов нукталарини ёзинг
1.Яғрингача баландлиги	
2.Думғаза баландлиги	
3.Гавда қия узунлиги	
4.Кўкрак чуқурлиги	
5.Кўкрак кенглиги	
6.Кўкрак айланаси	
7.Поча айланаси	
8.Бошининг узунлиги	
9.Пешонасининг кенглиги	

Жадвал-3

Тана иедекслари	Формуласини ёзинг
1.Узуноёқлилиги	
2.Чўзиқлиги	
3.Чаноқ кўкрак индекси	
4.Кўкрак индекси	
5.Пишиқлиги	
6.Кенг пешоналиги	
7.Суякдорлиги	
8.Катта бошлиги	
9.Салмоқдорлиги	

Ўзинин текшириш учун саволлар:

1. Конституция типи, экстеръери, тапна ўлчами ва тана индекси деганда нима тушинилади?
2. Қўйлар экстеръерини ўрганишда қандай услублардан фойдаланилади?
3. Асосий ўлчовлар ва уларни олиш услубларини бирма-бир айтиб беринг?
4. Вояга етган қўйлар конституция типларини тасвирланг?
5. Қўй ва қўзиларнинг конституция типи, экстеръери ва тана тузилиши нималарга боғлиқлигини тасвирланг?
6. Қўй ва қўзиларнинг экстеръер хусусиятларини тасвирланг?

2-мавзу: Қўйларни ёшини аниқлашни ўрганиш.

Дарсдан мақсад – талабаларни қўйларининг турларига қараб ёшини аниқлашга ўргатиш.

Ўқув ва қўргазмалар қуроллар – қўйларининг тишли жағлари, жағлар тасвири туширилган диапозитивлар. Ҳар хил ёшдаги қўйлар расмлари, слайдлар.

Дарсининг мазмуни. Қўйларининг ёши, туғилган вақти қайд этилган ёзувларга, кулоқларидани белгиларига, ташқи кўриниши ва тишларига қараб аниқланади.

Қўйлар ёшини аниқлашнинг энг ишончли услуб биринчи ва иккинчи услубдир, аммо уларни ҳамisha ҳам қўллаб бўлавермайди (сабабин тушинтириб бериш керак). Қўйларнинг ташқи кўринишига қараб ёшини аниқлашда қора ва тўқ ранг қўйларнинг тумшуғи билан жунда оқариб қолган мўйлар пайдо бўлгани, шунингдек экстерьериди ўзгариш борлиги (жуссасининг катта-кичиклик, орқасининг солиниб қолгани ва бошқалар) ҳисобга олинади. Бироқ, бу услуб унчалик аниқ эмас. Шу сабабдан вояга етган қўйларнинг ёши тишига қараб аниқланади.

Тишларнинг алмашининиш ва едирилиши қўйларнинг зоти, жинсига, ёшига, тез етилувчанлигига, конституциясига, индивидуал хусусиятларига, озиқ рационининг таркибига (рациондаги сершира, юмшоқ ва қаттиқ озиқлар нисбатига) бошқа омилларга боғлиқ.

Вояга етган қўйда 32 та тиш бўлади, шулардан 8 таси фақат пастки жағда бўладиган *курак (кесувчи)* тишлар ва 24 таси пастки ва устки жағларнинг ҳар қайси томонида 6 тадан бўладиган *жағ тишлар*дир.

Вояга етган қўйнинг тиш формуласи
$$-\frac{6+0+6}{6+8+6} = 32$$
 пастки жағнинг олдинги қисмида жойлашган тишлар *курак тишлар* деб аталади, улар 8 та бўлади. курак тишларнинг ички жуфти *омбур тишлар* дейилади; улардан

куйин ўнг ва чап томонда биттадантиш келади, булар ички ўрта курак тишлар деб аталади; кейин курак тишларнинг учинчи жуфти – *ташқи ўрта курак тишлар* билан тўртинчи жуфти, чап ва знг томонда, ҳаммасидан четда турадиган *четки курак* тишларидеб аталади.

Қўйларининг курак тишлари ва сохта жағ тишлари сут тишлар билан доимий тишларга бўлинади. Доимий курак тишлар сут тишлардан сербаррок ва йирикрок бўлади. қўйларнинг тишлари умри бўйи алмашилиб боради – сут тишлар ўрнига доимий тишлар чиқади. Қўйлар 4 яшар бўлгунча сут курак тишларининг доимий курак тишлар билан алмашилишига қараб аниқланади.

Қўзилартишсиз ёки иккита курак тиши – омбур тишлари чиқиб туғилади.

Бир ойли бўлганида қолган курак тишлари ҳаммаси чиқади, бунда биринчи, иккинчи ва учинчи сохта жағ тишлари ҳам чиқади (тишларнинг умумий сони 20 та бўлади).

Тўққиз ойли бўлганида иккинчи асл жағ тиш чиқади (тишларнинг умумий сони 28 та бўлади).

12 ойликдан 18 ойлик бўлгунча биринчи жуфт сут омбур тишлар доимий тишлар билан алмашидани. Худда мана шу даврда 3 асл жағ тиш чиқади (тишларнинг сони 32 та бўлади).

Икки ёш бўлганда ички ўртача курак тишлар алмашинади. Бунда 1-,2- ва 3-сохта жуғ тишлар ҳам доимий тишлар билан алмашинади.

2,5 ёшдан 3 ёш бўлгунча ташқи ўрта сут курак тишлар доимий тишлар билан алмашинади.

3,5 ёшдан 4 ёшгача четки тишлар тушиб, ўрнига доимий тишлар чиқади.

Тўрт ёшли қўйнинг тиш қатори текис, тишлари яхши туташган, ҳали едирилмаган бўлади.

Тўрт ёшдан катта қўйларнинг ёши курак тишларининг нечоғлик едирилгани ва улар ўртасидаги тирқишларининг катта-кичиклигига қараб аниқланади.

Беш ёшга бориб, барча курак тишларнинг устки четлари едирилиб кетади ва орасида тирқил\шлар пайдо бўла бошлайди.

Олти ёшда биринчи жуфт курак тишлар орасида тирқиш пайдо бўлади, юзаси едирилиб сарғаяди, қимирлай бошлайди.

Етти ёшда биринчи уч жуфт курак тишларнинг коронкалари едирилади.

Етти-саккиз ёшда қўйларнинг тишлари туша бошлайди, қўйлар озиқни яхши чайнаб ея олмайди, бундай ҳайвонлар бракка чиқарилади – тиши туфайли бракка чиқариш деб шуни айтилади.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Вояга етган қўйда нечта тиш бўлади (тишларининг морфологияси билан гистологиясини тасвирланг)?
2. Курак тишлар қаерда жойлашган ва жуфтига қараб нима деб аталади?
3. Сут тишлар билан доимий тишлар ўртасида қандай фарқ бор?
4. Сохта тишлар билан асл жағ тишлари ўртасидаги тафовутларни айтиб беринг.
5. Қўзи бир яшар бўлгунича тишлари системада қандай манзара кузатилади?
6. Тўрт ёшгача бўлган қўзиларнинг ёши қай тариқа аниқланади?
7. Қайси маҳалда қўйлар ёшига қараб бракка чиқарилади?
8. Қўйларни ёшини қайдан аниқлаш мумкин?
9. Қўйларни тишларининг алмашилиш муддатлари ва едирилиш даражасига қандай омиллар таъсир этади?

Мустақил иш учун мавзулар

1. 5 бош қўйнинг тишларининг коллекциясига қараб ёши аниқланг.
2. Бир, икки, уч ва тўрт ёшдаги қўйларни курак тишларини расмга солиб кўрсатинг.
3. Олти ва етти ёшдаги қўйларни бракка чиқаришини тишлари асосида изоҳлаб бернг?

3-4-мавзу: Қўйчиликда бонитировка ўтказиш. Бонитировка турлари класслари ва калити ва дағал ва ярим дағал жунли қўйларни бонитровка қилишни ўрганиш.

Дарсинг мақсади: Бонитировка ўтказишдан келиб чиқадиган мақсадлар. Турли ҳилдаги қўйлар бонитировкаси, класслари ва калити ҳақида тўла тушунчага эга бўлиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар: машғулот учун зарур бўлган бонитировка журналлари, карточкалари, бонитировкани амалга оширишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар (татуровка, чўзгич зирак солиш, думалок зирак солиш, тамға солиш, дракол асбоблари, кулоққа тақиладиган металл ва пластинка сирғалар, шунингдек бонитровка натижасида қўйларга бериладиган махсус ёриқлар).

Дарсинг мазмуни: Қўйчиликда ҳар томонлама юқори устунликка эга бўлган, ҳамда наслдор қўйларни етиштириш учун бонитировка ишлари амалга оширилади. Бонитировка – бу қўйларни комплекс белигилари асосига ва классларига ажратиш. Бонитировка асосий ва қўшимчага бўлинади.

1. Асосий бонитировкада – қўйларнинг фойдаланишнинг умумий кўрсаткичлари ҳисобга олиниб, бу бонитировка фақат 1 марта амалга оширилади. (туғилган даврида тирик вазни, жинси, конституцияси, жуни узунлиги, ялтироқлиги ва келиб чиқиши).
2. Қўшимча бонитировкада – вақт давомийлигида қўйларнинг физиологик ва маҳсулот бериш жиҳатидан тайёр бўлган вақтда ўтказилади. Масалан: майин жунли қўйлар ҳамда улардан олинган авлод биринчи қирқимдан олдин бонитировка қилиш, ҳамда 2 ёшда бонитировка қилиш. Бу қўйларнинг қўзиларини танлашда насли қўйларни 10-15 кунлигида бонитировка қилинади. Наслчиликда, танлашда эса 4-5 ойлигида бонитировка қилинади.

Асосий бонитировка: синфли, алоҳида бонитировкага бўлинади:

1. Синфли бонитировка – қўйлар хўжаликка керакли бўлган қайсидир бир белгисии орқали баҳоланади. Берилган баҳоларинг натижалари журналга ёзилади. Индивидуал бонитировкада бонитировканинг ҳамма калити иштирок этиши керак.
2. Индивидуал бонитировкада қўйларнинг хўжаликка керакли бўлган ҳар бир белгисига баҳо берилади. Берилган баҳоларнинг натижалари журналга ёзилади. Индивидуал бонитировканинг ҳамма калити иштирок этиши керак.

Бонитировка қилишда ва натижаларини журналга ёзишга бонитировка калитларидан фойдаланилади. Бонитировка калитлари асосий терминларнинг бош ҳарфи демакдир.

Масалан, ҳисори – “Х”, жайдари – “Ж”, қорақўл - “Қ” кабилар билан белгиланади.

Бонитировка қилиш техникаси

Бонитировка қўйларнинг ташқарига чиқиш жойида - танбурда амалга оширилади. қўйларнинг чиқиш жойида узунлиги 8-9 метр, эни 60-70 см бўлган, чуқурлиги 70-80 см бўлган иккита маҳсус яма бўлади. Ямалар орасида қўйларни тўғри туриши учун доска ўрнатилган. Бонитировка қилишда бонитер ва яна бир ёрдамчи орқали бажарилади. Бонитировка қилишда қўйларнинг ҳар бир тана бўлимига эътибор берилади.

Алоҳида бонитировкада қўйларнинг ўнг қулоғининг охирида стрелка олинган бўлса – элита, агарда ўнг қулоғининг пастки қисмидан стрелка олинган бўлса I – класс, агарда ўнг қулоғида иккита стрелка бўлса II – класс, ўнг қулоғининг тепа қисмидан 1-та стрелка бўлса III класс, ўнг қулоғининг пастки ва юқори қисмидан биттадан стрелка бўлса IV – классга киритилади. Алоҳида бонитировка иккига: тўлиқ ап қисқартирилган бонитировкага бўлинади.

Қорақўл қўйини бонитировка қилиш

Қорақўлчиликжа қўзиларни бонитировка қилиш 1-3 кунлигида бўлади, чунки қорақўл териларининг, гулининг нормал шаклланишитуғилган вақтига

ёки 1-3 кунлигига тўғри келади. Бу қоракўл қўзиларининг асосий бонитировкаси ҳисобланади. Қўшимча бонитировкаси қоракўл теридаги жингалакларининг сақланиш вақтига қараб 2 ҳафталигида (бу насл етиштириш учун зарур ҳисобланади) жиҳатдан етилган даврда, яъни 5-6 ойлигида қочиришдан олдин 1,5 ойлигида қўшимча бонитировка қилинади.

Соф зотли қўйлар бонитировка қилишда қуйидаги синфларга ажратилади:

Элита 1 ва 2 класс синфига – конституцияси мустаҳкам бўлган, маҳсулот бериши жуда юқори, барча зот стандартлари талабига жавоб берадиган қўйлар киритилади.

1-классга – зот стандартига тўла жавоб берадиган, конституция тузилиши мустаҳкам, аммо қисман камчиликлари мавжуд бўлса 1 классга киритлади.

2-классга – зот стандартига тўла жавоб бермайдиган, жун қоплами бўйича бир қанча камчиликлар мавжуд бўлади.

Агарда зот стандартига умуман жавоб беролмайдиган қўйлар бўлса брак қилинади.

Гўшт-ёғ йўналишидаги қўйларни бонитировка қилиш.

Бу қўйларга Ҳисори, Жайдари, Сирожи ва ҳакозо қўйлар кириб, бонитировка қилишда маҳсулот бериш даражасига қараб – элита, 1-2 классларга ажратилади.

Элита – конституцияси, суяклари ривожланган, экстеръери, думбасининг катталиги ва ўлчами, жун толасининг узунлиги ва бўйича энг юқори бўлса, элита синфига кириталади.

Тивитнинг узунлиги 5 см дан кам бўлмаслиги керак. Жун таркибида ўлик тола бўлмаслиги керак.

1-синфга – гўшт-ёғ берувчи қўйларнинг талаб қилинган типга жавоб бера олиши, конституцияси мустаҳкам бўлиши, суяклари яхши ривожланган, думбаси катта ва ўртача бўлиши керак.

Жуннинг таркибида қисман ўлик толалар бўлади.

2-синфга – қўпол ва бош конституцияли қўйлар киритилади. Бу синфга хос қўйларнинг суяклари қўпол бўлиб, гўшт-ёғ бериш бўйича 1-синфдан

устун туради, аммо жун копламининг таркибида қилтиқ, ўлик, қуруқ толалар мавжуд бўлади.

Думбали қўйларнинг бонитировкаси

Бонитировка қилишда бонитировка калитидан фойдаланилади. Бонитировка калитлари қўйлар зоти “Г” ҳарфи билан, жуни яхши бўлган гўштдор-ёғдор қўйлар “А” ҳарфи билан, жуни қисқа ва дағал бўлган қўйлар “Б” ҳарфи билан ифодаланади.

“КБН” – Курдюк большой нормальный (думбаси катта, нормал - ДКН). Думбали қўйларнинг бири ҳисори қўй зоти бўлиб, 16-18 ойлигида бонитировка қилинади. Бу қўйлар учта синфга ажратилиб:

Элита – конституция типи жуда яхши бўлган зот талабларига тўла жавоб берадиган қўйлар киритилади. Бунда қўчқорларнинг оғирлиги 80 кг, қўзиларники 65 кг бўлади.

1-синфга – мустаҳкам ва дағал конституция типлар киритилиб, боши ўртача, суяклари яхши ривожланган, думбаси кенг, катта ва ўртача бўлади. Ранги қора, сариқ, қўнғир рангларда бўлиб, жуни дағал, таркибида тивит тола, қуруқ ва ўлик толалар мавжуд бўлади. 18 ойлик қўчқорларнинг оғирлиги 70 кг, қўзиларники 60 кг.

2-синфга – ривожланиш ўртача бўлган нозик конституцияли қўйлар киритилиб, экстеръерида бир қанча камчиликлар учрайди. Аммо гўшт-ёғ бериш бўйича 1-синфдан ўтади. 18 ойлик қўзиларнинг оғирлиги 55 кг, қўчқорлариники 60 кг бўлади.

Индивидуал бонитировкада ҳисобга танлаш белгиларининг сони пода хусусиятлари ва наслчилик ишининг мақсадларига қараб яна тўлдирилиш мумкинлигини назарда тутиши керак.

Бонитировка маълумотларини журналга ёзишда махсус шартли белгилар – бонитировка калитидан фойдаланилади. Бонитировка калитини талабалар қуйидаги тартибда мустақил ёзиб олишлари керак:

Қўйларни индивидуал бонитировка қилиш

1.Эркак – урғочи қўзи – элита; 1 класс, ўртача, йирик, майда, жакет, ясси, қовурғасимон тип.

2.Отаси:№ _____ ўнги _____, чапи _____

Ранги _____, консититуцияси _____,

_____, класс, яхшиловчи _____, синовчи _____, оддий _____

3.Онаси:№ _____ ўнги _____, чапи _____, ранги _____, конституцияси _____, класс _____

4.Қўзининг туғилган вақти:

_____ куни, _____ ойи, _____ йили.

Қўзи неча кунлик туғилган _____

5.Қочириш вақти – совилик охирги марта уруғлантирилган кун _____.

6.Қўзининг туғилгандаги тирик вазни _____ кг.

7.Нечанчи қўзи бўлиб туғилган: 1-, 2-, 3-.

8.Неча кунлигида бонитировка қилинган _____.

9.Ранги (туси, нақши): тим қора, қора, сустроқ қора-қўк - _____.

10.Оқининг бор-йўқлиги: думида, энсасида.

11.Терисининг қалинлиги: жуда қалин, ўртача қалин, қалин тортган, қалин.

12.Терисининг пишиқлиги: жуда пишиқ, пишиқ, бўш.

13.Терисининг запаси: таранг, осилиб тушган, майда бурмали , жуда кўп бурмали.

14.Жунининг ялтироқлиги: кучли, нормал, етарлимас;

15.Жунининг қалинлиги: жуда қалин, қалин, қалинлиги етарлимас;

16.Жунидаги ёғ-тер; кам, ўртача, кўп.

17.Тана иккинчи даражали қисмининг жун қоплами: боши, олдинги оёқлари, қорни, орқа оёқлари, думи.

18.Конституцияси: мустаҳкам, (бақувват), нозиклашган, дағал, нозик, дағаллашган.

19.Жами баҳоси: 5, 4, 3.

20.Қайси мақсадда фойдаланилади: наслчиликда, маҳсулоти учун.

21._____ кунлик қўзиларнинг тасвири.

a) Ривожланиши: яхша, ўртача, етарлимас.

b) Ориқ-семизлиги: эти яхши, ўртача, кам.

c) Қуруқ жуни: йўқ_____да бор.

d) Терисининг запаси: таранг, осилиб тушган, майда бурмали, кўп бурмали.

e) Конституцияси: мустаҳкам (бақувват), нозиклашган, дағаллашган, нозик, дағал.

f) Жами завод баҳоси: 5, 4, 3.

g) Қўзидан фойдаланиш йўли: текширишга оддий, синашга, брак.

22.Фотосуратнинг №_____.

23.Алоҳида фикр ва мулоҳазалар:_____

Бонитер имзоси: _____

20__ йил “_____” _____

Мустақил иш учун топшириқ

- 1) Бонитировка журналичан фойдаланиб 1-жадвални тўлдилинг (5 та қўй мисолида).

Жадвал-1

Қўйларин бонитровка натижалари

Ин.ном қўлар	зоти	Ёши ғижимлиги	қуюқлиги	узунлиги	жингалаклиги	Эни (мкм)	Бир текислиги	Тери-ёғ чиқими	Конституция тип	Экстерьер баҳоси	Умумий баҳоси	Бонитровка синфи

Ўзини текшириш учун саволлар.

1. қўзилари қайси ёшида бонитировка қилинади?
2. қўзилари қандай белгиларига қараб баҳоланади?
3. Индивидуал бонитировка билан класс бонитировкаси ўртасидаги фарқи нима?
4. Танлашда ҳисобга олинадиган белгилар.
5. Бонитировка калитидан фойдаланиб, индивидуал бонитровка журналичини тўлдилинг.
6. Бонитировка ўтказиш учун қандай ашёлар зарур бўлади?
7. қўзиларини бонитировка қилиш техникаси?

5-мавзу: Қўйларни жун маҳсулдорлиги, унинг тузилиши, таркиби ва физик-технологик хоссаларини ўрганиш.

Дарснинг мақсади: Жун турлари табиий, сунъий ва синтетик толаларни билиш қўй жунининг гуруҳларини фарқлай олиш ҳамда толаларини физик-технологик хоссаларини батавсил ўрганиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар: жун гуруҳлари табиий ва синтетик толалар коллекциялари, жун толалари ва уларнинг турларидан намуналар (тивит, қилтиқ, оралик, қуруқ ва ўлик толалар), ҳамда жун толаларига оид жадваллармикроскоп буюм ва қопловчи ойналар диномометр, дистилланган сув ёки глицерин.

Дарснингмазмуни: жун қопламлари барча кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ташқи бир неча хил толалар йиғиндисидир. Ҳайвонларининг жунлари ичида юқори сифатга ва қимматга эга бўлган тури— қўй жунларидир. Қўйнинг жуни қопламининг таркиби бўйича 2 га бўлинади:

1. Бир ҳил жунлар
2. Ҳар хил тузилишидаги жунлар

Бир ҳил қопламли жун таркибига тивит оралик тола киради.

Тивит тола жуда силлик. Унча узун бўлмаган, лекин жуда мустаҳкам толадир. Тивит толанинг йўғонлиги 10-25 мкм, узунлиги 5-12 см гача бўлади. бу толани микроскоп остида кўрганимизда пўстлоқ ва тангачасимон қисмлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Тивит тоалининг силлик бўлишига сабаб бошқа толалар таркибида бўладиган ўзак қатламининг бўлмаслигидир.

Оралик тола. Бу тола тивит ва қилтиқ тола орасида иккала толанинг хоссасини қисман бўлсада ўзида мужассамлатирган толадир. Бу толанинг калинлиги 26-65 мкм узунлиги эса 10-35 см оралик толанинг тузилишида толанинг пўстлоғи, ўзак, тангачасимон қисмлари бўлади. айрим ҳолларда

ўзак қисми бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу тола оралик тола деб аталади. Бир хил қопламли жун майин ва ярим майин жунли қўйларидан олинади.

Ҳар хил қопламли жун. Бу жун таркибида турли толалар мавжуд бўлиб, жун толалари йиғиндисидан иборат. Бу толалар тивит, қилтиқ, оралик ва бошқа толаларидир. Бу толалар бир ҳилдан – эни ва узунлиги бўйича айрим ҳолларда ранги билан фарқланади. Ҳар хил қопламли жун дағал ва ярим дағал жунли қўйлардан олинади.

Қўйларнинг жуни ва уларнинг турлари

Майин жун

Майин жун – Меринос, Ставрополь, Қирғизистон, Доғистон ва бошқа майин жун берувчи зотли қўйлардан олиниб, толасининг ингичкалиги 25-мкм сифати даражаси 60, тола узунлиги 6,9 см га тенг бўлади.

Ярим майин жун

Бу жун таркибида тивит ва оралик тола мавжуд бўлиб, Шимолий Кавказ, Цигай, Тяньшан ва бошқа зотлардан олинади. Ярим майин жуннинг узунлиги 8-20 см, ингичкалиги 25-55 мкм ва 58-38 сифат даражасига эга бўлади. Кўпинча ранги оқ, ялтироқлиги ўртача, ёғ-тери бирикмаси эса ўртача ривожланган.

Ярим дағал жун. Қўй жунини таркибида тивит, оралик, қилтиқ толалар мавжуд бўлса бундай жун ярим дағал жун дейилади. Бу жун дағал жундан ўзининг юмшоқлиги, таркибида ёғ-тери бирикмасининг кўп бўлиши билан фарқ қилади. Ярим дағал жун сирожидан, тожиқ, толий ҳамда балбас қўй зотларидан олинади. Ярим дағал жун енгил саноатда турли хил матолар ишлаб чиқаришда қимматли ҳом-ашёдир.

Дағал жун – агарда жун таркибида оралик, тивит, қилтиқ ҳамда айрим ҳолларда қуруқ ва ўлик толалар мавжуд бўлса, бундай жунга дағал жун деб

аталади. Дағал жун таркибидаги қилтиқ, қуруқ ва ўлик толалар бир-биридан ўлчами жихатидан фарқ қилади. Бу жун қоракўл, хисори, жайдари, эдилбой кўй зотларидан олинади.

Қилтиқ тола – бу тола тангачасимон пўстлоқ ўзак қисмларидан ташкил топган бўлиб, қалинлиги 35-200 мкм, узунлиги 10-30 см.

Қуруқ тола – ўзининг ҳаётчанлиги йўқотган бўлиб, ялтироқлиги жуда паст. Узунлиги 10-35 см, қалнилиги 200 мкм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Ўлик тола – калта, қалинлиги 200 мкм бўлади. Толанинг ўзак қатлами кучли ривожланган. Ўлик тола тез синувчан бўлмайдиган бўлади.

Жун гуруҳларининг толалари тузилишини микроскопда фарқлаш.

Фарқлаш толаларини микроскопда кўриш учун микроскоп, буюм ойначаси, қоплагич ойна, глицерин керак бўлади. Биз аниқламоқчи бўлган тола қандай жуннинг толаси бўлишидан қатий бўлишидан назар узунлиги 0,5 см қилиб 5-6 донадан ҳар турдаги толадан препарат тайёрлаймиз. Препарат тайёрлаш учун буюм ойначасига пипетка ёрдамида 2-4 томчи глицерин томизамиз ва уни ёниб устига 0,5 см узунликдаги тайёрланган толаларимизни кўямиз. Толанинг устидан қоплагич ойнани беркитиб, микроскопнинг буюм столчасига кўямиз. Шу тарзда бошқа толаларнинг тузилишини ҳам аниқлаймиз.

Жуннинг физик-техник хоссаларига узунлиги, жингалаклиги, пишиқлиги, эластиклиги, намлиги, ингичкалиги, ялтироқлиги, чўзилувчанлиги ва қайишқоқлиги.

Жуннинг узунлиги. Жун толасининг узунлиги 2 хил бўлади:

1. Табиий узунлиги
2. Ҳақиқий узунлиги

Табиий узунлиги қўйнинг жун қопламидаги жингалаклар тутамининг узунлиги тушунилади.

Ҳақиқий узунлиги эса жун толасининг жингалаклари тўғрилангандаги узунлиги тушунилади. Жуннинг узунлигига қараб ундан турли хил баҳога эга бўлган газламалар ишлаб чиқарилади. Жун толасининг табиий ва ҳақиқий узунлиги ўртасидаги қарқ 30-40% ташкил этади. Жуннинг узунлигини аниқлашда қўйнинг курагининг остидан, орқа қисмидан, бел қисмидан жун олиниб линейка ёрдами 0,5 см фарқи жунларнинг билан аниқланади. Бу усул жуннинг узунлигини аниқлаш қўйларни бонитировка қилишда ишлатилади.

Толани ингичкалиги. Толани ингичкалиги Англияда ишлаб чиқилган Братфорд системасидан фойдаланилади. Бу система бўйича жун толаси 13 сифат даража бўйича аниқланади. Бу (80,70,60,58,56,50,48,46,44,40,36,32) рақамлар оғирлиги 453,6 гр келадиган Англия жуфт жунидан нечта калава ўраш мумкинлигини кўрсатади.

Калаванинг узунлиги 512 м бўлиб, жун қанча ингичка бўлса ундан шунча узун калава олиш мумкин. Толанинг ингичкалиги билдирувчи сифат сонлар микрометр ҳисобида маълум диаметрга тўғри келади. 80 сифат даражасига эга бўлган жун толасининг ингичкалиги 17,5-18 мкм га тенг. 64 сифат даражаси 23-24 мкм тенг ва ҳ.к. майин жунлар учун 80-70-64 сифат даражалари ҳосдир. Жуннинг ингичкалиги қўйнинг ёнбош қисмида аниқланади.

Жун толаларининг жингалаклиги. Майин жунли қўй зотларига жингалаклик “И” ҳарфи билан белгиланади. Бунда жуннинг жингалаклиги яхши кўринишга ярим ҳалқа шаклида бўлса УІ+агарда жингалаклиги яхши кўзга ташланмаса УІ билан белгиланади. Жингалаклиги умуман бўлмаса И= белгиланади. Яъни жингалак ўртача, баланд, юмшоқ, силлиқ ҳамда жуда ҳам баланд жингалакликка эга бўлган сифат даражаси паст турлардир.

Жуннинг пишиқлиги. Жун толаларини механик куч таъсирида чўзганда узилишга кўрсатадиган қаршилиқ кучи жуннинг пишиқлигини билдиради. Жун толаларининг пишиқлиги грамм билан ўлчанади. Лаборатория шароитида жуннинг пишиқлиги динамометр билан аниқланади. Қуйида турли зотли қўйларнинг жун толасининг пишиқлиги ва уларнинг фарқини кўрсатади.

Жадвал-1

Толанинг ингичкалиги, микрон	Толанинг пишиқлиги, гр	зотлар	кг
18-20	5,70		7,5-8,5
24-26	9,36	Прекос	6,5-7,5
30-37	29,30	Цигай	8,5-10,0
45-60	39,20	Домни - марш	10,0-12,0
60 ва ундан ортиқ	51,25		

Жунларнинг пишиқлиги турли зот қўйларида турлича бўлади. Масалан, майин жунлар учун 7-7,5, ярим майин жунлар учун 8,0 ярим дағал жунлар учун 9,0 ва дағал жунлар учун 9-10.

Жуннинг пишиқлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Бу ерда: - толанинг чўзилиши ва узилиши орасидаги масофа

- Аниқладиган толалар сони
- Толани узулишига берадиган оғирилик
- Толалар узулгандан кейинги массаси

Масалан: - 25 мм, =1,19 кг.

$$P=87,0, =8,54 \text{ км}$$

Жун толасининг чўзилувчанлиги. Лаборатория шароитида толанинг чўзилувчанлиги динамометрда, ишлаб чиқариш шароитида кўз билан чамалаб аниқланади. Жун толасининг чўзилувчанлиги деб, толанинг узулишига қадар узайишига айтилади ва процент билан ифодаланади.

Майин жунлар чўзилувчанлиги 33-35 %, ярим майин жунники – 37-46%, пахтаники 6,9-7,2 %, нейлонники – 8,7-8,9%.

Жун толасининг эластиклиги. Жун толасини чўзганда унинг ўз ҳолатига тезлик билан қайтиши – эластикликни билдиради. Таркиби ва пишиқлиги яхши бўлган жуннинг эластиклиги жуда яхши бўлади.

Жун толасининг қайишқоқлиги. Толани механик куч таъсирида сиққанимизда ўз ҳолатига қайтиши тушунилади. Бу жараён қоракўл териларининг жингалакларига куч таъсир эттирилганда уларнинг ўз ҳолатига тезда қайтиб келиши билан кузатилади.

Жуннинг гигроскопиклиги. Жуннинг ҳаводаги намликни тортиб олиш хусусиятидир. Жуннинг массаси ҳаводаги намлик ҳисобига 50% ошиши мумкин.

Жуннинг намлиги. Жуннинг кимёвий таркибига кирмайдиган, лекин механик тарзда сақланувчи сув миқдоридир. Жуннинг нормал намлиги 17%.

Жуннинг туси. Жуннинг ранги 1 ўринда қўйларнинг аждодига боғлиқ бўлса, 2 навбатда терининг пўстлоқ қатламидаги механик пигментининг миқдorigа боғлиқ. Майин ва ярм майин жун берувчи қўйларни 75-85% оқ рангда бўлади. дағал жун берувчи қўйларнинг жун, ранги турлича бўлади.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўй жунининг гуруҳлари қайсилар ва таъриф беринг.
2. Майин ва ярим жуннинг бир-биридан фарқи нимадан иборат? Бу жунлар қандай қўй зотларидан олинади?
3. Дағал ва ярим дағал жуннинг фарқи ва бу жунлар қайси қўй зотларидан олинади?
4. Бир хил қопламили ва ҳар хил қопламли жун деганда нимани тушунаси?
5. Препарат тайёрлаш қандай амалга оширилади ва бундан мақсад нима?

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги 1-топшириқни жадвалда жун толаларининг типлари берилган. Микроскоп ёрдамида толаларининг барча ўлчамларини олиб уларни таърифланг.

Жадвал-2

Толаларнинг таърифи

Микроскопдаги тасвири		Таърифи			
Тола типи ва ўлчамлари	Морфологик тузилиш	узуңлиги	ингичкалиги	мустаҳкамлиги	Туси

Тивит

Қилтиқ

Оралик

Ўлик

Қурук

2-топшириқ. Қуйидаги 3-жадвални мавзу асосида тўлдилинг

Жадвал-3

Бир хил ва ҳар хил қопламли жунга қисқача характеристика беринг	Тола турларига таъриф беринг	Майин ва ярим майин жунлар қайси қўй зотларидан олинади	Дағал ва ярим дағал жунлар қайси қўй зотларидан олинади

**6-мавзу: Қўй жунни гуруҳлари, сифати, табақаланиши, ундаги
нуқсон ва камчиликларни ўрганиш.**

Дарсининг мақсади: Жун гуруҳлари қайси сифатларига кўра табақаланиш. Давлат андозалари тўғрисида тўла тушунча ҳосил қилиш, жундаги нуқсонларни жун сифатига таъсири ҳамда уларни бартараф этиш учун қилинадиган ишлар ҳақида батафсил маълумотига эга бўлиш.

Дарс учун керак бўладиган жиҳозлар. Давлат андозалари, яхлит жун намуналари, нуқсон ва камчиликларга эга бўлган жун, ҳамда бир неча жадваллар.

Дарсининг мазмуни: Қўйларнинг жунни турли хил кўрсаткичларга асосланиб синфларга ажратилади. Жуннинг қўйлардан қирқиб олиниши ва қайси усулда эканлигига қараб –

1. Ҳақиқий жун (соғлом қўйдан олинган).
2. Теридан олинган жун (териси қайта ишлаб чиқариш ташкилотларига жўнатилади).
3. Пўстин учун ишлатиладиган терилардан олинган жунлар.

Қўйлар жунни қирқиш, вақтига қараб жун баҳорга ва кузги жунга бўлинади.

Баҳорги ва кузги жунлар фақатгина дағал ва ярим дағал жунда қўйлардан олинади.

Майин жунли қўйларни фақатгина баҳор фаслида жун олинади. Бунга сабаб майин жунларнинг 1 ой давомидаги ўсиши ўртача 1 см. Дағал жунларники 1 ойли 3 см бўлади.

Жунлар технологик хусусиятларига кўра 4 га бўлинади.

1. Майин жунлар

2. Ярим майин жунлар
3. Дағал
4. Ярим дағал жунлардир

Баҳори жун сортланишига қараб:

1. Яхлит жун
2. Бўлакли жун
3. Паст сортли жунларга бўлинади.

Яхлит жун кокил ёки штапель тузилишига эга бўлиб, бунда жун толалари қисман бўлсада бир-бири билан тутшиб жун кокилчаларини ёки тутамларини ҳосил қилади.

2.Бўлакли жун – ифодаланмаган, аммо оғирлиги 150 гр дан кам бўлмаган жунлар, (майин ва ярим майин жунлар учун характерли), дағал ва ярим дағал жунлар учун 100 гр дан кам бўлмаслиги керак.

3.Паст сортли жун – бир қанча ифлосликларни бўлган, яхлит жундан алоҳида ажралиб, турган жундир.

Жуннинг умумий кўринишига қараб 3 га:

1. Нормал
2. Турли хил тиканлар ёпишган жун
3. Ифлос жунларга бўлинади

Жунларнинг бу синфлардан ёки қисмлардан ташқари маҳсус Давлат андозолари бўлиб, жунлар шу андозаларига мувофиқ синфларга ажратилади. Жунни синфга ажратишда қўйнинг курак, орқа, ёнбош қисмларидан маълум миқдорда жун олиниб сортларга бўлинади.

Жунларни сортга ажратишда – жуннинг сифатига, узунлиги, нагичкалиги ва бошқа хусусиятларига эътибор берилади.

Майин жунларни синфларга ажратиш. Майин жунлар синфга ажратилганда иккига бўлинади:

1.Меринос жунлар

2.Меринос бўлмаган жунлар.

Меринос жунлар – бир хил жун толаларидан ташкил топган бўлиб, штапель тузилишига эга, ёғ-тер бирикмаси яхши, жун толаларининг нақшлари кўзга ташланиб туради ҳамда толалари бир текис бўлиб жойлашган. Толанинг ингичкалиги 60 сифат даражасига эга (23,1-25 микронга) бўлиб, ранги, оқ бўлади. синфлашда олий, 1, 2 ва 3 синфларга бўлинади.

Меринос бўлмаган жун – таркибида ёғ-терининг миқдори кам бўлиб, толасининг узунлиги ва ингичкалиги бўйича анча камчиликлар бор, жуннинг сифат даражаси 60 га тенг. Жуннинг ранги ҳар хил бўлиши мумкин. Майин жунларнинг давлат стандарти (ГОСТ-7763-71) билан ифодаланилади. Қуйидаги жадвалда майин жунларнинг синфларга ажратилиши ва синфлари танишиб чиқамиз.

Жадвал-1

Майин жунларнинг синф ва ёнаки синфларга бўлиниши

Синфлар	Ёнаки	Характеристика
Олий	-	Ранги оқ бўлиб, жун толасининг узунлиги 70 см дан кам бўлмаган, ингичкалиги 64 сифат даражасига эга, бўлишмаган, ифлослашмаган, тоза сифатга эга бўлган жунлар киритилади.
1	1	Жуннинг узунлиги 65 мм дан кам бўлмаган, сифат даражаси 64
2	2	Узунлиги 65 мм ва ундан ортиқ, ингичкалиги 60-64 сифат даражасига эга
3	1	Узунлиги 55 мм дан кам бўлмаган, ингичкалиги 64 сифат даражасига эга бўлган жунлар киритилади
	2	Жуннинг узунлигига ўртача 65 мм дан 40 мм гача бўлган, сифат даражаси 60 га ундан ортиқ бўлди.

Ярим майин жунларга цигай, кроссборд, кроссбред типдаги жунлар, хамда ярим майин дурагайлар типига хос жунлар киритилади. Бу типдаги жунлардан Кроссбред жуни ва уни синфларга ажратиш билан батафсил танишиб чиқамиз.

Кроссбред жуни – бу хил қопламидан ташкил топган бўлиб, толасининг ингичкалиги даражаси 58 дан кам бўлмаган, қайишқоқлик даражаси тўла кучли пластик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Кроссбред жунлар тез етилувчан узун думли қўйлардан ва кроссбред қўйларидан олинади. Бу жун узунлиги бўйича иккита синфга, ингичкалиги бўйича 1 чи ва 2-чи ёнаки синфларга бўлинади.

Кроссбред жунининг характеристикаси

Олий	Ёнаки	Характеристикаси
I	1	Узунлиги 110 мм ва ундан ортиқ, ингичкалиги 58-60 сифат даражасига эга
	2	Узунлиги 110 мм ва ундан ортиқ, ингичкалиги 48 сифат даражасига эга ва қўпол
II	1	Узунлиги 110-90 мм гача, ингичкалиги 58-50 сифат даражасига эга
	2	Узунлиги 110-90 мм гача, ингичкалиги 48 сифат даражасига эга ва қўпол

Ярим дағал жунларни сифтларга ажратиш. Ярим дағал жунжун 1 ва 2 авлод дурагайлардан олиниб, бу жун ҳар хил қопламдан ташкил топган, таркибида тивит, оралик ва қилтиқ толалар мавжуд.

Руноси косицали , жун қоплами бир текис эмас, лекин тер ёғининг миқдори ўртача ҳолатда.

Бу жунлар иккита синфга ажратилади.

1-синфга – бу синфга мансуб жуннинг косицаси тивит массададан ташкил топган бўлиб, жуни юмшоқ. Жун таркибида тивит, оралик тола бор. Қилтиқ тола кам бўлади. айрим ҳолларда бўлмайди.

2-синфга – бу синфга хос жун таркибида тивит, оралиқ тола бўлиб, қилтиқ толанинг миқдори кўп бўлади. косицаси дағал ва йирик, жун таркибида куруқ ва ўлик толалар ҳам учраб туради.

Дағал жунларни синфларга ажратиш. Бу жун ҳар хил типдаги дағал жунли қўй зотларидан олинади. Бу типдаги жун берувчи қўйлар 2 марта қирқилади – баҳор ва кузда. Куздаги жун синфларга ажратилмайди. Дағал жун косицани тузилишига эга бўлиб, бир хил эмас, тер-ёғи миқдори оз бўлади. синфларга ажратишда 3 та синфга бўлиниб ўрганилади.

1-синфга – жуни майин, тивити мавжуд бўлиб, қилтиқ тагида жойлашган, таркибид қисман ўлик толалар учраб туради.

2-синфга – жуни таркибида тивити мавжуд, косицаси узун, қилтиқ тола миқдори кўп бўлади. тер-ёғининг миқдори 1-синфга қараганда кам бўлади.

3-синфга – жуни таркибида тивитнинг миқдори анча кам бўлиб, таркибида ўлик, куруқ толалар учрайди. Қилиқ толанинг миқдори жуда кўп бўлади.

Дағало жунлар ҳолатига қараб 2 га бўлинади.

1.ўртача жун

2.тиканакли жун

Дағал жунларнинг кузги қирқими синфга ажратилмайди, лекин ранги ва ҳолатига қараб табақаланади.

Жунларни синфга ажаритиш техникаси

Синфларга ажратиладиган жуглар ҳисоб столининг устига ҳолатига қараб, тузилишга ва синфларишнинг барча хусусиятларига қараб юқоридан – қуйига қараб жойланади. Шундан сўнг яғрин, орқа, бел, ёнбош қисмлари кўздан кечирлию синфга ажратилади.

Жунларнинг ҳолати ва рангига эътиборберилади.

Мустақил иш учун топшириқ.

Берилган жуннинг андозасидан фойдаланиб қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Жуннинг турлари	Синфлар	Толасининг узунлиги	Ингичкалиги	Ёғ-тери миқдори	Ғунонинг тузилиш
Майин	1				
Ярим майин	1				
Дағал	1				
Ярим дағал	1				

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Жунлар қандай синфларга табақаланади?
2. Майин жунлар неча синфга бўлинади?
3. Бўлакчи ва ифлосланган жун деганда сизнинг тушунчангиз?
4. Кузги жун нима учун синфларга ажратилмайди?
5. Давлат андозаси деганда нимани тушунаси?

7-мавзу. Қўйларни тери турлари, унинг хоссалари ва сифатини баҳолашни ўрганиш.

Дарснинг мақсади. Қўйлардан олинадиган териларни нима мақсадда ишлатилиши. Қўйлар терисининг турлари ва териларга ишлов бериш усуллари билан танишиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар.

1. Турли хил ўлмачдаги қўй терилари
2. Теридан тайёрланган буюмлар, расмлар.

Дарснинг мазмуни: Гўштга сўйиладиган қўйларнинг терисига яқин кунларгача бизнинг давлатимизда эътиборсизлик билан қараларди. Аммо кейинги пайтларда қўй терисидан турли мақсадларда фойдалана бошланди.

Хўжаликда сўйилган қўйларни терисини шилиш қўйидагича амалга оширилади:

1. Аввало қўй бўйнидан сўйилиб, қўй танасининг тилиш мумкин бўлган жойлардан, яъни қўй танасининг оқ чизикчилари тўғрисида тилиш зарурдир. Тилиш қўйнинг олдинги оёқларини билан қисмигача орқа оёқларининг эса сакраш қисмигача олиб борилади.

2. Терини шилиш – қўйнинг бўйи, кўкрак, дум қисмлари пичоқ орқали, қолган қисмлари қўл билан шилинади. Семизлик даражаси юқори бўлган қўйларнинг териси осон ва сифатли шилинади. Шилинган тери 2 соат салқин жойда қуритилади.

Шундан кейин терига ишлов берилади. Терига ишлов беришнинг 4 хил усули бўлиб:

1. Намоқоб
2. Тузли кислотада
3. Қуруқ тузлаш

4. Қуруқ консервалаш.

1.Намоқоб усули: бу усулда териға ишлов бериш учун “номер 2” формали туз. 2-4% 2-хлорбензол ёки 2-3% нафталин аралашмаси керак бўлади. ана шундан сўнг тери массасининг 30% гача бўлган туз терининг мезосорасига сепилади ва терининг лизедераси юқорига қаратилиб, 1,5 метр баландликда штабелга тахланади. Тери 7-8 кун штабелда сақланади. Бу усулда териға ишлов беришда 1 та териға 0,8 кг туз кетади.

2.Қуруқ тузлаш: бу усул намоқоб усулидан туз миқдорини кам сарфланиши билан фарқ қилади. Бу усулдан тери штабелда 2-3 кун сақланади. Сўнггра соя жойда қуриртилади. Қуриган терини тахлашда ҳар бир териға 8-10 гр нафталин, ёки 2-хлорбензол сепилади.

3.Қуруқ консервалаш: бу усулда териға туз сепилмайди. Тери ёз кунларида соя жойда қуриртилади.

4.Тузли кислотада консервалаш: бу усул энг асосий усул бўлиб, терини консервалаш учун аралашма тайёрланади. Аралашма таркибида 85% туз, 7,5 % аммонийнинг калийли аралашмаси, 7,5% аммонинг хлорид бўлади. бу аралашмалар яхшилаб аралаштирилгандан сўнг бир териға ўртача 1,5 кг аралашма сарфланади. Терилар худди намоқоб усулидан тахланади. Бу усулда ишлов берилган териларни ёз вақтида 2-3 ой, қиш вақтида 6 ойгача сақлаш мумкин.

Мана шу ишлов берилган терилардан қайта ишаш корхоналарида ҳар хил буюмлар тайёрланади. Асосан териларни (қўй) пўстинлар тайёрланади. Пўстинларнинг 3 хил турил бўлиб.

1.Жунли пўстинлар

2.Шўбали пўстинлар

3.Кожали пўстинлар

Мўйнабоп тери

Жуда енгил бўлиб, майин ва ярим майин жунли қўзиларнинг терисидан олинади. Бу қўйларга Асканъ, Стравополь, Кавказ, Цигай, Горъков, зоти қўйлари киритилади. Бу қўйларнинг тери қопламидаги жуни бир хил жундан иборатдир. Жунли пўстинларда терининг мезодираси ички томонда, жун қоплами ташқи томонда қилиб буюмлар тикилади. Ярим дағал ва ярим майин жунли қўйларнинг терисидан тайёрланадиган пўстинларда жун ички томонга, мезодираси ташқи томонга қаратилиб буюмлар тикилади. Жунли пўстинлардаги жун толасининг узунлиги 1,5-5 см бўлади.

Пўстинбоп терилар

Бу пўстинлар дағал жунли қўйларнинг терисидан тайёрланади. Шўбали пўстинларда пўстиннинг жуни ичкарида, мезодираси ташқарига қилиниб буюмлар тикилади. Шўбали пўстинларда жун толасининг узунлиги 5-10 см бўлади. энг яхши шўбали пўстинлар Романов ва Шимолий калат думли қўйларнинг терисидан олинади. Оғир пўстинлар думбали ва қўйларнинг терисидан тайёрланади. Шўбали пўстинларнинг иссиқлик сақлаш хусусияти жуннинг қалинлигига, узунлигига, жун таркибидаги қилтиқ ва тивитга ҳамда мезодиранинг зичлигига боғлиқдир. Романов қўйларининг терисининг 1 см жойига 5000 дона тола тўғри келади. 1 та қилтиқ толага 5-10 дона тивит тўғри келади.

Кўн (чармбоп) терилар

Агарда пўстин тайёрланадиган териларнинг жунлари кичик бўлса, жуда ифлосланган бўлса ёки ўлик толалар кўп, бўлса, бундан терилардан кожали буюмлар ишлаб чиқарилади. Қўйларнинг терисидан тайёрланган кожаларнинг зичлиги кам бўлади. шунинг учун қўй терисидан яхши пўстинлар тайёрланилмайди.

Сунъий пўстинлар

Кейинги йилларда синтетик пўстинлар ишлаб чиқарила бошланда. Синтетик пўстинларнинг жун синтетик толалардан тайёрланади. Бу пўстинлар жуда чиройли, ишлаб чиқарилмоқда. Бу пўстинлар иссиқликни ўзида ёмон сақлайди. Синтетик пўстинларнинг синтетик толалари ўрнига айрим вақтларда шўбали пўстинларнинг жун қопламини текисашда чиққан жун қолдирларидан тайёрланади.

Синтетик пўстинлар табиий пўстинлардан қуйидаги кўрсаткичлари билан фарқ қилади.

Табиий ва синтетик пўстинлар хусусиятларининг фарқи

Кўрсаткичлар	Сунъий пўстин	Ҳақиқий пўстин
1 см ² жойга массаси (гр)	7,5 гр	14 гр
Совуққа чидамлиги	Жуда чидамли	53
Иссиқ сақлаши	86-99%	100%

Қўйлар гўштга топгирилганда уларнинг жунининг узунлиги 1,5 см дан кам бўлмаслиги керак.

Териларни сортлаш

Жунли пўстинлар қайси зот қўйлардан олинishiга қараб:

1. Майин жунли
2. Ярим майин жунли
3. Ярим дағал жунли пўстинларга бўлинади.

Жунининг узунлигига қараб:

1. Агарда 5 см дан ортиқ бўлса, шерсть
2. Агарда 2 см дан 5 см гача бўлса, ярим шерсть
3. Агарда 1 см дан 2 см гача бўлса, паст шерсть дейилади.
4. Агарда 1 см бўлса, тақир тери дейилади.

Пўстинбоп терилар 3 группага:

1. Рус шўбали пўстинлари – бу группага ҳамда дағал жун берувчилар.
2. Чўл зонасидаги қўйлардан олинадиган пўстинлар – бу группага барча думбали қўйлар териси ва қўйлари киради.
3. Романов қўйларидан олинадиган пўстинлар.

Пўстинбоп терилар жун қопламидаги толасининг узунлиги бўйича: 6см ва ундан ортиқ бўлса, шерсть; 5 см дан 6 см гача бўлса, ярим шерсть; 5 см дан кичик бўлса, тақир териларга бўлинади.

Териларнинг сатҳи тери узунлигини (бўйининг юқори қисмидан, думнинг асосигача) эинга кўпайтириб чиқарилади.

Териларни хўжаликда сақлаш ва давлатга топшириш.

Консерваланган терилар 10 кун атрофида сақланади, терилар салқин соя махсус жойларда тахтадан қилинган хонтахталар устида 20 °С температура ва 70-80% намлик остида сақланади. Терилар штабелда 1,5 метр баландликда қилиб, мезодерага жуни қаратилиб, тахланади ва нафталин билан ишлов берилади.

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги жадвални юқоридаги кўрсаткичлар асосида тўлдилинг

Терига ишлов беришда ишлатиладиган моддалар

Терига ишлов бериш усули		нафталин	дихлорбензол		алюминий	Калийли туз

1. Номакоб усули
2. Қуруқ усулларда тузлаш
3. Қуруқ консервалаш
4. Кислотали консервалаш

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Қўй теридан нима мақсадда фойдаланилади?
2. Терилар қўй зотларига қараб фарқланадими, сабаб?
3. Пўстин деганда нимани тушунасиш? Қандай пўстин турлари бор?
4. Пўстинга ишлов бериш усуллари қайсылар, батафсил айтиб беринг.
5. Пўстинлар хўжаликларда қандай сақланади?
6. Табиий ва синтетик пўстинлар орасижа қандай фарқ бор?

8-мавзу. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги, уларнинг семизлигини, сифат даражаси ва табақаланиши

Дарснинг мақсади. Қўйларнинг гўшти, қўйларнинг семизлик даражаси ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Қўй тулumi, ҳар хил ёшдаги ва зотдаги қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги тасвирланган жадвал, 5111-55 давлат андозаси, ветеринария маълумотлари.

Дарснинг мазмуни. қўйларнинг гўшти ҳақида гапирганлар уларнинг мускул, суяк ва ёғ тўқималарнинг аҳамиятини ва гўштини ривожланиши учун алоқадорлигини айтиш зарурдир.

Қўйчилик маҳсулот бериши юзасидан чорвачиликнинг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, бир вақтнинг ичида гўшт ҳамда жун маҳсулотини беради.

Қўйчилик майин жунли, ҳамда ярим майин жунли зот қўйлари жуда сифатли жун маҳсулотини беради.

Гўшт маҳсулотини олишда дағал жунли қўй зотларининг аҳамияти жуда каттадир. Қўйлардан ҳазм бўлувчи озуқаларнинг 76% и мускулларга, суяк тўқималарига, ёғ ҳосил бўлишга бориб 25% ҳазм бўлувчи тайёр озиқ моддалар терига унинг ривожланишига сарф бўлади. айрим қўй зотларининг, яъни майин ва ярим майин зот қўйларнинг гўштида ёқимсиз ҳид бўлиб, бунинг сабаби гўшт таркибида гирсин кислотасининг бўлишидир.

Қўйчилик соҳасида шундай қўй зотлари борки, бу зотлар ўзининг серпуштлиги эвазига гўшт маҳсулдорлигини оширади. Масалан, Романов қўйларининг 1 йиллик қўзиларининг гўшти 200 кг ва ошиши мумкин.

Суяк тўқималари – бошқа тўқимларга нисбатан тез ривожланади. Тез етилувчан қўйларнинг суяк тўқималари 9 ойлигида ривожланиш даврини тугатади. Секин етилувчан қўйларда бу процесс 2 ёшгача давом этади ва

танада суяк тўқимларнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши гўштнинг ва нимталарнинг сифатини пасайишга олиб келади.

Мускул тўқимлари – алоҳида мускул толаларидан иборат бўлиб, толалар атрофини бириктирувчи тўқуималар ўраб олган бўлади. толаларнинг атрофини қоплам турувчи эластик сарколемма бўлади.

Эластик сарколеммларнинг ички қисмида биофибринлар бўлиб, биофибринлар таркибига миофиломентлар киарид.

Ёғ тўқимлари – тери ости мускуллар оралиғи ва мускуллар ичидаги тўқималарига бўлиниб, ёғ ички органларда думда – думбада тўпланади. Айрим қўй зотларидан олинган мармарсимон гўшт дейилади. Бунга сабаб мускул толаларининг орасида ёғ бўлса мармарсимон гўшт дейилиб, бу гўшгога тез етилувчан қўйларнинг гўштини киритиш мумкин.

Бириктирувчи тўқималар

Бу тўқималар мустаҳкам бўлиб, мускул толаларини бириктиради. Бу тўқималарнинг миқдори ҳайвоннинг ёшига қараб ўзгариб боради. Гўшт толаларининг сифатини ошишида ва гўшт массасини ортишда бириктирувчи тўқимларнинг роли каттадир.

Қўйларнинг семизлик даражалари

Қўйларда семизлик даражаси турли бўлиб, олий, ўрта ва ўртадан паст категорияларга бўлиб ўрганилади.

Олий категорияда – қўйларни семизлик даражаси – орқа, бел қисми мускуллари жуда яхши ривожланган. Бўйин, умуртқали ва қовурғали қўлга яққол сезилмайди. Бел қисмдаги тери ости ёғлари қўлга аниқ сезилиши билан бошқа категориядан фарқланади.

Ўрта категорияда қўйларнинг семизлик даражаси. Бел ва орқа қисмидаги мускулларнинг ривожланиши ўртача бўлиб, қўл, билан орқа қисмлари ушлаб қўрилганда умуртқалари қўлга қисман сезилади.

Лекин ёғ билан тла қопланган бўлади. Думбасида ёғ тўла даражада бўлмайди.

Ўртадан пастки категориядаги қўйларнинг семизлик даражаси. Мускулларнинг ривожланиши бўш, қониқарлидир, яғрини ва орқа умуртқалари аниқ кўриниб туради. Думбасида ёғнинг тўпланиши ўртача бўлади. ёғли думли қўйларни ҳам думдагиёғ миқдори бўш ҳолатда бўлади. агарда қўйлар ўртадан паст семизлик даражасига жавоб бермаса ориқ қўйлар дейилади.

Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигига, уларнинг гавдасига, мускулларининг ривожланишига ва бошқа қисмларига “5” балли системада баҳо берилиб категорияларга ажратилади.

кўрсаткичлар	Юқори балл	коэффициент	Жами балл
I	2	3	4
Сўйишдан олдинги оғирлиги (қўйлар ўзининг ёшига нисбатан ва зотига нисбатан тирик бўлиши керак)	5	5	25
Олдинги қисмлари (кураги мускул билан яхши қопланган кўкраги тўлишган, думалоқ бўлиб олдинга чиққан бўлади. оёқлари тўғри бўлади)	5	3	15
Гавдаси: (кўкрак кафаси кенг, чуқур бўлиб, орқаси тўғри ва мускуллар билан тўла қопланган)	5	4	20
Орқа қисми (умуртқали тўлишган, тўғри кенг, узундир. Оёқлари тўғри, мустаҳкам бўлиб, оралиқ масофаси кенг)	5	5	25
Конденции: (семизлик даражаси олий тапа тузилиши пропорционал бўлган гўшт формалари яхши ривожланган бўлиши керак)	5	3	15

Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини ифодаловчи белгилар йиғиндиси 100 балл бўлиббунда асосий эътибор гўшт маҳсулотининг кўрсаткичларига қаратилади, ҳамда коэффицент ёрдамида ифодаланилади. Қўйларнинг сўйишдан олдинги массаси, семизлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлари билан боғланади. Гўшт массаси, ички ёғ, сўйим массаси ҳамда мускул ва ёғ тўқималари, тўшнинг семизлик категорияси шунингдек гўштни кимёвий таркиби.

Тўшнинг массаси

Бунга гавдани бошисиз, оёқлари қисмигача, орқа оёғи, сакраш бўғимигача бўлади. думи мавжуд бўлади. Думи мавжуд бўлади, гавданинг ички қисмида буйрак атрофидаги ёғи билан тўшнинг массасига қиради. Тўшнинг сифати мускул тўқималарининг ривожланиши, ёғнинг тўпланиши билан баҳоланади. Тўшнинг сифати ҳам олий, ўрта ва ўртадан паст категорияда ифодаланади.

Сўйим массаси

Сўйим массасига нимталар ва ички ёғлар йиғиндиси қиритилади.

Сўйим чиқими

Сўйим чиқими деб, сўйим массасининг сўйилишидан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатини процентдаги ифодасига айтилади. Масалан, тирик вазни 80 кг бўлган қўйнинг сўйим чиқими аниқласак, қуйидаги натижага эришамиз. 80 кг оғирликка эга бўлган қўйни сўйганимизда тахминан сўйим вазни 42 кг бўлади. Яъни сўйим чиқими $\frac{42 \text{ кг}}{80 \text{ кг}} \times 100 = 52,5\%$ бўлади.

Демак, оғирлиги 80 кг бўлган қўйимизнинг сўйим чиқими 52,5% га тенг экан.

Қўйларнинг сўйишдан олдинги массаси уларни гўшт комбинатда 24 соат оч қўйилгандан сўнг аниқланади. Тез етилувчан қўйларнинг сўйим

чиқими 65-70%, майин жунли қўйларнинг 35-40%, қолган зот қўйларнинг 45-50% бўлади.

Турли хил семизлик даражасига эга бўлган қўйларнинг сўйим вазни таркиби гўшт ва ёғнинг миқдори қуйидагича аниқланади. Тез етилувчан қўйларнинг сўйим чиқими 65-70%, майин жунли қўйларнинг 35-40%, қолган зот қўйларники 45-50% бўлади.

Турли хил семизлик даражасига эга бўлган қўйларнинг сўйим вазни таркиби гўшт ва ёғнинг миқдори қуйидагича аниқланади:

Турли хил семизликдаги қўйларнинг сўйим массасининг нормаси (% ҳисобида)

Сўйим массасининг таркиби	Семизлик даражаси		
	Олий	Ўрта	Ўртадан паст
Гўшт	42,0	40,9	38,6
Ёғ	2,9	2,3	1,5

Мустақил иш учун топшириқ

1.Қуйидаги жадвалдаги қўйнинг сўйишдан олдинги массасидан фойдаланиб, уларнинг сўйим массаси, сўйим чиқими ва семизлик даражаларини топинг.

Семизлик даражалари	Сўйишдан олдинги массаси, кг	Сўйим массаси, кг	Сўйим чиқими, %
	183		
	155		
	137		

2.Турли массасига эга бўлган 10 та қўйнинг ўртача сўйим чиқимини топинг?

Қўйларнинг массаси: (175, 170, 135, 147, 150, 160, 110, 85, 70, 48) сўйим вазни (187, 86, 68, 74, 77, 84, 56, 44, 36, 27).

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Мускул, бириктирувчи, суяк тўқималарининг гўшти ривожланиши учун аҳамияти борми? Бўлса қандай?
2. Қўйларнинг семизлик даражаси неча хил бўлади, қайсилар ва таъриф беринг.
3. Сўйим вазни, сўйим чиқими, деганда нимани тушунасиш? Уларнинг таркибига нималар киради?
4. Қўйларнинг гўштининг ривожланишида ёғ тўқималарининг қандай ўрни бор?
5. Мирамисмон гўшт деганда нимани тушунасиш?

9-мавзу. Қўйларнинг сут маҳсулдорлиги. Қўйларни соғиш, сутини ҳисобга олиш, таркибини ва сифатини ўрганиш.

Дарснинг мақсади.Қўйлардан соғиладиган сут. Сутнинг таркиби бугунги кунда қўй сутига бўлган эътиборлар тўғрисида тўла тушунча ҳосил қилиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар.Сут учун қабул қилинган давлат андозалари, қўйларни соғиш учун қурилган турли станокларнинг суратлари (чет давлатлариники).

Дарснинг мазмуни:Қўйлардан олинадиган маҳсулотлардан яна бири сут маҳсулотидир. Қўй сути кимёвий таркиби, физик хусусиятлари жиҳатидан сигир сутидан устун туради. Қўй сути таркибида қуруқ моддалар 1,4 ёғ 1,8, калориясижиҳатидан 1,5 марта сигир сутидан устун туради. Қўй сутининг оқсили одам организмига 99 % ҳазм бўлади. сигир сутининг эса 42,5% ҳазм бўлади. қўй сутининг таркибини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Қўй сутининг кимёвий таркиби

Моддалар	Таркиби
Сув	82,1%
Оқсил	6-5,8%
Ёғ	6,7%
Қанд	4,6%
Минерал модда	0,8-0,9%

1 кг қўй сути таркибида 109 мл.гр витамин С, ҳамда А, Б группа витаминлари бўлади. соғилган сутнинг ранги оч сарик (сероватий) бўлади. Қўйларнинг сут маҳсулдорлиги қўйларнинг ёшига, зотига, мустаҳкамлигига, озиқланишига, қўзиларнинг туғилиш вақтига боғлиқдир. Қўй сути ва унинг

миқдори бўйича Острфисланд қўйлари жуда машхурдир. Бу қўйлар бир лактацияда 200-100 кг сут беради.

Қўйларни соғиш

Соғиш учун қўйиладиган қўйлар соғлом, семизлик даражаси ўрта ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан зотт стандартининг 1-синф талабига жавоб бериши керак.

Қўйларнинг лактация 150-200 кунгача давом этиши мумкин.

Қўйларни машинада соғиш. Махсус соғиш залибўлиб, бур қўйга 0,5-0,7 м² жой тўғри келиши керак.

Умуман олганда қўйларни соғиш 2 хил бўлади:

1.Машинада

2.Қўлда

Қўйларни қўлда соғиш кўп меҳнат талаб қиладиган иш бўлиб, бунда қўйларни елини яхшилаб ювилади, соғиш қўйнинг орқа томонидан соғилади. Бу қўйлан сутнинг соғиб олиш тезлиги 1,5-2 мин. 1 киши 2 соатгача 80-100 та қўйни соғиши мумкин.

Қўйларни машинада соғиш анча такомиллашган усул бўлиб бизнинг давлатимизда ҳозирги кунга қадар умуман қўйларни соғишга эътиборсиз қараяпти. Аммо озиқанинг етишмаслиги, қўл меҳнат талаб этиши бугунги кун шароитига тўғри келмаса ҳам, аминмизки, яқин йилларда қўйларни соғиш ҳам оммавийлаштирлар деб ўйлаймиз.

Қўйларни машинада соғиш Болгария, ГДР, Чехославакия, Руминия, Франция ва бошқа давлатларда кенг ривожланган. Бу давлатлар ДЗО-16, ДЗО-8, М-625, “Госконъ”, “Алф-лавалъ” каби соғиш установкаларидан фойдаланилади.

ГДР давлатининг М-625 “Импульс” қўйларни соғиш станогни билан танишиб чиқамиз.

Бу станок иккита платформадан ташкил топган бўлиб, 48 та қўйга мослашган. Ҳар платформада 24 тадан қўй жойлашади. Бу станокда 16 та соғиш аппарати ўрнатилган. Бу станокда 1 соат ичида 100 та қўйни соғиш мумкин. Қўйлар 2 марта соғилади. Қўйларнинг сути тез-тез ветеринария кўригидан ўтказилиб турилади.

Қўйларнинг сут маҳсулдорлигини ҳисоблаш

Қўйларнинг 1 кунлик сут маҳсулотини ҳисоблаш учун қўзининг 1 кг ўсиши неча кг сут сарфланишини билишимиз керак. Қўзини 1 кг ўсиши учун 5 кг сут сарфланади.

Қўзининг туғилган вақтдаги оғирлигига нисбатан ўзгарган оғирлигини 5 га кўпайтириб, қўйнинг соғиш бошланган кунига кўпайтирисак ўртача сутдорлиги келиб чиқади.

Масалан, қўзининг 2 ойлик оғирлиги 10 кг бўлса, туғилган вақтда 5 кг эди. $10-5=5$ кг.

$5 \text{ кг ни } 5 \text{ га кўпайтириб} = 25 \text{ кг}$

$25 \text{ кг ни } 2 \text{ ойга бўлсак } 25:60=0,417 \text{ кг}$

Бир кунлик қўйнинг сути 0,417 кг бўлган. чиликда соғин совлиқлар 500-800 бош бўлади.

Қўйнинг сутига бирламичи ишлов бериш

Соғиб олинган қўй сути совитилиши керак. Сутнинг сифати унинг сортга қараб ажратилади.

1-сортга сут тоза, оч сариқ рангда бўлиб, филтрдан ўтказилганда ҳеч қандай қолдиқсиз бўлади. кислоталиги 19°T га тенг.

2-сортли сутни филътрдан ўтказганда оз бўлсада филътрда қолдиқлар қолади. Кислоталиги кўпроқ, ўртача 20°C га тенг бўлади. 1 кг пишлок тайёрлаш учун 5 кг қўй сути сарф бўлади.

Сутни совитиш учун температура шунча паст бўлиши керак, сутдан пишлок тайёрлашда унинг кислоталиги $76-70^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади.

Сутни сортини қуйидаги жадвалда аниқ кўришимиз мумкин.

Сутнинг сортлари

Сут сорти	Таъми ва ҳиди	Кислоталиги $^{\circ}\text{C}$	Тозалик даражаси
1	Тоза, ширин таъми, ҳар хил хидсиз ва таъмсиз эмас	19	Топ-тоза
2	Сутда кислоталик хиди бўлиб, қўйларнинг еган озуқасининг хиди ҳазм бўлиши мумкин	20	Филътрда қисман қолдиқ бўлади

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Қандай қўйлар соғилади?
2. Қўйдан соғилган 1 кунлик ўртача сут миқдорли қандай топилади?
3. Қўйлар неча хил усулда соғилади?
4. Сутнинг неча сорти бор?
5. Қўйлар қачон соғишдан тўхтатилади?

16-мавзу: Қўйларни маҳсулдорлиги бўйича табақаланиши

Дарснинг мақсади: Қўйчиликдаги йўналиш тармоқлар ва уларнинг синфий табақаланиши ҳамда майин ва ярим майин, дағал ва ярим дағал жунли қўй зотларини ўрганиш.

Дарс учун зурурий жиҳозлар: Кафедардаги мавжуд албом, қўйларни суратлари.

Дарснинг мазмуни: Қўйчилик чорвачиликни асосий тармоқларидан бири бўлиб жун, гўшт, сут, тери, мўйна ва пўстинбоп ҳаммасини етиштиришда муҳим ўрин тутadi. Бугунги кунда жаҳонда 1000 дан зиёд қўй зотлари урчитилади ва уларни ўрганишни такомиллаштириш учун буларни қўлланиши, тармоқлари ва синфий табақаланиш бўйича ўрганиш асосида уларни бир-биридан фарқлай олиш ва тегишли равишда урчитиб маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Шу хусусиятларни инобатга олганда қўйчиликда қуйидаги йўналишларни эслатиб ўтиш олиш зарур.

Майин, ярим майин, ярим дағал ва дағал жун берувчи қўйлар шулар қаторида ҳар бир йўналиш ўз навбатида тармоқларга бўлинади: майин жунли қўйлар – жундор, жун-гўшtdор, гўшт-жундор. Ярим майин жун йўналиш эса калта жунли, узун жунли жунли тармоқларга ажратилади.

Ярим дағал ва дағал жунли қўйлар эса тегишли равишда жун-гўшtdор, гўшт-жундор ҳамда барра тери гўшт-ёғдор, гўшт-жун-сут ва пўстин мўйна тери тармоқларига ажратилади. Бу классификацияни Н.П.Чирвинский, П.Н.Кулешов ва М.Ф.Ивановлар ишлаб чиққан.

Бу синфий табақаланиш камчиликлардан холи эмас шу боисдан рус олимлари Н.П.Чирвинский, П.Н.Кулешов ва М.Ф.Иванов томонидан ўзгаришлар киритилиб келинган бу маълумотлар 1-жадвалда кўрсатилган.

Қўй зотларини маҳсулдорлиги ёки ишлаб чиқариш асосида табақалаш
(Чирвинский Н.П., Кулешов П.Н.)

Маҳсулдорлигининг номланиши	Тури	
Майин жунли	Жундор	Грознен, Ставропол, Совет мериноти, Солск, Озарбайжон тоғли мериноти
	Жун-гўштор	Аскения, Кавказ, Олтой, байкалоти, (Забайкал), Қирғиз майин жунли, красногорск, жанубий урал, жанубий ва шимолий кавказ меринотлари
	Гўштор-жундор	Арекос, Қозоқи архар мериноти вятэк, грузин ёғли думли, тоғли доғистон қозоқи майин жунли
Ярим майин жунли	Узун жунли	Линколн, рус узун жунли, Қўйбишев Ромин-марси, шимолий-кавказ, гўштор-жундор, теншон зоти,
	Калта жунли	Горков, латвия, қорабошли, литва, эстония қора ва оқбошли немис қорабошли, оксфордшир, гемпшир, шропшир
Ярим дағал жунли	Жун-гўштор	Цигай зоти
	Гўштор-ёғ	Сараджа, тожик, олой
Дағал жунли	Барра-тери	Қорақўл, сокол
	Гўштор-ёғтор	Ҳисори, Эдилбой, жайдари ва бошқа думбали қўйлар
	Пўстин-мўйнабоп	Романов
	Гўштор-жун-суттор	Тушин, балбас, лезгин, қорагай. Қорабоғ ва айдим зотлари
	Гўштор-жундор	Кучучур, Валашин, михнов зотлари

Муустақил топширик

1. Қўйларнинг маҳсулдорлик табақаланишига ҳисори, жайдари ва романов зотларини таъриф беринг?
2. Маҳсулдорлик табақаланишга биноан қайси қўй зотлари майин жунли қўй зотларига киришини изоҳланг.
3. Маҳсулдорлик табақаланиши асосида дағал жунли қўйлари қайси тоифадаги қўйларга киради?

Ўз ўзини текшириш учун саволлар

1. Маҳсулдорлик ёки ишлаб чиқариш табақаланиши ким томонидан ишлаб чиқилган?

11-мавзу: Майин ва ярим майин жунли қўй зотларини ўзлаштириш

Дарснинг мақсади: талабаларни майин ва ярим майин қўй зотларини таърифи билан танишиш.

Дарс учун зарур жиҳозлар: наслчилик китоблари қўй зотларини суратлари, албомлари, диафилм.

Дарснинг мазмуни: МДХ қўй зотларининг бир неча типлари мавжуд, булар ўзининг қайсидир томони жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бу қўйларнинг жун маҳсулотига кўра: майин, яриммайин, жунли қўй зотларига бўлинади.

МДХ да булардан ташқари гўшт-ёғ, сут, пўстин ва мўйнабоп тери берувчи зот типлари ҳам урчитилади.

Майин ва ярим майин зотли қўйлар ва улар типларининг келиб чиқиши узоқ тарихга эга бўлиб, айрим зотларни ҳисобга олмаганда урчитиладиган зотлар қадимий зот ҳисобланади.

Майин жунли қўй зотлари жундор, жун-гўштдор ва гўшт-жундор йўналишдарига бўлинади ва бу қўй зотлари маҳсулдорлик кўрсаткичи бўйича, юқори ўринларда туради.

Бу қўйларга 5 та конституция типи хос бўлиб, булардан:

1. Мустаҳкам (ғўзамой)
2. Дағал (оқ-гул)
3. Нозик (нозикга ва нимжон нозик) турларига бўлинади.

Мустаҳкам конституцияли: бу қўйларнинг жуни узунлиги ўртача 8-10 см бўлади. бу қўйларнинг танаси пропорционал ривожланган, қўйлар ҳаракатчан бўлади. Мустаҳкам конституцияси энг қимматбаҳо майин жун олинади.

Бу қўйларнинг қўзиларнинг оғирлиги 4-6 кг бўлади. Жун қоплами штопел шаклида бўлиб, ҳар қирқимда ўрта ҳисобда 8-9 кг жун олинади.

Дағал конституцияли қўйлар. – бу қўйларнинг тана тузилиши қўпол бўлиб, танасининг аъзолари бир-бири номуносиб ҳолда жойлашган, яъни суякларининг бўртиб чиқиши, бошларининг ҳаддан ташқари катта эканлиги, терисининг қалинлиги билан бошқа турлардан фарқ қилади. Бу типга мансуб қўйларнинг жуни 3 синфга хос бўлиб, жун толаси узунлиги 6-14 см, ўртача 9 см бўлади. Бу қўйларнинг қўзиларидан кам баҳоли терилар олинади. Чунки олинган териларнинг гули йирик ва айримлариники очик шаклда бўлади. дағал конституцияли қўй қўзиларининг оғирлиги 6 кг ва ундан ортиқ бўлади. Жун маҳсулоти мустаҳкам конституция тузилишга эга бўлган қўйларникидан юқори бўлади.

Нозик конституция типли қўйлар. Бу типга хос мазкур қўйлар 2 та кичик типга бўлиниб:

1. Нозик
2. Қиррик

Нозикча типдаги қўйларнинг суяклари силлиқ, териси юмшоқ ва силлиқ, жуни қуюқ, лекин калта жун толаларидан иборатдир. Жун қоплами таркибида оралиқ ва тивит толалар мавжуд.

Қиррик типга хос қўйларнинг жуссаси кичик, жун толалари жуда қисқа, кўкракларининг чуқурлиги ва кенглиги юқоридаги турларникига нисбатан паст кўрсаткичга эга. Бу типга хос қўйларни жуни калта бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда 2-чи марта қирқилмайди.

Бу қўйлардан олинган қўзилари жуда нозик бўлиб, тери сатҳи кичик териларникига айрим ҳолларда брак терилар каторига киради. Тери гулларининг ўлчами майда гулларга хосдир.

Қўйларининг қўчқорларининг оғирлиги 70-80 кг, қўйлариники 45-50 кг. Яъни туғилган қўзиларнинг ўртача оғирлиги 4-4,5 кг дир. Жуни йилига 2 марта қирқилади. Баҳор ва куз ойларида бўлиб, баҳор ойидаги жуннинг кўлами куз ойидагига нисбатан кўп бўлади.

Ўзбекистон гўштдор ёғдор қўй зоти. Бу қўй зотларининг ичида энг йириги ҳисобланиб, бу зотларнинг келиб чиқиши қадимий тарихни ўз ичига олиб, Тожикистон республикасидан маҳаллий думбали қўйларни халқ селекцияси орқали келтириб чиқарилган.

Бу қўйларнинг кўпчилиги мустаҳкам типга хос бўлиб, қўчқорларининг ўртача оғирлиги 135-145 кг, йириклариники 160-190 кг. Қўйларнинг оғирлиги 70-80, йириклариники 100-120 кг туғилган қўзиларнинг ўртача оғирлиги 5-7 кг. Бу қўйларнинг серпуштлиги 100 та қўйга 110-120 та қўзи тўғри келади.

Қўйларнинг думбасининг оғирлиги 15-25 кг, айрим ҳолларда 35-45 кг ни ташкил этади.

Жуни дағал бўлиб, таркибида 40-70% тивит, 13-30% оралик тола, 18-38% қилтиқ, ўлик толалар мавжуд.

Ўртача жун қирқими 1,5-2 кг, жунининг чиқими 60-70% ни ташкил этади.

Бугунги кунда энг йирик маҳсулдорлиги бўйича юқори ўринда турадиган ҳисори қўйлари “Ҳисор” наслчилик заводида кўпайтирилмоқда (Тожикистон Республикасида ва Ўзбекистон Республикасида “Бойсун” наслчилик заводида). Пуштор ёғ қўй зотиға жайдари қўй зоти ҳам киради.

Сирожи – тожик зотлари

Сирожи қўй зоти Туркменистонда халқ селекция томонидан чиқарилган бўлиб, гўшт ва жун маҳсулоти бўйича юқори кўрсаткичға эға. Сирожи қўйларнинг қўйчилик мустаҳкам конституция тузилишиға эға бўлиб эға бўлиб, суяклари мустаҳкам ва яхши ривожланган, кўкраги кенг ва чуқур, орқа қисми тўғри ва энли, кўчқорларининг оғирлиги 80-85 кгни, совлиқ қўйларники 55-60 кг ни ташкил этади.

Туғилган қўзиларнинг оғирлиги 4,5-5,5 кг бўлади. бу зотнинг жуни таркибида тивити бўлиб, жун қоплами 56-75% ни ташкил этади. тивитнинг узунлиги 6-8 см, жун қопламида 4-18% қилтиқ тола бор. Жун чиқими 55-60%, жуннинг ранги оқ, ялтироқлиги яхши.

Сирожи қўйининг жун қирқими бир қирқимда 3,5-4 кг ни ташкил этади.

Тожик қўй зоти

Бу зот 1947-1963-йилларда Тожикистоннинг Дағана-КИИКС эксперимент хўжалигида чиқарилган.

Тожик қўй мустаҳкам конституцияга эга бўлиб, думбаси кўтарилган, қўчқорларининг оғирлиги 120-130 кг, йирикларники 160 кг. Қўйларининг ўртача оғирлиги 90-120 кг. Бу қўйларнинг жуни ярим майин жун бўлиб, ранги оқ, ялтироқлиги кучли. Тивитининг узунлиги 10-11 см, жун чиқими 65-70%. Бу қўй зотидан Ўзбекистон республикасида жайдари қўйлар ва улар устида селекция ишларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

Жайдари қўй

Ўзбекистон гўштдор-ёғдор қўй зотига мансуб бўлиб, маҳсулдорлиги бўйича Ҳисори қўйга яқин туради. Танаси мутаносиб ривожланган. Суяклари қаттиқ ва мустаҳкам.

Бу қўйларнинг туси қора, жигар-қўнғир ва айрим ҳолларда оқ рангда бўлади. Қўчқорларининг оғирлиги 70-80 кг. Қўйлариники 50-60 кг.

Жун қопламида тивит мавжуд бўлиб, 45-60% тивит, 7-18% оралик тола, 20-26% қилтиқ, 9-16 % ўлик толалар мавжуд.

Жун толасининг узунлиги 8-11 см. Жун қоплами кокил тузилишга эга. Жайдари қўйининг маҳсулдор зотлари Самарқанд, Тошкент областларининг наслчилик хўжаликларида етиштирилмоқда.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўй жунининг гуруҳлари қайсилар ва таъриф беринг?
2. Майин ва ярим майин жуннинг бир-биридан фарқи нимадан иборат? Бу жунлар қандай қўй зотларидан олинади?
3. Бир ҳил қопламли ва ҳар ҳил қопламли жун деганда нимани тушунаси?

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги жадвални мавзу асосида тўлдилинг

Бир ҳил ва ҳар ҳил	Тола турларига таъриф	Майин ва ярим майин жунлар
--------------------	-----------------------	----------------------------

қопламли жунга қисқача характеристика беринг	беринг	қайси қўй зотидан олинади

12-мавзу: Ярим дағал ва дағал жунли қўй зотларин ўрганиш

Дарсинг мақсади. Мустақил Ҳамдўстлик Республикаларида ва Ўзбекистонда урчитилаётган ва ярим дағал ва дағал қўй зотларини келиб чиқиш тарихи. Майин, ярим майин дағал ва дағал жунли ҳақида тушунчага эга бўлиш.

Дарс учун зарур жиҳозлар. Урчитиладиган қўй турлари, авлодлари тулумлар ҳамда наслчилик китоблари ва бу қўй зотларининг суратлари, ҳамда албомлари.

Дарсинг мазмуни: Ярим дағал ва дағал қўй зотларини бир неча типлари мавжуд ва бу типлап ўзини қайси бир кўрсаткичлари билан биридан фарқланади. Шу боисдан бу қўйлар жун маҳсулдорлиги бўйича қўйдагича бўлинади. Ярим дағал ва дағал жун берувчи зотлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ва МДХдаги мавжуд турларнинг келиб чиқиши узок тарихга эга бўлиб, айрим зотларни ҳисобга олмаганда, республикада урчитиладиган зотлар қадимий зот ҳисобланади.

Қорақўл қўй

Қорақўл қўйи Ўрта Осиё – айнан Ўзбекистоннинг тарихий қўй зоти бўлиб, ер юзидаги мавжуд қўй зотлари ичида маҳсулдорлик кўрсаткичи бўйича, яъни териси бўйича юқори ўринлардан бирида туради.

Бу қўйларга 3 та конституции типи хос бўлиб, булардан:

1. Мустаҳкам (ғўзамой)
2. Дағал (оқ-гул)
3. Нозик (нозикга ва нимжон нозик) турларига бўлинади.

Мустаҳкам конституцияли: бу қўйларнинг жуни узунлиги (4-14 см) бўлиб, ўртача 8 см бўлади. Бу қўйларнинг танаси пропорционал

ривожланган, қўйлар жуда ҳаракатчан бўлади. мустаҳкам конституцияси қўйлардан энг қимматбаҳо терилар, яъни гули ловиясимон ва қаламигулли қўзи терилари олинади.

Бу қўйларнинг қўзиалрининг оғирлиги 4-6 кг бўлади. жун қоплами косицали бўлмб, ҳар қирқимда 1,5-2,5 жун олинади.

Дағал конституцияли қўйлар. – бу қўйларнинг тана тузилиши қўпол бўлиб, танасининг аъзолари бир-бири номуносиб ҳолда жойлашган, яъни суякларининг бўртиб чиқиши, бошларининг ҳаддан ташқари катта эканлиги, терисининг қалинлиги билан бошқа турлардан фарқ қилади. Бу типга мансуб қўйларнинг жуни 3 синфга хос бўлиб, жун толаси узунлиги 6-14 см, ўртача 9 см бўлади. Бу қўйларнинг қўзиларидан кам баҳоли терилар олинади. Чунки олинган териларнинг гули йирик ва айримлариники очик шаклда бўлади. дағал конституцияли қўй қўзиларининг оғирлиги 6 кг ва ундан ортиқ бўлади. Жун маҳсулоти мустаҳкам конституция тузилишга эга бўлган қўйларникидан юқори бўлади.

Нозик конституция типли қўйлар. Бу типга хос мазкур қўйлар 2 та кичик типга бўлиниб:

3. Нозик

4. Қиррик

Нозикча типдаги қўйларнинг суяклари силлиқ, териси юмшоқ ва силлиқ, жуни қуюқ, лекин калта жун толаларидан иборатдир. Жун қоплами таркибида оралиқ ва тивит толалар мавжуд.

Қиррик типга хос қўйларнинг жуссаси кичик, жун толалари жуда қисқа, кўкракларининг чуқурлиги ва кенглиги юқоридаги турларникига нисбатан паст кўрсаткичга эга. Бу типга хос қўйларни жуни калта бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда 2-чи марта қирқилмайди.

Бу қўйлардан олинган қўзилари жуда нозик бўлиб, тери сатҳи кичик териларникига айрим ҳолларда брак терилар каторига киради. Тери гулларининг ўлчами майда гулларга хосдир.

қўйларининг қўчқорларининг оғирлиги 70-80 кг, қўйлариники 45-50 кг. Яъни туғилган қўзиларнинг ўртача оғирлиги 4-4,5 кг дир. Жуни йилига 2 марта қирқилади. Баҳор ва куз ойларида бўлиб, баҳор ойидаги жунннинг қўлами куз ойидагига нисбатан кўп бўлади.

Ўзбекистон гўштдор ёғдор қўй зоти. Бу қўй зотларининг ичида энг йириги ҳисобланиб, бу зотларнинг келиб чиқиши қадимий тарихни ўз ичига олиб, Тожикистон республикасида маҳаллий думбали қўйларни халқ селекцияси орқали келтириб чиқарилган.

Бу қўйларнинг кўпчилиги мустаҳкам типга хос бўлиб, қўчқорларининг ўртача оғирлиги 135-145 кг, йириклариники 160-190 кг. Қўйларнинг оғирлиги 70-80, йириклариники 100-120 кг туғилган қўзиларнинг ўртача оғирлиги 5-7 кг. Бу қўйларнинг серпуштлиги 100 та қўйга 110-120 та қўзи тўғри келади.

Қўйларнинг думбасининг оғирлиги 15-25 кг, айрим ҳолларда 35-45 кг ни ташки этади.

Жуни дағал бўлиб, таркибида 40-70% тивит, 13-30% оралиқ тола, 18-38% қилтиқ, ўлик толалар мавжуд.

Ўртача жун қирқими 1,5-2 кг, жунининг чиқими 60-70% ни ташкил этади.

Бугунги кунда энг йирик маҳсулдорлиги бўйича юқори ўринда турадиган ҳисори қўйлари “Ҳисор ” наслчилик заводида кўпайтирилмоқда (Тожикистон Республикасида ва Ўзбекистон Республикасида “Бойсун” наслчилик заводида). Пуштдор ёғ қўй зотига жайдари қўй зоти ҳам киради.

Сирожи – тожик зотлари

Сирожи қўй зоти Туркменистонда халқ селекция томонидан чиқарилган бўлиб, гўшт ва жун маҳсулоти бўйича юқори кўрсаткичга эга. Сирожи қўйларнинг қўйчилик мустаҳкам конституция тузилишига эга бўлиб эга бўлиб, суяклари мустаҳкам ва яхши ривожланган, кўкраги кенг ва чуқур, орқа қисми тўғри ва энли, қўчқорларининг оғирлиги 80-85 кг ни , совлик қўйларники 55-60 кг ни ташкил этади.

Туғилган қўзиларнинг оғирлиги 4,5-5,5 кг бўлади. бу зотнинг жуни таркибида тивити бўлиб, жун қоплами 56-75% ни ташкил этади. тивитининг узунлиги 6-8 см, жун қопламида 4-18% қилтиқ тола бор. Жун чиқими 55-60%, жуннинг ранги оқ, ялтироқлиги яхши.

Сирожи қўйининг жун қирқими бир қирқимда 3,5-4 кг ни ташкил этади.

Тожик қўй зоти

Бу зот 1947-1963-йилларда Тожикистоннинг Дағана-КИИКС эксперимент хўжалигида чиқарилган.

Тожик қўй мустаҳкам конституцияга эга бўлиб, думбаси кўтарилган, қўчқорларининг оғирлиги 120-130 кг, йирикларники 160 кг. Қўйларининг ўртача оғирлиги 90-120 кг. Бу қўйларнинг жуни ярим майин жун бўлиб, ранги оқ, ялтироқлиги кучли. Тивитининг узунлиги 10-11 см, жун чиқими 65-70%. Бу қўй зотидан Ўзбекистон республикасида жайдари қўйлар ва улар устида селекция ишларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

Жайдари қўй

Ўзбекистон гўшtdор-ёғдор қўй зотига мансуб бўлиб, маҳсулдорлиги бўйича Ҳисори қўйга яқин туради. Танаси мутаносиб ривожланган. Суяклари каттиқ ва мустаҳкам.

Бу қўйларнинг туси қора, жигар-қўнғир ва айрим ҳолларда оқ рангда бўлади. Қўчқорларининг оғирлиги 70-80 кг. Қўйлариники 50-60 кг.

Жун қопламида тивит мавжуд бўлиб, 45-60% тивит, 7-18% оралик тола, 20-26% қилтиқ, 9-16 % ўлик толалар мавжуд.

Жун толасининг узунлиги 8-11 см. Жун қоплами кокил тузилишга эга. Жайдари қўйининг маҳсулдор зотлари Самарқанд, Тошкент областларининг наслчилик хўжаликларида етиштирилмоқда.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўзбекистон республикасида урчитиладиган қўй зотларини келиб чиқиш тарихини айтинг?
2. Қорақўл қўйига қисқача таъриф беринг.
3. Ўзбекистондаги ярим майин жун берувчи (сирожи-тожик) қўйларининг характеристикаси.
4. Ўзбекистон гўштдор-ёғдор қўйларининг маҳсулдорлиги батафсил айтиб беринг.

Талабалар учун мустақил иш бажариш учун топшириқ

1.Ярим дағал Сирожи, Тожик Алой ва жағал жунли Ҳисори, Жайдари, Эдилбош ва қорақўл қўй зотларини 1-шаклга амал қилиб таърифланг.

Зотни номи	Зоологик табақаланиши	Маҳсулдорлиги бўйича табақаланиши		Шароитга қўниқлиши	Физиологик етилиши ёши (ой)	Пуштдорлиги 100 совлик ҳисобида	Тирик вазн	Тирик вазни		Жун миқдори		Жун узунлиги
								қўчқор	совлик	қўчқор	совлик	

Шакл-1 давоми

Жунининг ёғонлиги	Жунининг туси	Урчитилиш минтақаси	Илғор хўжаликлар	Такомиллаштириш ишларини олиб борилиши

13-мавзу: Қўйчилик ва эчкичиликдаги турли наслчилик хўжаликларида насл ишлари олиб бориш ҳамда зоотехника ва насл ҳисоб китоблари билан танишиш.

Дарснинг мақсади.Товар ва наслчилик хўжаликлар тўғрисида тўла маълумотга эга бўлиш наслчиликда ҳисоб-китоб ишларини пухта ўрганиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар.Наслчилик ва товар хўжаликларининг китоблари, наслчилик гувоҳномалари.

Наслчилик ишларининг ичида наслчилик хўжаликлари асосий ўринда туриб – бунда қўйчилик ва эчкичилик хўжаликларининг қуйидаги турлари мавжуд.

Давлат наслчилик заводлари

Бу заводларнинг асосий вазифаси – наслдор қўчқорлар ва такалар завод типига қўйлар ва эскилар подасини ташкил этишдан иборатдир. Заводнинг наслдор ҳайвонлари бошқа ҳайвонлардан ўзининг юқори кўрсаткичли сифатлари билан фарқ қилиши лозим.

Давлат наслчилик заводларидаги қўчқорлардан ва такалардан подани таркибини яхшилашда, кам маҳсулот берадиган қўйларни ва эчкиларни маҳсулдорлигини оширишда фойдаланилади.

Давлат наслчилик заводларидаги қўйлар ва эчкилар подасининг таркибида 35-40 минг бош ҳайвон бўлиши керак.

Бунинг ичида совлиқларнинг сони 25-30 мингдан ошмаслиги керак.

Давлат наслчилик заводларининг наслдор қўчқорлар ва такалар етиштириш учун ер майдони товар хўжаликларига нисбатан 20-25% кўп бўлиши керак.

Наслчилик фермалари – репродукторлар.

Наслчилик фермаларининг асосий вазифаси товар маҳсулоти етиштирадиган хўжаликлар учун юқори синфдаги ва маҳсулдорлиги юқори кўрсаткичга эга бўлган наслдор қўчқорлар ва такаларни етиштириб беришдан иборат.

Наслчилик фермаларига қўйлар ва эчкилар наслчилик заводларидан келиб, бу олиб келинган қўйларни ўз наслдор подасида кўпайтириши ва товар маҳсулоти етиштириш хўжаликларига тўла қимматли хайвонларни етиштириб бериши шарт.

Наслчилик фермаларига Давлат наслчилик заводлари томонидан йиллик режа тузиб берилади. Яъни қанчалик ошиши ва қанча молни товар хўжаликларига бериши зарурлиги тўғрисида режа ишлаб чиқилади.

Наслчилик фермаларида қўйлар ва эчкилар подасининг сони 30-35 минг бош бўлиши керак.

Наслчилик фермаларида пода структурасини 70-75% ни наслдор хайвонлар ташкил этади.

Наслчилик ишлари олиб борадиган ва сунъий уруғлантириш давлат станциялари

Наслчилик станциялари барча хўжаликлар устидан иш олиб боради, яъни наслчилк ишлари бўйича раҳбарлик қилади. Наслчилик станциялари сунъий уруғлантиришни ташкил этади.

Ҳар бир ферма ва хўжаликларда совлиқларни ва она эчкиларни уруғлантириш учун наслдор қўчқорлар ва такалар бўлади.

Наслдор қўйлар ва эчкилар ҳамда қўчқорлардан ва такалардан қўчқорлардан насл олиш учун қолдирилаётган қўзи ёки улоқларни қўчқорини ва такаларини (айниқса хўжаликларда) келиб чиқиш тизими 2-3 авлодини онаси – отаси ва улар авлодалирининг маҳсулодорлигини тўла билиш зарур.

Товар маҳсулот етиштирадиган хўжаликлар

Барча наслчилик хўжаликларида олиб бориладиган ишлар режа асосида олиб борилади. Бу режалар 3 йилга 5 йилга мўлжалланган бўлади. бу режада қуйидагилар:

-қўйларнинг ва эчкиларнинг мазкур хўжаликларга мос келадиган тип, иқлими, хўжаликнинг иқтисодий шароити, қўйлар ва эчки подасининг келиб чиқишлари аниқ ҳисобга олинган ҳолда бўлиши керак.

Наслчилик ишларидан келиб чиқадиган мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Насл жиҳатдан турғун бўлган, завод нуқтаи-назаридан маҳсулдор қўй ва эчки зотларини яратиш.

2. Конституцияси, экстеръери яхши бўлган қўй ва эчки зотларини етиштириш учун қўзиларни ва улоқларни яхши боқиш ва асраш.

3. Танлаш ва саралашда мақсадга мувофиқ белгиларга риоя қилиш.

4. Зарур бўлган тақдирда “Қон қуйиш”, “қон алмашлаш” усулларини қўллаб фермалараро наслдор қўчқорни ва такаларни алмаштириш.

5. Бир хил турга мансуб қўйларни ва эчкиларни танлаш йўли сифатли хилини келтириш.

6. Маҳсулдорлиги бўйича энг яхши қўчқорларни текшириш ва улардан фойдаланиш.

7. Чатиштиришда элита ва 1-синфга хос қўйлардан ва эчкилардан фойдаланиш.

Қўйлар ва эчкилар зотини такомиллаштиришдан бири уларни тизимлараро чатиштиришдан иборатдир.

Академик М.Ф.Иванов ҳар бир наслчилик хўжаликларида, фермаларда наслдор қўчқорлар ва такаларга қариндош бўлмаган 5-6 та тизим бўлишини айтди.

Наслчилик хўжаликларидаги қўйлар ва эчкилар жунининг қирқим ва гўшт маҳсулдорлиги бўйича товар хўжаликдаги қўйлардан ва эчкилардан устун туради.

Наслчилик ҳисоблари

Наслчилик олиб борадиган ҳар бир хўжаликда наслчилик ишлари уларнинг ҳисоб тўғри йўлга қўйилган бўлиши керак.

Наслчиликхўжаликларида ҳар бир қўчқор совлиқ ва така она эчкилар учун индивидуал наслчилик карточкаси ҳамма ҳайвонлар учун тузилади ва маълум даврда системали равишда тўлдириб борилади. Наслчилик хўжаликларида наслчилик карточкаларидан ташқари:

1. Совлиқларни қочириш ва қўзилатиш журнали.
2. Қўйларни ва эчкиларни бонитировка қилиш ведомости.
3. Қўчқорларга ва такаларга бириктирилган совлиқлар ведомости бўлиши керак.

Наслчилик китоблар

Наслчилик хўжаликларидаги юқорида келтириб ўтган структуралардан ташқари Давлат аҳамиятига лойиқ наслчилик китобларидан фойдаланилади.

Бу ишни ноҳия қишлоқ қишлоқ хўжалик бошқармаси, вилоятлар наслчилик корхоналари ва Давлат бошқармалари бажаради.

Бу ишдан мақсад – турли тоифадаги хўжаликларида керакли энг яхши, ҳайвонларни, наслчилик китобига ёзиб боради. Бундан мақсад, бу ҳайвонлар устидан назорат қилиш ва улардан тўғри фойдаланишни кузатишдир.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Товар ва наслчилик хўжаликларида наслчилик ишлари олиб боришдан мақсад нима?
2. Наслчилик ишларини олиб бориш тартиби нимадан иборат?
3. Наслчилик китобини ташкил сабаби нима?
4. Давлат сунъий уруғлантириш наслчилик станцияларининг аҳамияти нимадан иборат?

14-мавзу. Қўйларнинг келиб чиқиши, индивидуал кўрсаткичлари ва авлоди сифати бўйича баҳолашни ўрганиш

Дарснинг мақсади. Қўйларнинг келиб чиқиши ва индивидуал кўрсаткичи бўйича тушунчага эга бўлиш ва баҳолай билиш, қўйларнинг авлодини (маҳсулот сифати бўйича баҳолай билиш).

Дарс учун керакли жихозлар. Қўйларнинг келиб чиқиши бўйича махсус журналлар (наслчилик китоблари, маҳсулдорлик бўйича) ҳамда наслчилик гувоҳнамалари.

Дарснинг мазмуни. Қўйчиликда ҳар томонлама юқори маҳсулот берадиган қўй зотларини яратиш учун қўйларнинг келиб чиқиш тарихини мукамал билиш зарурдир. Қўйларни бу кўрсаткичлар бўйича баҳолашда уларнинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги, конституцияси ва авлодининг сифатига эътибор берилди.

Бунинг учун баҳоланадиган қўйнинг ўзидан олдинги 2-3 та авлод кўрсаткичларини билиш зарурдир. Бу маълумотлар наслчилик журнал китобларидан олинади. Авлодининг сифати бўйича баҳолашда фенотиби ва келиб чиқиши бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган 1,5 ёшли қўчқорлар олинади. Қўчқорларга бир синфга хос бўлган 100 тадан кам бўлмаган қўйлар бириктирилади. Чунки олинган авлоднинг бир жинсдагиси 50 тадан кам бўлмаслиги керак. Олинган авлодни баҳолаш қуйидагича бўлади.

1. Қўчқорларни отсининг маҳсулдорлиги билан.
2. Қизларни отасининг маҳсулдорлиги билан.
3. Қизларни дугоналарининг маҳсулдорлиги билан таққосланади.

Бу таққослашда қўйларнинг онасининг онасини ММ, онасининг отасини – МО, қўчқорларни онасининг отасини – МО, отасининг отасини – ОО, маҳсулдорлик кўрсаткичларига эътибор бериш зарур.

Мисол: Наслчилик хўжагида Аскания майин жунли қўй зотни авлодининг сифати бўйича баҳоланиди. Бунда 6 та қўчқор 16-18 ойлик

вақтда. Авлодининг сифати бўйича баҳолаш учун қўчқорларга 1-синф қўйлар беркитилди.

Қўчқорларни бонитировка маълумотлари

Қўчқорлани номери	Туғилган йили	Бонитировка натижалари	синф	Тирик вазни кг	Жун қирқими
295	1986	см+10,0 и 64 ужк 500000	элита	120	17,5
288	1986	см+8,0 и 64 ужк 500000	элита	120	18,0
280	1986	см+8,5 и 64 ужк 500000	элита	110	16,5
291	1986	см+8,0 и 64 ужк 500000	элита	105	19,0
250	1986	см+1,0 и 60 ужк 500000	элита	125	25,6
263	1986	см+11,0 и 24 ужк 500000	элита	130	20,

Бу қўчқорлардан олинган авлоднинг сифати қўчқорларни 4-4,5 ёшлигида текшириб қўрилди ва қуйидаги натижалар олинди. 295 номерли қўчқордан олинган авлодни умумий кўриниши қуйидагича: танаси ўртача катталиқда бўлиб, чидамли, мустаҳкам конституцияга эга. Жун узун, қалинлиги ўртача бўлади. қолган 288, 280, 291, 250, 263 номерга эга бўлган қўчқорлардан олинган авлодлар бир-биридан танасининг тузилши, конституция турлари ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан фарқ қилади.

Қўйларни баҳолаш учун индивидуал сифатларига қараб саралаш

Наслчиликда фойдаланиш учун танлаб олинган эркак қўзилар туғилишидаёқ селекцион хоссалари ҳаммадан кўп ифода этиши керак.

Масалан: қора ранг учун: жингалаклари майда ва ўртача кенг каламигул нусха, жингалаклари яхши ўралган, узун-узун толали бош томонга қараб йўналиб, аниқ концентрик равишда жойлашган. Жун толаси ўртача узун, ипаксимон ва жун қоплами ялтироқ. Буларнинг териси жакет 1 нинг энг яхши навиға киради.

Биз қўйларини келиб чиқиши ва индивидула сифатларини Архарлар билан қўйларини чатиштириш мисолида кўриб чиқамиз. 1955-йил Самарқанднинг “Архар” тоғ чўққисидан 5 та Архар отиб олинди. Отиб олинган Архарнинг қаони яхшилаб оқизилиб (сўйилгандан сўнг) спермаси лаборатория олинди ва Нурота районининг “Коммуниз” фермаида бир неча қўйлари сунъий йўл билан Архар уруғи ёрдамида уруғлантирилди.

Ана шундан сўнг 8 та дурагай қўзи олинди. Инвентар номери 9849 ва 9850 бўлган икки совлиқдан эркак қўзи, 264 ва 717 номерга эга бўлган қорамтир совлиқдан эгиз қўзи олинди.

6835 номерли кўк қўйдан 1-классли эркак қўзи олинди. Номери 3273 ва 3106 бўлган кўк совлиқдан кўк урғочи дурагай қўзи олинди. Яъни биринчи бўғинда 3 та урғочи, 5 та эркак жами 8 та 1 бўғин дурагай олинди. Биринчи бўғин дурагай қўзиларнинг ранги оналарига ўхшасада, ташқи тузилиши ва ҳаракати жиҳатидан ёввойи архардан қолишмас эди.

Уларнинг ҳаммаси енгил, пешонаси кенг, тумшуғи чўзик, кулоқлари тик, бўйни узун, кўкрак қисми орқа қисмига нисбатан кучли ривожланган, думи қисқа, оёқлари бақувват, туёқлари жуда қаттиқ бўлган.

Бу қўзилар қўзиларига нисбатан совуққа жуда ҳам чидамлидир. Дурагай қўзиларнинг оғирлиги қўзларникига нисбатан 1,5-1,8 кг ортиқдир. Биринчи бўғин дурагай қўзиларнинг жун қалин, суяклари бақувват ва зингаланиш даражаси анча яхши бўлади.

Олинган бу дурагайнинг жун толаларининг архарнинг жун толалари билан солиштирилганда қуйидаги фарқ келиб чиқди.

Архар тивитининг қалинлиги 18 мк. Ўлик жунининг узунлиги 9 см. Дурагайнинг жун толасидаги тивитининг ингичкалиги 12-14 мк. Лекин жун қопламида қилтиқ толалар кўпроқ бўлади.

Иккинчи бўғин дурагайлари

Архар билан қўй чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин дурагайларининг қўчқорларидан кўк совлиқларини ва урғочиларини эса кўк қўчқорларидан қочириш мўлжалланади.

Ихтиёрий ва сунъий қочириш натижасида 1957-йил баҳорида жами 78 бош иккинчи бўғин дурагайларининг қўзиларидан 54 таси кўк, 20 таси қора, иккита қамбар ва битта гулигаз рангли эди.

Архар қўйларини чатиштириш натижасида кўк рангли қўзиларда учрайдиган оқ танглай нуқсонининг олди олинди. Ҳамда қўйларининг маҳсулдорлиги, чидамлилиги ва бошқа хусусиятлари юқори даражага кўтарилди.

Умуман олганда архарлар билан қўйларни чатиштириш натижасида ҳар томонлама устунликка эга бўлган қўзилари етиштирилди. Шундай экан, қўйчиликда наслчилик ишларини олиб боришда ва авлодининг сифатига баҳо беришга юқорида келтирилган барча шартларга амал қилиш зарурдир .

Мустақил иш учун топшириқ

Юқорида мавзуда келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланиб қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Дурагайлаш	Архарга қисқача таъриф беринг	1-чи бўғин дурагайларига таъриф беринг	Бонитировка калити нима	Қўйларнинг авлодининг сифат бўйича таъриф беринг	Соф қонли қўй зотларига қандай қўйлар кирди	Қўйларнинг серпуштлиги нима
------------	-------------------------------	--	-------------------------	--	---	-----------------------------

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўйларнинг авлоди деганда нимани тушунасиш?
2. Қўйларни авлодининг сифат бўйича баҳолашда нимларни эътиборга олиш зарур?
3. Архарлар билан қўйларни чатиштириш натижасида олинган авлодларга таъриф беринг.
4. Дурагай авлод деганда нимани тушунасиш?

15-мавзу: Эчки маҳсулотлари ва уларни сифати билан танишиш

Дарснинг мақсади. Эчкилардан олинадиган турли хил маҳсулотлар, уларниг бир-биридан фарқи, олинган маҳсулотларга бирламичи ишлов бериш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Эчки жунлари, териси, эчки гўшти ва сутига оид бир нечта жадваллар, эчкиларнинг рангли фотосуратлари.

Дарснинг мазмуни. Барча кишлок хўжалиги хайвонлари каби эчкилардан ҳам турли-туман маҳсулотлар олинади. Ана шундай маҳсулотлардан бири – эчки терисидир.

Эчкиларнинг териси эпидермис, дерма ҳамда териси ости клетчаткасидан ташкил топган бўлиб, эпидермис терининг устки қисмида жойлашган. Эпидермис кўп қаватли эпителиал тўқималардан ташкил топган. Эпидермис терининг 0,7-4,4% қалинлигини ташкил этади.

Эпидермисда – 2 хил қават бор, 1 – шоҳ қатлам; 2-ниш қатламдан иборат. Ниш қатламининг Базал қисмида хужайралар тезлик билан кўшилиб туради. Эпидермисдаги бу иккала қаватнинг узвий боғлиқлиги терининг нормал ривожланиши таъминийлайди.

Дерма қават – хужайрали ва хужайрасиз бириктирувчи толалар йиғилишида ташкил топган бўлиб, терининг бириктирувчи қисмида бўлади. Дерма қаватининг асосий қисмини ва ратикуляр қисмини тураларида ташкил этади.

Дерма қаватда бирқанча сўргичлар мавжуд. Бу сўргичлар ёрдамида турли хил теир учун зарур бўлган озиқавий моддалар сўрилади ва суюқлик тўқимлари – лимфа қон томирлари орқали зарур қисмларга узатилади.

Тери ости қавати – бириктирувчи тўқималарни толалар шаклидан иборат бўлиб, териси ости қават тери орасида ҳамда мускул тўқимларга юмшоқлик беради.

Эчкиларнинг териси қўйлар терисидан фарқли бўлиб, дерма қаватининг зичлиги, бириктурочи тўқимларининг кучли ривожланганлиги,

терисининг оғирлиги, терининг қалинлиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан тафовутланади.

Эчкиларнинг терисининг массаси, тирик массасининг 7,5% ни ташкил этади. Терисининг ассаси 100м² ва ундан ортиқ бўлади. Жун берувчи эчкиларнинг терисининг қалинлиги 1,5-2,0 мм бўлади.

Эчкиларнинг териси бўйича стандартлар тайёрлаш катта, яъни етук эчкиларнинг териси 2 гуруҳга бўлиниб ўрганилади.

1.Чўл зонадаги эчки терилари.

2.Ғаллакор районлардаги.

Чўл зонасига мансуб бўлган эчкиларнинг терисига жун берувчи эчкиларнинг териси киради. Бу зонадаги эчкиларнинг терисида дағал жун берувчи эчкиларнинг териси ҳамда уларнинг дурагайлари териси ҳам киритилади. Бу гуруҳга киритиладиган барча терилар гуруҳи ўзининг силлиқ, зич ҳамда эластик мезодорадан ташкил топганоиги билан характерланади. Бу гуруҳдаги териларнинг барчасида дерма қаватидаги тўр парда ҳамда коллоген толалар бир-бири билан жипслашиб кучли ривожланган. Тивит берувчи эчкиларнинг терисининг сифати яхши бўлмайди.

Ғаллакор районлардаги эчкиларнинг териси ўзининг зичлиги, эластиклиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан чўл зонадаги эчкилар терисининг сифатидан устун туради.

Бу гуруҳга мансуб териларни калта жун берувчи сутдор эчкилардан олинади. Бу терилардан чарм ишлаб чиқариш саноатида кенг кўламда фойдаланилади. Чарм ишлаб чиқаришда эчки терисига хром билан ишлов берилади.

Сифати паст бўлган терилар Оренбург ва бошқа тивит берувчи эчкилар терисидан олинади.

Янги туғилган улоқларнинг териси “силлиқ тери” ҳамда чала туғилган ёки улоқни она қорнидаги ривожланишининг охириги ойларида тўғри келганда, ёриб олинган ҳолати билан фарқланади. Бундай усул билан

олинган тери Муавлик терилар дейилади. Эчкиларнинг терисининг сифати уларнинг ёшига, озиқланишига ҳамда махсулдорлигининг йўналишига ва катор хусусиятларга боғлиқдир. 1-1,5 ёшли жун берувчи эчкиларнинг териси жуда ҳам сифатли ҳисобланади.

Эчкиларнинг терисига бошқа ҳайвонларнинг териси каби ишлов берилади. Эчкилар терисига антисептиклар ёрдамида намоқоб ва қуруқ тузлаш усулида ишлов берилади.

Эчкилар терисининг ёшига боғлиқлигини қуйидаги жадвалдан кўрамиз:

Тери категориясининг фарқи	Терининг эчкиларни ёши ва жинсига боғлиқлиги	Терининг ўлчами (дм ²)
Жунли терилар	1-1,5 ойлик улоқлардан олинади	
Кичик терилар	2-3 ойлик улоқлардан олинади.	10-25
Енгил майда терилар	3-8 ойлик улоқлардан олинади	25-45
Ўрта терилар	6-10 ойлик улоқлардан олинади	45-60
Йирик терилар	1 ёшли эчкилардан олинади	60 дм ² ортиқ
Катта терилар	1 ва ундан ортиқ ёшли эчкилардан олинади	90 дм ² дан ортиқ

Эчкиларнинг жуни

Эчкиларнинг жун қоплами жун толаларидан ташкил топган бўлиб, жун толалари фоликулалардан, тола илдизи ва пиёзчаларидан ташкил топган. Тола илдизининг юқори қисми стержин дейилади. Толаларнинг пиёзчаларининг шакли бутилкасимон бўлади. жун толаларининг пиёзчаларида бир қанча сўрғичлар бўлади.

Эчкилар терисида мавжуд жун толаларининг 2 хил фоликулалар типи фарқланади:

Биринчи хил толалар фолекулалари терининг дерма қаватига чуқур жойлашганлиги, бириктирувчи тўқималари ва сўрғичларини, толасининг илдиз ва пиёзларини жуда яхши ривожланганлиги билан ҳарактерланади.

Иккинчи хил толаларининг фолекулалари терининг дерма қавати юза қисмида жойлашган бўлиб, бунда толаларнинг қисмлари яхши ривожланмаган бўлади. Бу толалар бирламчи теирлар фолекуласидан сўнг пайдо бўлади. Шу сабабли иккиламчи толалар фолекуласи деб айтилади. Бу икки хил тола фолекулалари орасида бириктирувчи тўқималар мавжуд бўлади. тола фолекулалари терининг дерма қаватига қанчалик чуқур жойлашганлигини толанинг стержен қисмини узунлиги, ингичкалиги ва бошқа хусусиятлари орқали ўрганилади.

Эчкиларнинг терисида тер қанча ёғ безлари мавжуд бўлиб, ёғ безлари альвиоллар типига мансубдир. Ёғ безлари дерма қаватининг субэпидерма қисмида жойлашган. Ёғ безларининг терининг эпидермис қисмига чиқиш каналлари мавжуддир.

Тер безлари

Тер безлари бир қанча эпителиал хужайралардан ташкил топган бўлиб, бу хужайралар теринининг дерма қаватида ёғ безларига нисбатан чуқурроқ жойлашган. Тер безларининг чиқариш каналлари эпидермич қаватининг остига ёки терининг ташқи қисмига тўғри келади. Тер безлари организмда сув балансини, тана ҳароратини ўртача ҳолатида сақлашни бошқариб боради. Тер ва ёғ безлардан чиққан суюқликларнинг қўшилиши натижасида тер ёғи ҳосил бўлади.

Тер ёғи эчкиларнинг жун қопламини шу билан биргаликда жун толаларининг физик-кимёвий хоссаларини ва толанинг бошқа хусусиятларини ўзгартирмай сақлаб туради. Жуннинг чиқиши тер ёғининг миқдорига боғлиқдир. Тер ёғидан совун, ланолин, ўғит саноатида ва парфумерия соҳасида кенг фойдаланилади.

Жун толасининг стержон толанинг қайси турга мансуб эканлигига қараб, турлича тузилганлиги билан фарқланади. Қилтиқ толаларининг стержен толанинг ялтироқ, пўстлоқ ва ўзак қисмларидан тузилган. Қилтиқ толаларнинг ингичкалиги 35-200 мкм гача бўлади. тивит тола – толанинг ялтироқ ва пўстлоқ қатламларнинг ташкил топган бўлиб, бир қатор

ҳалқасимон ялтироқ қисмлардан иборатдир. Толанинг пўстлоқ қатламида толага ранг берувчи пигментлар жойлашган бўлади. Тивит толанинг ингичкалиги 15-20 мкм бўлади. тивит толада ўзак қатлам бўлмаганлиги сабабли унинг юмшоқлик даражаси юқоридир. Оралик тола – ингичкалиги 30-65 мкм бўлиб, гистологик тузилиши ва техник хусусиятлари жиҳатидан қилтиқ ва тивит тола ҳоссларини бирлаштиради. Оралик тола толанинг ялтироқ пўстлоқ ва ўзак қатламидан тузилган бўлиб ўзак қатлам оралик толада ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Оралик толанинг ялтироқ қисми ҳалқасимон ҳамда черипица шаклидаги ялтироқдан ташкил топган бўлиб, бу қисмда хужайралар сони кам бўлади. Оралик толанинг пўстлоқ қисми физик ва техник хусусиятлари жиҳатидан бошқа толалардан фарқ қилади. Жуннинг сифатини ва қатор хусусиятларини жун қопламидаги қилтиқ, ўлик ва куруқ толаларнинг бўлиши пайсайтиради. Эчкиларнинг жун қоплами кесецадан ташкил топган бўлиб, учбурчак шаклини эслатади. Янги туғилган улоқларнинг териси юпқа ва нозик бўлади. жун берувчи эчкиларни улоқлар туғилган вақтда 1 мм² жойга 68,17% фолликула тўғри келса 2-2,5 ёшда 33,1% бўлади. яъни янги туғилган улоқларнинг толалари жуда зич жойлашган бўлади. жун қоплами йилнинг мавсумларига узвий боғлиқдир.

Баҳор ойларининг охирида эчкилар туллай бошлайди. Биринчи эчкиларнинг бўйин қисмидаги жун толалари тўкилади. Шунинг учун эчкиларни тивитини олишни ўз вақтида кечиктирмаслик керак.

Ангор зот эчкиларини ичида туллаймайдиган айрим тип ичидаги зотлари мавжуддир.

Эчкининг гўшти

Гўштининг сифати жиҳатидан қўй гўшtidан паст кўрсаткичга эга бўлиб, аммо таркибини оксил миқдорининг кўплиги жиҳатидан барча қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари гўшtidан устун туради. Гўштининг таркибида сувнинг миқдори кўп, ёғнинг миқдори эса паст даражада бўлади.

Ёғ – асосан ички органларда тўпланади. Эчкиларнинг гўштининг таркибида витамин А (ретинол), В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин) каби бир қатор зарур витаминларни бўлиши бошқа гўшлар таркибидан фарқ қилиб туришини билдиради.

Эчкиларни яйратиш семиртириш турли хил озукавий экинлар мавжуд яйловларда ўтлатилса кунлик семириш ва ривожланиш даражалари сезиларли ортади. Масалан, юқоридаги усулда яйратилиб боқилган 5-7 ёшли такаларнинг тирик массаси 45-80 кг атрофида бўлади. Сўйим массаси 24-40%, сўйим чиқими 42-55% атрофида бўлади. қуйидаги жадвалда эчкилар гўшти қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар гўшти орасидаги фарқни кўрамиз.

Турли хил қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари гўштининг кимёвий таркиби ва тўйимлилиги.

Кўрсаткичлар	сигирники	чўчка	қўй	эчки
Фоиз ҳисобида				
Оқсил	16,2-19,5	13,5-16,4	12,8-18,6	16,2-17,1
Ёғ	11,0-28,0	25,0-37,0	16,0-37,0	15,1-21,1
Минер. Модда	0,8-1,0	0,7-0,9	0,8-0,9	61,7-66,7
Сув	55-60	49,0-58,0	48,0-65,0	61,7-66,7
Тўйимлилиқ миқдорлари				
1 кш гўшт	7536,2-13397,8	12560,4-16378,5	9211,0-15909,8	8792,3-13506,6

Эчкиларнинг сути

Эчкиларнинг сути таркибида таркибида 75 фоиз дан ортиқ казеин моддасини бўлиши билан бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари сутидан фарқ қилиб туради. Кимёвий таркиби жиҳатдан сигир сутига яқин туради. Қўйларнинг сутидан ёғнинг ва оқсил миқдорининг камлиги жиҳатидан фарқ қилади. Қуйидаги жадвалда турли ҳайвонларнинг сутининг таркиби ҳамда улар орасидаги тафовутни кўрамиз.

Турли ҳайвонларнинг сутини таркиби

Таркиби	Фоиз ҳисобида турли ҳайвонларда		
	Уй эчкиси	Қўй	Сигир
Сув	80,30-87,00	83,57	87,30
Қурук	13,00-19,60	16,43	12,70
Оқсил	4,05-6,03	6,00	3,30
Ёғ	4,40-8,49	6,18	3,90
Қанд	3,20-5,40	4,17	4,70
зола	0,59-1,02	0,93	0,70

Эчкиларнинг сути сигир сутига нисбатан таркиби ва тўйимлилиги жиҳатидан юқори сифатга эга. Профессор Петров ҳамда Назарова З. ларнинг таъкидлашича эчкилар сутининг таркиби она сути таркиби она сути таркибига яқин турар экан. Яъни таркибида (16г, 4,49 фоиз тирозик, 1,94 триптофан, 0,83 цистин, 2,02 метионин, 5,05 арггинин, 2,78 гистидин, 7,78 фоиз лизин) каби турил фермент, аминокислоталарни юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Эчкилар сути ранги жиҳатдан сигир сутидан оқроқ бўлади.

Эчкилар сутининг кимёвий таркиби уларнинг зотига ҳам боғлиқдир. Масалан, Африка, Нубий эчкиларини сути таркибида 8,5 ёғ, 19,7 фоиз қурук модда бўлади. Бошқа зот эчкиларнинг сути таркибида қурук модда миқдори 13 фоиз атрофида бўлади.

Эчкиларнинг сути истеъмол қилиш учун хавфсиздир. Эчки сутини соғилгандан сўнг бемалол истеъмол қилса бўлади. Чунки эчкилар туберкулез берсулез касалликлари билан кам чалинади.

Сут берувчи эчки зотларига Заанск, Оренбург ҳамда Маданий сут берувчи эчки зотлари киритилади. Бу эчки зотлари ўзининг турли хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради.

Заанск сут берувчи эчки зоти. Бу эчкиларнинг ватани Швейцария давлатининг Бернск Альп райони ҳисобланади. Бу эчкилар жаҳонла энг

йирик эчки зотлари ҳисобланиб, яғрин баландлиги 75-85 см, ўртача тирик массаси 50-60 кг, йирик эчкилариники 90 кг гача боради. Таналарининг яғрин баландлиги 80-85 см, тирик массаси 80-100 кг атрофида бўлади. Бу эчкиларнинг конституцияси қуруқ мустаҳкам конституциядан иборат. Бу эчкиларнинг конституцияси қуруқ мустаҳкам конституциядан иборат. Заанск эчкиларининг суяклари мустаҳкам. Зич бўлиб орқа томони тўғри, орқа оёқларининг орасидаги масофа кенг ва оёқлари тўғри ташланади. Жун қоплами қисқа оқ қилтиқ толалардан иборат бўлиб, тивит толаларининг мавжудлиги билинмайди. Заанск эчкиларининг тана тузилишида айрим камчиликлар бўлиб, думғаза бўлими кичик, аммо гавдасининг катталиги бу камчиликни сездирмайди. Заанск эчкиларининг серпуштлиги 100 та она эчкидан 180-250 та улоқ олинади. Бу эчкилардан лактация давомида 600-700 кг сут маҳсулоти олинади. Сутининг таркибида 3,8-4,5 фоизгача ёғ бўлади. сут маҳсулоти бўйича 2235 л., 2482, 2950 л сут берган Заанск эчкиларни учратиш мумкин. Сутининг таркибида 2,62 фоиз казеин, 0,48 фоиз альбумин, 4,5 фоиз ёғ, 4,17 фоиз сут қанди мавжуд. Бу эчкиларнинг лактация даври 10-11 ойни ташкил этади.

Оренбург тивит сут берувчи эчки зотлари. Бу эчкиларнинг ҳам ватани Швейцария давлати бўлиб, маҳсулдорлиги бўйича Заанскэчкилари қаторида бўлади. Эчкиларнинг тирик массаси 45-55 кг., такалариники 60-70 кг. Яғрин баландлиги 70-75 см, эчкиларнинг ранги қўнғир тусли бўлиб, жун кокилини ҳосил қилади. Оренбург эчкиларининг қулоқ, оёқлари оқ тусли, сутининг ранги тўқ сариқ. Бу эчкиларнинг сут безлари жуда яхши ривожланган. Бир лактацияда 500-1000 кг, ҳатта ундан ошиши мумкин. Сутининг ўртача ёғдорлиги 4-5 фоиз. Оренбург эчкилари серпушт эчкилар ҳисобланади. Бир эчкидан 2-3 та улоқ олиш мумкин. Оренбург эчкилари Европа, АҚШ мамлакатларида кенг тарқалган. Оренбург эчкилари биринчи жаҳон урушидан олдин Россияга келтирилган.

Маҳаллий сут берувчи эчкилар

Асосан сут маҳсулоти беришга мослашган бўлиб, МДХ давлатларининг барча районларида тарқалган. Она эчкиларининг тирик массаси 42-45 кг, яғрин баландлиги 60-65 см. Бу эчкилар мустаҳкам курук конституцияга эга бўлиб, сут безлари яхши ривожланган. Лактация давомида 450-500 кг, айрим турларидан 1000-1200 кг гача сут олиш мумкин.

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги жадвалга эчкилардан олинадиган маҳсулотларни ёзинг ва қисқача характеристика беринг

Эчкилардан олинадиган маҳсулот турлари			
гўшт	Тери	сут	жун

Турали ҳил маҳсулот йўналишидаги эчкиларин маҳсулот бериши ва сифати бўйича таққосланг.

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Эчкилардан олинадиган асосий маҳсулотларга нималар киради?
эчки терисидан нима масадда фойдаланилади?
2. Эчки гўштининг таркиби қандай?
3. Эчкиларнинг маҳсулдорлиги қандай омилларга боғлиқ?
4. Эчкиларнинг жун қоплами қандай қисмлардан тузилган?
5. “Муарлик” тери деганда нимани тушунаси?
6. Сут берувчи эчкиларга қайси зотлар киритилади?
7. Заанск – Оренбург ва маҳаллий зот берувчи эчкиларни маҳсулот бериши бўйича таққосланг.

16-мавзу:Эчки зотлари ва уларни табақаланишини ўрганиш

Дарсинг мақсади. Эчки зотлари ва маҳсулот йўналиши бўйича турли хил бўлган эчкиларнинг расмлари. Эчкидан олинадиган тивит жун.

Дарсинг мазмуни. Эчкичилик халқ хўжалигига бир қанча турдаги маҳсулотлар беради. Бу маҳсулотларнинг тивит, бир хил қоплам ташкил топган. Ангор жуни, шунингдек Ангор типигаги жун, эчки териси, ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларидир.

Эчкиларнинг ҳам ўзига хос биологик хусусиятлари бор. Эчкилар бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари яшай олмайдиган баланд тоғликларда, чўлларда ва ярим чўл зоналарида бемалол ҳаёт кечири олади.

Маҳсулотнинг сифати ва миқдори жиҳатдан эчкининг бир қанча камчиликлар бор, аммо бу маҳсулотнинг айрим нозик томонлари бошқа ҳайвонларда топилмайди. Эчкилар ҳам қўйлар сингари кичик шоҳли ҳайвонлар гуруҳига киритилади.

Эчкиларнинг танаси қуруқ, учбурчак шаклида бўлиб, қўйларнинг овози ва айрим хусусиятлари билан фарқ қилади.

Эчкилар тоғларнинг баланд жойларида бемалол ўтлаб, тошларнинг устига ётиб дам олаверади.

Эчкилар турли шароитларга мослаша олади. Эчкилар бу хусусиятининг уларни тоғ, чўл, ярим чўл, жануб томонларга бемалол тарқатиш ва улар устида бир қанча амалий ишларни олиб боришимиз мумкин.

Эчкилар резавор мевалар ҳамда илдизмевали сабзавотларни хуш кўриб истеъмол қилади.

эчкиларнинг ҳамма зотлари тез етилувчан бўлиб, серпуштлик даражаси юқоридир.

Эчкиларнинг бола бериш оралиғи 150 кунни ташкил этади. Эчкиларнинг жинсий етилиши 5-7 ойга тўғри келади. Эчкиларни, яъни ёш эчкиларни 1,5 ёшлигида 1-чи маротаба қочириш керак. Соғлом эчкиларнинг қон томирининг ўртача пульси минутига 70-80 марта бўлади.

Танаси ўртача ҳарорати 39-40⁰С. касал бўлган вақтларда эса танаси 41-43⁰С гача кўтарилади. Эчкилар маҳсулот йўналиши бўйича қуйидаги 4 та зонага ажратилади.

1.Тивит берувчи эчкилар зонаси ва зотлари. Бўлиб, бу зоналарга жанубий Урал, Воронеж, Ростов, Астрахань области, тоғли Олтой ҳамда Хакас автоном республикаси киради. Бу зоналарда Оренбург, Дон, Олтой тивит берувчи эчкилари киритилади. Бу зонадаги эчкиларнинг умумий сони 1851 минг бошга етади. Бу ерлик аҳолилар эчкиларнинг қўшимча миқдорда сут маҳсулоти ҳам олинади.

2.Жун берувчи эчкилар зонаси ва эчки зотлари. Бу зонага Тожикистон республикаси, Ўзбекистон республикаси, бу республикадаги Наманган вилояти, Туркменистон давлати, Чимкент вилояти, Қозоғистон ва Кавказ республикалари киритилади. Бу зоналарга қуйидаги зотлар тарқалган. Яъни совет жун берувчи эчкилари. Бу эчкилар ангор типидagi юқори сифатга эга бўлган жун беради. Бу зонага мансуб бўлган Бувин автоном республикада бугунги кунда 1670 минг эчки бордир.

3.Жун тивит етиштирувчи зона ва шу зонадаги эчки зотлари. Бу зонага Ўзбекистон республикаси, Қирғизистон республикаси, Қозоғистон, Урал областлари кириб, бу жойларда Дон бўйи жун берувчи эчкилар кўпайтирилади. Бундан ташқари шу жойларга ўзига хос тивит берувчи эчкилар ҳам кўпайтирилади. Бу зонада бугунги кун ҳисобида 1 млн.га яқин эчкилар бордир.

4.Сут йўналишидаги эчкилар бўлиб, бу зона ўзининг ичига Қора ернинг жанубий-шарқий, Волга-Вят иқтисодий районлари, Грузия ҳамда

шимолий Кавказнинг айрим жойларини қамраб олиб, бу жойларда рус сут берувчи эчкилари, Горьков, Мегрель ва шу жойга хос бўлган сут берувчи эчкилар етиштирилади. Бу зонадаги эчкиларнинг бугунги кун ҳисоби 1,003 мингни ташкил этади.

Юқоридаги зоналарнинг ҳаммасида шу жойларнинг маҳаллий жун берувчи эчкилари мавжуддир. Маҳаллий дағал жун берувчи эчкиларнинг асосий маҳсулотлари гўшт, сут, тивит ва теридир. Бу маҳсуотларнинг ҳаммаси дағал жун берувчи эчкиларда ўрта кўрсаткичда бўлади.

Тивит берувчи эчкилар

Тивит берувчи эчкилар – йирик бўлиб, суяклари яхши ривожланган, кўкраги чуқур, туёқлари эса каттиқдир. Барча тивит берувчи эчкиларнинг жун қоплами дағал қилтиқ тола ва ингичка силлиқ толалар йиғиндисидан иборат. Бу эчкиларнинг жун қопламида оралиқ тола кам учрайди. Оралиқ тола ингичкалиги тузилиши билан тивит толага яқин туради. Бу эчкиларни жунида тер ёғининг чиқими кам миқдорда бўлади, шунинг учун бу эчкиларни қирқишда уларнинг жуни тарқоқ ҳолатда бўлиб қолади.

Тивит берувчи эчкилар жун қопламининг тузилиши бўйича 2 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга Оренбург эчкилари ҳамда уларнинг дургайлари, шунингдек маҳаллий эчкилари мавжуд бўлган Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон – тоғли Олтой зоналари ҳам киритилади. Бу гуруҳдаги эчкиларнинг тивити қисқа бўлиб, қилтиқ толанинг тагида мойлашга бўлади.

2-гуруҳга хос бўлган эчкиларнинг тивит узун бўлиб, хаттоки қилтиқ толадан ҳам узун келади. Бу гуруҳга хос бўлган эчкиларга Дон бўйи, Ўзбекистон қора рангли, ҳамда Қирғизистон шинингдек Дон бўйи типига хос бўлган эчкилар зотлари киритилади.

Тивит берувчи эчкилар норма асосида яхши озиклантириб борилганда лактациянинг бошида 200-300 кг сут бериши – бунинг устида 1-2 та улоқни тўйдириш мумкин. Эчкиларнинг терисидан айникса ёш эчкиларнинг терисидан жунли пальтолар, ним пўстин ишлаб чиқаришда кенг миқёсда фойдаланилади. Эчкиларнинг тивити махсус ёғоч тароқлар орқали тараб олинади.

Оренбург тивит берувчи эчки зотлари – бу эчкилар келиб чиқиши бўйича узоқ тарихга эга бўлиб, халқ селекцияси томонидан келтириб чиқарилган. Аммо унинг яратилиш жойининг иқлими субэкваториал иқлимига тўғри келганлиги учун бу эчкиларни қаттиқ совуққа, кучли ёмғирларга бардош бера олишига сабачидир.

Оренбург зот эчкилари йирик бўлиб, бошқа зот эчкиларидан фарқ қилади. Бу эчкилар мустаҳкам конституцияга эга, суяклари яхши ривожланган, бир хил қоплами жун толасидан ташкил топган. Бу эчкилар, Челябинск, Актюбинск ва Татаристон автоном республикасида тарқалган. Бу эчкиларнинг ўртача тирик вазни 45-65 кг ни ташкил этади. Таналарининг оғирлиги 75 кг гача боради. Оренбург зот эчкиларининг улоқлари тез ўсувчан бўлиб, 4-4,5 ойлигида она эчкиларининг 45% оғирлигини ташкил қилади. Оренбург зот эчкилари 250-450 гр тивит, ҳамда 350 гр дағал жун беради. Тивитнинг миқдор ива унинг сифати эчкиларнинг ёшига боғлиқдир. Эчкиларнинг маҳсулдорлиги 3-5 ёшгача юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 7 ёшдан сўнг эчкилар маҳсулдорлиги камайиб кетади. Айрим зот эчкиларнинг тивит маҳсулдорлиги 7-8 ёшдан сўнг юқори сифатли ва миқдор жиҳатида кўп бўлади. Аммо кекса ёшли эчкиларнинг тивитининг эластиклиги ва пишиқлиги ёш эчкиларникидай бўлайди.

Оренбург эчкиларининг серпуштлиги 100 та она эчкига 130-140 та улоқ тўғри келади. Бу эчкилар 2-3 та айрим пайтларда 4-тагача улоқ бериши мумкин. Бу зот эчкилар серпуштлиги наслдон-наслга ўтади.

Оренбург эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги у даражада юқори эмас. Бу эчкилар ўртача лактацияда 85-110 л сут бериб, сутнинг таркибида ўртача 3,9% ёғ бўлади. сут таркибида ёғ миқдори 3,2 дан 6,1% гача ўзгариб туради.

Дон бўйи зоти – бу зотга мансуб бўлган эчкилар Дон дарёси атрофида урчитилиб, бу эчкилар ўзининг мустаҳкам конституцияга эгаллиги, танасининг пропорционал ривожланганлиги, тивитининг юқори сифатга эга эканлиги билан характерланади. Бу эчкилар йирик бўлиб, 4 йшда ўртача 70-85 кг бўлади. Бу эчкиларнинг танаси юмалоқ, шоҳлари узун, орқаси кенг тўғри келади.

Дон бўйи эчки зотларининг янги туғилган улоқларининг оғирлиги 2 кг бўлади. 1,5 ёшлик улоқларининг оғирлиги 27 кг бўлади. Дон бўйи эчкилар тивит ва унинг сифати бошқа зот эчкиларидан катта фарқ қилади. Бу эчкиларнинг сифатли тивити миқдори ўртача 500 гр ни ташки этади. Йирик таналарининг оғирлиги 1015 гр ни ташкил этади. Тивити энг юқори даражада ва сифатли бўлиши, бу зот эчкиларнинг 4-6 ёшига тўғри келади. Тивитининг узунлиги 8,6 см, қилтигининг эса 5,2 см ни ташкил этади. Жун қопламида 7-9,4% тивит бўлади.

Дон бўйи эчкиларининг жун қоплами мавсумий характерга эга. Кузги ва қишки даврларда бу эчкиларнинг жун қопламини ранги қорамтир-кўк, жигар тусда бўлади. жун қопламида қилтиғи кўринмайди. Март-апрель ойларида бу эчкиларда туллаш бошланади. Аввал тивит тоалалари сўнгра эса қилтиқ толалари туллайди. Қисқача қилиб айтганда Дон бўйи эчкиларининг 2 хил жун қоплами бор десак адашмаймиз. Чунки қишки – кузги даврда бошқа бир тусга кирса, ёзги даврда бу эчкиларнинг жун қоплами қора тусга ўтиб қисқа дағал жун толаларидан иборат бўлиб қолади.

Дон бўйи эчкиларининг сут маҳсулдорлиги юқори эмас яъни бир лактацияда (5 ойда) 130-140 л сут беради. Шунинг учун бу эчкилар лактациянинг 1-даврида жами сутнинг 28% ни, иккинчи лактацияда 25% ни,

учинчи лактацияда 21%ни, тўртинчи лактацияда 15%ни, бешинчи лактацияда 11% ни беради. (Лактациялар ой ҳисобида кўзда тутилган). Бу эчкиларни улоқларини ажратгандан сўнг 40-50 кун соғиш мумкин. Бу даврда соғилган сутнинг таркибидаги ёғнинг миқдори ўртача 4,6% бўлади.

Гўшт сифати – Дон бўйи эчкиларининг гўшт маҳсулдорлиги ўртача сўйим массаси 60% гача бўлади. 4 ёшли эчкиларнинг гўштининг массаси 16-18 кг ни ташкил этади. Гўштининг сифати ва унинг ширинлиги 7-10 ойлик эчкиларда бошқа ёшдагиларга нисбатан устунликка эга бўлади.

Дон бўйи эчкиларининг серпуштлиги юқори бўлиб, 100 та эчкидан 145-150 та улоқ олинади. Бу эчкиларнинг жун қоплами жуда яхши тузилганлиги сабабли шўба ишлаб чиқаришда бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Олтой тоғи тивит берувчи эчки зотлари. Олтой тоғ эчкилари Дон бўйи эчкилари асосида 1862-йилда келтириб чиқарилган. Бу эчкиларнинг гавдаси йирик, суяклари мустаҳкам, конституцияси тузилиши ҳам мустаҳкамдир. Бу эчкиларнинг тирик массаси жуда оғир бўлиб, гўштининг сифати юқори даражада бўлади. Бу эчкилар Олтой тоғ эчкиларидан оғирлигининг 5-10 кг устун бўлиши эвазига фарқ қилади. Масалан, 18 ойлик эчкиларнинг оғирлиги 28-35 кг, такалариники 63-66кг гача бўлади. Катта ёшдаги эчкиларининг тивит маҳсулдорлиги 450-600 гр ни ташкил этади. Тивитининг узунлиги 8-8,5 см ни ташкил этади. Жун қопламида тивитининг миқдори ўртача 50-80% гача бўлади. бу эчкиларнинг тивити юмшоқ, узун, эластик бўлиб, турли хил тивит йўналишидаги газламалар ишлаб чиқаришда қиммтабаҳо ҳисобланади. Тивитининг товарлик хусусияти жуда яхши бўлиб, ўзининг юмшоқлиги ва ипаксимон ялтироқлиги билан бошқа толалардан фарқ қилиб туради.

Бу эчкиларнинг сўйим массаси такаларники 52% ни, она эчкиларники 46% ва ундан юқорини ташкил этади.

Олтой тоғ тивит берувчи эчкиларнинг серпуштлик даражаси 100 та эчкига 145-150 та улоқ тўғри келади.

Қора рангли тивит берувчи эчкилар. Бу эчкилар Совет жундор эчкилари билан шу жойнинг хонаки эчкиларини ҳамда АҚШнинг шу рангдаги Ангор эчкиларини чатиштириш натижасида келиб чиққан. Чатиштириш натижасида оқ рангли ҳамда қора рангли эчкилар ҳосил қилинади. Бунинг оқибатида қора рангли тивит берувчи эчкилар устида селекция ишлари амалга оширилди.

Қора рангдаги тивит берувчи эчкилар Ангор ва маҳаллий эчкилар ўртасида оралиқ формада туради. Бу эчкилар йирик, лекин суяклари юқоридаги эчки зотларникига ўхшаб куяли ривожланмаган. Шоҳлари ингичка ва калта бўлад. Туғилган вақтдаги улоалирининг оғирлиги 2 кг.

Қора рангли тивит берувчи эчкиларни жун қоплами ҳар хил қопламдан ташкил топган бўлиб, таркибида қўпол ялтироқ қилтиқ, ҳамда силлиқ тивит тола мавжуд. Тивити қилтиқ толаларга нисбатан узун бўлади. Қора рангли тивит берувчи эчкиларнинг жун қопламининг таркиби, физик хусусиятлари, ҳамда маҳсулдорлик даражаларини кўрсаткичлари билан Дон бўйи эчкиларига яқин туради. Тивитининг миқдори 250-450 гр ни ташкил этади. Бу эчкиларни тивитини тараб олишни кечиктирмаслик керак, чунки тивитининг олиниши 5-10 кун кечиктирилса эчкиларда туллаш процесси жуда интенсив кечади, оқибатда 20-40% тивит ерга тушиб кетиши мумкин.

Тивитинининг ўртача узунлиги 8-9 см ни ташкил этади. Такалариники 9-10 см. Кичик улоқларини тивити катта ёшдаги эчкиларникига нисбатан анча ингичка бўлади. Қора рангли эчкиларнинг тивити силлиқ, пишиқ, эластик ҳамда зич бўлганлиги сабабли буларнинг тивитидан юпқа чарм, яъни шаброн ишлаб чиқаришда кенг қўламда фойдаланилади.

Қора рангли тивит берувчи эчкиларнинг илғор хўжалиги Наманган вилоятининг “Бойсун” фермаида жойлашган.

Мустақил иш учун топшириқ.

Мавзудан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Тивит берувчи	Эчкиларнинг ўртача оғирлиги	Такаларнинг ўртача оғирлиги	Тивитининг узунлиги	Янги туғилган улоқнинг оғирлиги	Тивитининг чиқиши	Сўйиш чиқими
Оренбург зот тивит берувчи эчкилар						
Дон бўйи эчкилари						
Олтой тоғ тивит берувчи зот эчкилари						
Қора рангли тивит берувчи эчкилар						

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Маҳсулот йўналиши бўйича эчкилар неча гуруҳга ажратилади – қасилар ва таърифлаб беринг.
2. Оренбург эчкиларини барча хусусиятларини батафсил айтиб беринг?
3. Дон бўйи эчкиларига характеристика беринг?
4. Олтой тоғи ва қора рангли эчкиларнинг орасидаги фарқи ҳамда ўхшашлик томонларидан батафсил айтиб беринг?
5. Эчкиларнинг тивити қандан олинади ва қайси вақтда? Тивитдан нима мақсадда фойдаланилади?

17-мавзу: Эчкичиликда наслчилик ишлари ва бонитировкаси билан танишиш.

Дарсинг мақсади. Эчкичиликда наслчилик ишларининг асосий мақсади. Эчкиларни танлаш, бонитировка қилиш, жуфтлаш, эчкичиликда насл ҳисоб-китоб ишлари тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Эчкилар турли маҳсулот йўналишга хос расмлари, бонитировка журналлари, наслчилик ҳисобига оид журналлар.

Дарсинг мазмуни. Эчкичиликда наслчилик ишлари кейинги йилларда чет давлатларда кенг миқёсда ривож топмоқда. Бизга маълумки, ҳар бир қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари устида наслчилик ишларини олиб борар эканмиз, бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз бўлиши шарт. Эчкичиликда ана шу асосий мақсадларга қуйидагилар киради.

Эчкилар конституциясини мустаҳкамлаш. Ҳар бир эчки зотини маҳсулдорлиги, биринчи ўринда унинг конституция типига боғлиқдир. Мустаҳкам конституцияли эчкилар маҳсулдорлиги юқори, турли шароитларга тез мосланувчан, касалликларга чалинмайдиган, танасининг аъзолари бир-бирига мутаносиб бўлади. мустаҳкам конституцияли эчкиларнинг суяклари пишиқ, гавдаси йирик, орқа қисми кенг, мускуллари мустаҳкам бўлиши ҳар бир селекционер учун худди шундай зот чиқариш учун олдига қўйган асосий мақсад бўлади.

Танасининг йириклиги, тирик массасини юқорилиги – гавдаси катта эчкилардан кичик гавдали эчкиларга нисбатан йирик юқори даражада маҳсулот олинади. Бундан чиқди гавдаси йирик эчкилардан барча маҳсулотлар – гўшт, жун тивит, сут маҳсулотлари, шунингдек тери сатҳи кенг бўлган юқори сифатли тери маҳсулотлари олинади.

Эчкиларни тез етилувчанлигини ошириш – эчкиларнинг тез етилувчанлигини ошириш ҳар томонлама, иқтисодий жиҳатдан юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади. Тез етилувчан эчкилар гўшт, сут,

жун, тивит ва бошқа маҳсулотларни тез ҳамда юқори сифатли даражада беради. Тез етилувчан эчкиларнинг серпуштлик даражаси ҳам, авлод бериш жараёни ҳам қисқа вақт ичида содир бўлади. Бу эса иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади.

Эчкиларни кўп бола бериш қобилияти – сут берувчи эчки зотларига тўғри келади. Кўп бола берувчи эчкиларнинг маҳсулдорлиги ҳам бқори бўлади. Болаларнинг маҳсулдорлиги онасидан битта туғилган улоқларникига нисбатан 3-4 баробар кўп бўлади, яъни эчкиларни кўп бола бериш қобилитини ошириш натижасида улардан олинадиган маҳсулот турларининг миқдорини оширишга эришиш мумкин.

Кўп бола берадиган эчкиларнинг маҳсулот бериш қобилияти ҳам юқори бўлади. Масалан, Оренбург эчкилари битта бола берганда лактация давомида ўртача 131 кг сут олинган. Иикита бола берганда 144 кг сут олган.

Эчкиларнинг сут маҳсулоти битта бола берганда 396 кг бўлган, иккита бола берганда 437, учта бола берганда 569 кг ни ташкил этган: қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, эчкиларда кўп болалик уларнинг сут, гўшт, тери, жун-тивит маҳсулотларни оширувчи табиий омил ҳисобланади.

Жун берувчи эчкиларда наслчилик ишлар

Бугунги кунда олимларимиз, селекционерларимиз олдидаги асосий масалаларидан бир эчкиларни қандай маҳсулот йўналишда эканлигидан қатъий назар, аммо маҳсулот бериш жиҳатдан зот талабига жавоб берадиган эчкилар яратишдир.

Жун маҳсулоти берувчи эчкиларда ҳам бир қанча наслчилк ишларини амалга ошириш зарур. Масалан, Совет жун берувчи эчкиларининг жун сифати 40-44 сифат даражасига, жун толаларининг узунлиги 13-14 см, жун қопламидаги толалар ҳосил қилган кокилчалар талаб даражасида эмас. Умуман олганда ҳар қандай зот ҳам ўзининг маҳсулот йўналиши бўйича талаб даражасига жавоб бериши керак, албатта зотларни турли маҳсулот

берадиган қилиб етук зот қилиб яратиш қийин. Шундай экан селекционер олдидаги асосий масалалардан бир жун маҳсулоти берадиган эчкиларни жун толасини узунлигини ошириш, толалар ҳосил қилган эчкиларни жун толасини узунлигини ошириш, толалар ҳосил қилган кокилчаларни жун чиқишини камида 70-75 фоизга, жуннинг сифат даражасини камида 50 сифат даражаси талабига жавоб берадиган қилиш зарурдир.

Жун берувчи эчкилар енгил саноатнинг ип-газлама ишлаб чиқариш соҳасида асосий омил ҳисобланади.

Тивит берувчи эчкиларда наслчилик ишлари

Асосан тивит берувчи эчкиларнинг тивитининг миқдорини ва сифатини оширишга қаратиш бўлиб, тивитнинг миқдори тивит толанинг узунлигига, 1 см^2 жойдаги тивит толаларининг сонига боғлиқдир. Наслчилик ишида асосий масалалардан бири тивит толанинг узунлигини оширишдир.

Тивитнинг сифати унинг рангига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги кунда ок рангли ва қорамтир кўк рангли тивитлар енгил саноатнинг талаб даражасидаги хом-ашёсидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда селекционерлар олдидаги асосий муаммолардан яна бири ҳар томонлама устунчиликка эга бўлган тивит эчкиларни яратиш ҳамда мавжуд тивит берувчи эчкиларнинг маҳсулот сифатини оширишдир.

Сут берувчи эчкиларда наслчилик ишлари

Асосий мақсад сут берувчи эчкиларнинг сутдорлигини оширишдан иборат бўлиб, сутнинг таркибидаги ёғ, оқсил, шунингдек лактациянинг давомийлигини узайтириш бугунги кундаги наслчилик ишларининг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сут берувчи эчкиларда наслчилик ишларининг сут маҳсулотини ошириш шу билан бирга юқори сифатли тери маҳсулотини олишдан иборатдир.

Эчкиларни танлаш

Эчкичиликда наслчилик ишларини олиб боришда уларни танлаш асосий мақсад ҳисобланиб, танлаш икки хил усулда олиб борилади:

1.Эчкиларни фенотиби бўйича танлаш.

2.Эчкиларни генотиби бўйича танлаш.

Эчкиларни фенотиби бўйича танлашда уларнинг конституциясига, тана тузилишига, маҳсулдорлик кўрсаткичларига, ҳамда биологик хусусиятларига эътибор бериш керак.

Наслчилик фермаларида эчкиларнинг подасини тўлдириш учун ҳамда наслчилик хўжаликларига насли улоқларни сотиш учун улар фенотиби жиҳатдан танланади. Улоқларни фенотиби жиҳатдан танлашда биринчи марта 2-3 хафталигида, иккинчи марта 4 ойлигида, учунчи марта 12 ойлигида.

Эчкиларни фенотиби бўйича танлаш уларни маҳсулдорлигига тўғри баҳо беришни тез етилувчанлигини, кўп бола бериш қобиятини ойдинлаштиришдан иборатдир.

Эчкиларни генотиби бўйича танлаш, асосан танланаётган эчкиларни келиб чиқишга эътибор берилади, яъни генотип – эчкиларни ота-онасини уларнинг маҳсулдорлик даражаларини қай даражада эканлигини кўрсатади.

Эчкиларни генотиби бўйича танлашда уларнинг авлодининг сифатига, келиб чиқишига асосий эътибор берилади.

Келиб чиқиши бўйича баҳолаш. Эчкиларни келиб чиқиши бўйича баҳолашда – баҳоланаётган эчкини ота-онасининг маҳсулдорлигини билиш

шарт. Бунинг учун наслчилик фермаларида зоотехник ҳисоб-китоб ишлари ўз ўрнида бўлиши зарур.

Эчкиларни авлодининг сифати бўйича баҳолаш. – бунинг учун маҳсулдорлиги юқори бўлган 1-1,5 ёшли такалар олиниб, бу такалар билан 1 классли она эчкилар урчителиб, улардан олинган авлод баҳоланади. Бунинг учун ҳар бир элита синфига хос таканинг 40-50 тадан авлоди бўлиши лозим. Эчкиларни авлодини сифати бўйича баҳолашда такаларнинг қизлари тенгқурларининг ҳамда онасининг маҳсулоти билан таққосланади. Бу жараён олинган авлодни 4-5 ойлигида амалга оширилади.

Эчкичиликда бонитировка

Эчкиларни танлашни асосий омили ҳисобланиб, эчкиларни бонитировка қилиш уларни нафақат танлаб қолмай, балки чатиштириш натижасида олинган авлодларнинг маҳсулдорлигини турли хусусиятларини назорат қилиб туради.

Наслчилик фермаларида эчкилар классли бонитировка қилинади. Тивит берувчи эчкилари баҳор фаслида, яъни эчкиларда туллаш жараёни бошлаган вақтда амалга оширилади. Бонитировка жараёнида эчкиларни соғломлиги, конституция турлари, семизлик даражаларига, маҳсулот йўналишига эътибор берилади. Эчкилардан олинган улоқлар 10-14 ойлигида бонитировка қилинади. Бонитировкани фақатгина зоотехник – бонитировкачи амалга оширилади. Бонитировка вақтида эчкиларни маҳсулот йўналишига кўпроқ эътибор берилади. Масалан, жун маҳсулоти бўйича баҳоланадиган эчкиларни жунининг узунлигига, қалинлигига, тивит берадиган эчкилар бўлса тивитининг миқдорига. 1 см² жойдаги толаларнинг сонига, гўшт маҳсулоти йўналишидаги эчкилар бўлса – уларнинг семизлик даражасига, тана қисмларининг ривожланганлигига, агарда сут маҳсулоти берадиган эчкилар бўлса йиллик сутдорлигига, сут таркибидаги ёғнинг

миқдорига асосий эътибор берилади. Эчкиларни бонитировка қилиш натижасида олинган маълумотлар эчки кулоқларига кертилиб солинади.

Эчкичиликда жуфтлаш

Эчкичиликда жуфтлашнинг асосий вазифасига юқори сифатли ҳар томонлама етук зот чиқариш ва маҳсулот олиш, ҳамда талаб даражасига жавоб берадиган авлод олишдан иборатдир.

Эчкичиликда жуфтлашнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:

- 1.Бир хил жуфтлаш (гомоген усул).
- 2.Ҳар хил жуфтлаш (гетероген усул).
- 3.Алоҳида.
- 4.Гуруҳлар бўйича.
- 5.Ёшига қараб жуфтлаш.

1.Бир хил жуфтлаш – бунда турларни жуфтлаганда маҳсулдорлиги бўйича юқори даражада бўлган, исталган турдаги маҳсулот бериши бўйича ажралиб турадиган она эчкилар ва шу кўрсаткичларга эга бўлган такалар жуфтланади. Бундай ҳолда зотлар яхшиланади ва кейинги зот учун хос бўлган қимматли хусусиятлар оғишмай ўтиб боради.

2.Ҳар хил жуфтлаш – бу усулда исталган турдаги талабларга жавоб бермайдиган, аммо маҳсулот кўрсаткичлари юқори бўлган она эчкилар ва такалар жуфтланади. Бундай қочиришда ота ва она маҳсулотига қараганда яхши зот олинади.

3.Алоҳида-алоҳида жуфтлаш – бунда жуфтлашга қўйиладиган такалар элита классига хос бўлиб, ўзининг алоҳида кўрсаткичлари билан, яъни келиб чиқиши, конституцияси, маҳсулдорлиги ва наслий қобилияти ажралиб туради.

4. Гуруҳлаб жуфтлаш – бу ҳолда эчкиларга авлоднинг сифати аниқ бўлган наслдор такалар бириктирилади.

5. Ёшига қараб жуфтлаш – бу усулда жуфтлашда, эчкиларнинг ёшига – яъни уларни қайси ёшда жуфтлаганда ўзининг барча белгиларини авлодига тўла-тўқис ўтказиб бериш қобилияти ўрганилади. Наслдор такалар 2-2,5 ёшида наслдор она эчкилар жуфтланади.

Эчкичиликда урчитиш усуллари

Эчкичиликда урчитишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Асл зот урчитиш
2. Қон қуйиш йўли билан бир неча бор чатиштириш
3. Ишлаб чиқариш асосида чатиштириш
4. Қон қуйиш (вводное)
5. Саноат асосида чатиштириш.

Асл зотурчитиш ўзининг ичига линиялар бўйича ва оилалар ўртасидаги урчитишни олиб, линиялар бўйича урчитиш – наслдор така ва ундан олинган авлодлар орқали аниқланади. Оилалар бўйича урчитишда наслдор она эчкининг авлоди текширилади.

Урчитишнинг линия ва оила ичидаги тури эчкиларни наслини сақлаб қолишда, ота-онаси маҳсулотидан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олишда асосий ўрин эгаллайди. Асл зот урчитиш усули наслчилик фермаларида, наслчилик хўжаликларида кенг миқёсда қўлланилади.

Урчитишнинг асосий усули чатиштириш, яъни қон қуйиш йўли билан чатиштиришдир. Бу усул тез ва қисқа вақт ичида амалга оширилади. Асосий мақсад кам маҳсулотли эчкиларга бир ва бир неча бор бошқа зотли маҳсулот бериш даражаси юқори бўлган эчки қонидан қуйилади. АҚШ давлатида маҳаллий зот эчкиларига, Туркиянинг Ангор эчкиларини қонини сингдири натижасида йирик Ангор эчкилари ҳосил қилинди. Бу усул билан Манголия

Халқ Республикасида маҳаллий эчкиларни Дон бўйи эчкилари чатиштириш натижасида ҳар томонлама юқори маҳсулот сифатига эга бўлган эчки зотлари олинди. Қон сингдиришни бу усули бир зотнинг иккинчи зотга бир неча баробар такрорланиши мумкин.

Қон қуйиш – бу усул бир марта қон қуйиш йўли билан якунланади. Қон қуйиш усули кам қўлланилиб, айрим зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичи пасайиб кетганда бошқа зот эчкилардан қон олиб қуйилади.

Ишлаб чиқариш асосида чатиштириш (заводской) – чатиштиришнинг бу усулининг мақсади, янги зот чиқариш ёки эчкилар маҳсулотини оширишдан иборат. Чатиштиришнинг 2 хил усули бўлиб:

1.Оддий

2.Мураккаб

Оддий завод типигаги чатиштиришда турли зотга мансуб ё бўлмаса бир зотга мансуб эчки турлари бир марта чатиштирилади.

Мураккаб завод типигаги чатиштиришда икки ва ундан ортиқ зотлар орасида чатиштириш ишлари олиб борилади. Аввало икки зотлар орасида чатиштирилади. Олинган авлод ўзи билан чатиштирилади, сўнгра янги зот билан жуфтлаштирилади.

Саноат асосида чатиштириш. Асосий усуллардан ҳисобланиб – бу усулни гетерозис жараёни билан бир хил десак адашмаймиз. Саноат асосида чатиштириш гўшт берадиган эчкиларда кенг миқёсида қўлланилади. Бизнинг давлатимизда гўшт йўнилиши бўйича эчкиларнинг зотлари йўқ. Шунинг учун чатиштиришнинг бу усули қўлланилмайди.

Гибридизация

Гибридизацияда – асосан янги зот ва тур яратиш учун ҳар хил зотга мансуб эчкиларни бир-бири билан чатиштириш натижасида урчтитиш жараёнини олиб борилади.

Гибридизацияда урчитиш зот ичида ва зотлараро бўлади. зот ичида маҳсулдорлиги юқори бўлган, ҳар томонлама етук она эчки ва такалар чатиштирилади.

Зотлар орасида эса турли зотга мансуб маҳсулдорлиги юқори бўлган эчкилар чатиштирилади.

Умуман бугунги кунда эчкичилик бизнинг республикамиз миқёсида олганимизда алоҳида бир йўналишга киргани йўқ. Албатта эчкилардан олинadиган маҳсулотлар бугунги кунда кун сайин ўсиб бораётган халқимизни талаб даражасини қондириш учун биз зоомухандислар ўз соҳамиз устида оғишмай меҳнат зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эчкичиликда наслчилик ишлари насл ҳисоби орқали юритилади.

Насл ҳисобига:

1. Она эчкиларнинг ҳамда наслдор такаларнинг шахсий варақаси;
2. Шахсий бонитировка дафтари;
3. Бонитировка натижаларининг солиштирма ахборотномаси;
4. Эчкиларни қочириш ва тул олиш дафтари;
5. Наслдор улоқларни парвариш дафтари;
6. Наслли такаларни қочиришга қўйиш дафтари.

Барча наслчилик хўжаликларида юқоридаги насл ҳисоб ишлари бўлиши лозим.

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги жадвални мавзу асосида тўлдиринг

Эчкичиликда наслчилик ишларини асосий мақсади	Жун, тивит, сут берувчи эчкиларда наслчилик ишларининг вазифаси	Эчкичиликда танлаш ва жуфтлаш тўғрисида қисқача маълумот
---	---	--

18-мавзу: Қўй ва эчкиларни қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш ва кўпайтириш усуллари ниўзлаштириш.

Дарснинг мақсди. Қўйларни қочиришдан кўзланган мақсад, қўйларни туғдириш ва қўзиларни парвариш қилиш технологиялари билан батафсил ва тўла тушунча ҳосил қилиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Қўйларни қочиришга оид турли хил маълумотлар, сунъий қочириш учун шприцлар, сунъий қин. Қўзилатиш даврига мос бир неча хил қўй суратлари, ҳамда қочириш компаниясида қўйлар сони, уларга кетган спермалар, шунингдек қочириш вақтларини ҳисобга олиш учун ҳисоб машинаси.

Дарснинг мазмуни. Қўйчиликда асосий шу билан биргаликда қийин процесслардан бири қўйларни қочириш, уларни туғдириш ва қўзиларни парвариш қилишдир. Қўйларни қочиришда уларда содир бўладиган жинсий майилликка эътибор бериш керак. Жинсий майл 2 кундан 3 кунгача давом этади. Бу процесс қўйларнинг хулқ атвориға қараб билинади ва синовчи кўчқорлар орқали тўла ишонч ҳосил қилинади. Совлиқларнинг қочиришда уларнинг уруғланиш қобилияти:

1. Қўйларнинг жинсий майллигини тўғри топиш.
2. Қочиришга қўйилган наслдор кўчқорларни уруғлантириш қобилиятига боғлиқдир.

Қўйларни қочириш мавсумидаги озиқа нормаси таркибида тўйимли ва сервитамин аралашмалар кўпроқ бўлиши керак. Бу вақтда наслдор кўчқорларга 1-1,5 кг сабзи, 1-1,5 кг концентрат озиқа, яхши сифатли беда пичани иложи бўлса 0,5-1 л ёғи олинган сут, кунига 1-2 дона тухум бериш мақсадга мувофиқдир.

Катта ёшдаги кўчқорлар кунига 2-3 та совлиққа ирғиши мумкин.

Умуман олганда ҳар бир зоомуҳандис шу нарсани мукаммал билиш лозимки, яъни қўйларни қочириш 2 хил: табиий ва сунъий бўлади.

Табиий қочиришни ўзи 4 хил: 1.Эркин қочириш; 2. Қўлда қочириш; 3.Уюрда қочириш; 4.Синфли қочириш.

Қўйларни қочиришда совлиқларнинг сонига нисбатан қўчқорларни тўғри қўя билишдир.

1.Эркин қочириш. Бу қочиришда қўчқорлар қўйлар билан йил давомида бирга сақланади. Бу усул бугунги кунга келиб энг қоқоқ ёки қўйлардан олинадиган қўзиларнинг сонини камайишига олиб келган учул десак адашмаймиз. Эркин қочириш йўли билан қўйлардан қўзи олишда, айрим қўйларнинг пуштсиз қоқиб кетиши содир бўлган. Шунинг учун бугунги кунда Давлат аҳамиятига эга бўлган ҳамда бошқа ёрдамчи хўжаликларда ҳам бу усул қўлланилмайди.

2.Қўлда қочириш. Бунла наслдор қўчқорлар қўйлар билан алоҳида ҳолда сақланади. Бу усулда наслдор қўчқор 1 кунда қўйга 2-3 марта ўз спермасини ўтказиши мумкин. Бу усул ҳам иқтисодий томондан анча паст кўрсаткичга эга. Шунинг учун усулдан наслчилик хўжаликларида фойдаланилмайди.

3.Уюрда қочириш. Бу усулда бир вақтда қўйларнинг сони 35-50 та бўлиб, кундуз кулари наслдор қўчқорлар қўйлар билан биргаликда қўйилади. Кечаси қўчқорларни алоҳида ажратиб олиб озуклантирилади. Бу усул ҳам кўп меҳнатни талаб этади, шунинг учун кенг миқёсда фойдаланилмайди.

4.Синфли қочириш. Қўйларнинг қочиришни бу усулида 35-40 кун мобайнида қўчқорлар қўшилади. Қўшилган қўчқорларнинг уруғ сифати текширилган бўлиши керак. Бу усулда ҳам кундуз қўчқорлар билан бирга, кечаси эса алоҳида ажаратиб озиқа берилади. Бу усулда наслчилик фермаларининг ёрдамчи хўжаликларида фойдаланилади.

Сунъий қочириш

Ҳозирга кунда энг асосий ва иқтисодий жиҳатдан самарали усул бўлиб, бу усулни совет олими И.И.Иванов аниқлаган ва оммавийлаштирган. Бу усул биринчи марта 1928-йил Шимолий Кавказнинг №1 “Қўйчилик” фермаида ўтказилди.

Қўйларни сунъий қочириш йўли билан уруғлантирилганда 1 та қўйга сарфланган қўчқорнинг уруғи, бу усулда 20-30 та қўйга етади.

Бундан ташқари олимларнинг аниқлашича бир қўчқорнинг спермаси билан бир мавсумда ўртача 1400-1800 та қўйни уруғлантириш мумкин эканлиги аниқланди. Ҳар йили жаҳонда жами қўйларнинг 70-80 фоиў сунъий қочирилади. Сунъий қочиришдан Болгария, Руминия, Полша давлатларида кенг миқёсда фойдаланилади.

Қочиришни ташкил этиш

Қўйлар туққандан кейин токи қўзидан чиққунча ўзидаги барча запас энергия сутга ўтказилади. Мана шу даврда қўйларнинг организми бир неча хил озиқабоп моддаларга муҳтож бўлади. қўйлар куюккан вақтида бир кунга 2-3 та тухум хужайраси ҳосил бўлади. бу процесс семизлиги юқори ва ўртача бўшан қўйларда 81-84% бўлиб, ориқ қўйларда 65-70% ни ташкил этади. Мана шу даврда қочиришдан 1 ой олдин озиқасининг таркибида 60-65% кўк масса, 20-25% қуруқ озиқа ташкил этиши керак. Қўчқорларни тайёрлаш қочиришдан 2 ой олдин бошланади. Қўчқорларни тайёрлаш қочиришдан 2 ой олдин бошланади. Ҳар кунда 1 марта уруғининг сифати анализ қилинади. Қочиришдан олдин бу процесс кун оралиғида амалга оширилади.

Қўчқорларни яхши озиқлантирилганда кунига икки марта уруғ олиниб, уруғининг баҳоси Г-9 миқдори 1-1,5 миллиметр бўлади.

Қочириш пунктини тайёрлаш

Қочириш пунктида кичик лаборатория, қочириш жойи, қочиришлмаган қўйлар учун танбур ва наслдор қўчқорлар учун жойлар тахт бўлиши керак. Бу жойда 2-3 та ассимелятор иш олиб бориб, кунига 300-400 та қўйни кунъий қочиради. Қочириш кўпинча “визоцирвикал” усулида олиб борилади. Сунъий уруғлантириш пунктида температура 20⁰С атрофида бўлади.

Ўзини текшириш учун саволлар

- 1.Қўй ва эчкиларни қочиришнинг неча хил усули бор ва қайсилар?
- 2.Бугунги кунда қочиришни қайси усулидан фойдаланилади?
- 3.Нима сабабдан қўй ва эчкиларга сунъий қочириш қўлланилади?
- 4.Қўй ва эчкиларни қочириш қандай қисмларни ўз ичига олади?
- 5.Қочириш пункти ва уни ташкил қилиш нимадан иборат?

Мустақил иш учун топшириқ

Қуйидаги жадвални мавзу асосида тўлдиринг.

Қўй ва эчкиларни қочириш усуллари	Қўзи ва улоқларни парвариш этиш	Бир қўй вазъкига сарфланадиган уруғ микдори	Қўчқор ва такалардан уруғ олиш тартиби

19-мавзу: Хўжаликда қўйларни ва эчкиларни туғдиришни ташкил этиш ва уни ўтказиш.

Дарсдан мақсад — бўғоз совлиқларни ва она эчкиларни боқиш хусусиятларини, уларни туғишини ташкил этиш ва ўтказишни планлатиришни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ҳисоб ва ҳисобот бланкалари, қишлоқ хўжалиги бўйича нормативлар справочниги, бирор хўжалигидан олинган ёки кафедранинг ўзида ишлаб чиқилган маълумотлар, фотосуратлар, слайдлар, диафилмлар.

Машғулотни ўтказиш методикаси — машғулот аудиторияда ўтказилади, қўйлар ва эчкиларни туғишини ташкил этишни ҳамда туққан қўй ва эчкиларни боқиш хусусиятларини талабалар мустақил ўрганиб, конкрет (рақам) материаллар оладилар ва қўйларни ҳамда эчкиларни туғишга тайёрлаш ҳамда бу ишни ўтказиш планини тузиб чиқадиладар. Топшириқнинг мураккаблигини ҳисобга олиб уни қисман уйда бажариш мумкин.

Дарс мазмуни — қўзиларни ва эчкиларни туғдириш қўзилатиш маъсулиятли ва сермеҳнат жараёндир. 37-42 кун давомида деярли барча қўзилар ва улоқлар туғулиб бўлади. Буларни сақлаб қолиш ва маълум шарт-шароитлар яратиб, тўғри ўстириб бориш барча чўпон ва мутахассислардан маъсулият талаб қилади. Қўйлар ва эчкилар одатда кўкламда — март-апрель ойларида туғади.

Туғиш даврида ҳар қайси совлиқлар отари соғиладиган, бўғоз ва ажратиш давригача эмизиб турадиган группаларига бўлинади. Ҳар қайси группадаги қўйлар ва эчкилар сони мавсум давомида ўзгариб боради. Бўғоз қўйлар группаси аста-секин камайиб, эмизикли қўйлар группаси кенгайиб боради. Туғишни охирига келиб, ҳар хил ёшдаги сакмонлар ва “мари” қолади.

Ҳар қайси группани боқиш режими (кун тартиби) алоҳида-алоҳида белгиланади.

Жадвал-1

Бўғоз совлиқ ва она эчкилар баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган (С.И.Кедрова, Зеленский маълумотлар)

Кўрсаткич	Вақти (соат)	Ўтлатиш давоми минут ҳисобида	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6-10	240	16,6
Суғориш	10-11	60	4,1
Кундузги дам	11-16	300	20,8
Ўтлатиш	16-20	240	16,6
Тунги дам	20-6	600	41,9

Кичик ва ўрта ёшли сакмонларни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби 2-жадвалда акс эттирилган

Кўрсаткич	Вақти (соат)	Ўтлатиш давоми	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6-10	240	16,4
Суғориш	10-11	60	4,1
Ўтлатиш	11-20	540	36,9
Тунги дам	20-6	600	43,6

Катта ёшли сакмонни баҳорда боқиб бориш учун 3-жадвалда келтирилган тахминий кун тартиби (С.И.Кедрова)

Кўрсаткичлар	Апрель		Май	
	минут	Суткасига нисбатан % ҳисобида	минут	Суткасига нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	770	53,5	843	58,4
Ўтлатиш, ҳайдаб бориш	80	5,5	-	-
Ҳайдаб бориш	110	7,6	52	3,7
Дам бериш	466	32,5	517	36,1
суғориш	14	0,9	28	1,8

Кичик ёшдаги сакмонлар ва бўғоз қўйлар ва эчкилар группаси тунда ўтлатилмайди. Катта ёшдаги сакмонларда кунлар исиган сари тунги дам олиш вақти қисқариб, кундузги дам олиш вақти узайиб боради. Бўғоз қўйлар ва эчкилар чўпони қошарасиёки қўтонини ёнида албатта тунда дам олиши керак. Қўзилар ва улоқларни тунда туғилиб қолганида ёрдам бериш ва янги туғилганларни , айниқса ёмғир ёғиб, шамол бўлиб турган совуқ кечаларда қараб туриши зарур. Бўғоз дам олиш соатидан кейин ўтлатилади, кичик ёшдаги сакмонлар эса кун ёришганидан бошлаб то қоронғи тушунча яйловда бўлади.

Қўйлар ва эчкиларни иуғдирадиган одатда эфемер ўтлар қалин ўсган, текис яйловларда туғдирилади. Қўзилар ва улоқларни шундай яйловларда ўтлатилганида тез тўйиб олади, текис жойдан чарчамай юради ва яхшироқ ривожланиб ўсиб боради.

Қўйлар қўзилатиладиган жойларда қошарлар, усти ёпиқ майдонча ва қўтонлар бўлиши керак. Қўзиларни бонитировкадан ўтказиш учун алоҳида тайёрланади.

Туғиш мавсуми бошланмасидан олдин чўпон бригадалари бўйича олинадиган қўзилар ва улоқлар ҳисоб қилиб кўрилади. Бунда бўғоз

қўйларнинг ва эчкиларнинг ёшига, ориқ-семизлигига қараб тахмин қилинади. Хомилани кўпайтирадиган стимуляторлар қўлланилмаган бўлса, ўрта ёшли ҳар юз бош совлиқдан 100-105, қари совлиқлардан 95-100, биринчи марта туғаётган совлиқлардан 90-95 та қўзи олиш режалаштирилади. Бу хусусиятлар эчкичиликда ирсий хусусиятларига боғлиқлигига кўра 100 бош она эчкидан, 110-115, айрим серпушт эчкилардан эса, 130-135 фоизни ташкил этади.

Соғлом ва бақувват қўзи ва улоқлар ўстиришга қолдирилади, булар асосан урғочи қўзилар, совлиқлар қай тариқа саралангани ва кўрсаткичларига, ўстиришга қолдириладиган урғочи қўзилар ва улоқлар ўстиришга келтирилади.

Қўзилар ва улоқларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш ишини ташкил этиш учун ўстиришга қолдириладиган ҳар 100-125 бош қўзи ва улоқи муддатларига қараб) 45 кунга битта сақмончи ажратилади. Қўзиси бор ҳар бир совлиққа 1,2-1,5 м² ҳисобидан иссиқ кошарлар қурилади. Бир отар (700-800 бош) совлиқ учун одатда авлодлари бор 80-100 бош совлиққа мўлжаллаб иссиқ кошар қуриш кифоя қилади. Бунда асосан яйловга чиқарилмайдиган кунларда кичик ва ўртча ёшдаги сақмон олиб ётадиган жойларда туғади. Янги туғилган қўзиларнинг нобуд бўлиб кетишига ва бўғоз совлиқларнинг ётиб қолишига йўл қўймаслик учун кечалари ҳар 1,5-2 соат оралаб бўғоз совлиқларни кўздан кечириб, текшириб чиқиш керак. Қўзилаш бошланишидан илгари чўпон бригадалари зарур дори-дармонлари бўлган аптечкалар, хўжалик асбоблари (белкураклар, фонуслар, умивалник, кўмир ва бошқалар), ҳалатлар, фартуклар, бонитировкага ишлатиладиган нарсалар (ёрликлар, қулоққа қўйиладиган номерлар, омбурлар, тешик очқич асбоблар), қисқа омбурлари ҳисобга олиш ва ҳисоб бериш формалари (туғиш журналлари, йўлланма-накладнойлар, туғишни бориши тўғрисидаги маълумотлар), озиқалар қўйларни ва эчкилари яйловга чиқармасдан 10-15

кун бокиб туришга етадиган миқдорда қилиб олинган дағал озуқалар ва ем билан таъминланган бўлиши керак.

Тажрибали чўпонлар қўйларни ва эчкиларни қўзилатиш даврида эти ориқ бўғоз қўйлар ва эчкилар билан ҳомиласи кўплиги учун олдиндан ажратиб қўйилган қўйларни ва эчкилар алоҳида ўтлатилади. Буларга доим қўшимча озиқа бериб турилади. Қўйларнинг ҳаммасига истаганча фенотиазин-мис кўпороси аралаштрилган туз бериб борилади.

Тул олиш даврида зооинженерлар ва ветеринария врачлари қўйларнинг ва эчкиларнинг ҳаммасини ҳар куни ёкки икки кунда бир марта кўздан кечириб туришлари керак. Қўзиларни ва улоқларни вақтида олиб кетиш ва сўйишга олиб бориш учун махсус ускуналарнинг автомашина ажратилади. Қўзилар ва улоқлар марказлаштирилган усулда – фермада ёки хўжаликнинг марказида сўйилади. Сўйиш пунктида теринитузлаш ва сақлаш учун 2-3 хона, ичак-чавоқ ва нимталар сақланадиган хона, омбор, хизматчилар хонаси, терини қуриштиш учун усти ёпиқ ва очик майдончалар, қўзиларни ва улоқларни сўйиш ва терини тозалаш учун керакли асбоб-ускуналар, сантехника узеллари, терини тузлаш учун стеллажлар (80-100 дона терига 1 погон метр ҳисобидан, терини саралаш учун столлар, умивальниклар, юқадиган ва дезинфекция қиладиган моддалар, ўртача йирик тортилган туз (бир дона терига 800-1000 г ҳисобидан), ўраб-туғиш учун ишлатиладиган газлама, коржома ва бошқалар бўлиши керак. Ичак-чавоқларни олиш, тозалаш ва қуриштиш учун 1-2 ишчи, сўйиш пунктига мудир, хом ашё товаршуноси, қоровул, ошпаз, 2-3 нафар ёрдамчи ишчи ажратилади.

Қўзиларни ва улоқларни бонитировкадан ўтказишни ўз вақтида ташкил этиш учун бонитиёрлар, ҳисобчилар олдиндан белгилаб қўйилади. Зарур бўлса транспорт билан таъминланади. Бонитиёрлар, ҳисобчилар ва сўйиш пунктининг ходимлари ҳар йили қисқа муддатли махсус курсларда ўқиб, хавфсиёрлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича мўлжалланган маълумотларни албатта бажаришлари керак.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўйларни ва эчкиларни туғдириш қачон ва қандай яйловларда ўтказилади?
2. Туғдириш даврида бўғоз қўйлар ва эчкилар группаларга ажратилади ва уларни боқиб бориш учун қандай кун тартиби тавсия этилади?
3. Неча группа чакмонлар тузилади?
4. Қўзи, улоқ ва қўшимча маҳсулот олиш режаси қандай қилиб белгиласа бўлади?
5. Қўй ва эчкиларни туғдириш даврида нечта ва қандай хоналар зарур бўлади?
6. Қўй ва эчкилар туғиш даврида чўпон бригадаларига нималар ва қанча озиқа ажратиб бериш зарур?

20-мавзу: Қўзиларни ва улоқларни парваришлаш онасидан ажратиш ва сурувларни тузиш режасини ўрганиш.

Машғлотдан мақсад - қўзиларни ва улоқларни ўстириш ва онасидан ажратиш хусусиятларини, қўзилардан уларнинг жинси, наслчиликдаги қиммати, аҳваоли ва ёшига қараб отарлар тузиш принципини ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – қўзилар ва улоқлар бонитировкаси маълумотлари, бонитировка натижалари бўйича ёш қўзилар ва улоқларни инвентиразациясининг якунловчи акти, қишлоқ хўжалиги учун перспектив планлаш нормативлари справочниги, қўйбоқар эчкибоқарлар справочниги, схемалар, плакатлар, слайдлар.

Дарсни ўтказиш тартиби – Дарс аудиторияда ўтказилади, талаба қўзиларни ва улоқларни ўстириш хусусиятлари ва онасидан ажратиш техникаси билан мустақил танишиб чиқади ва сўнгра топшириқни бажаради. Ўқитувчи Дарснинг боришини назорат қилиб туради ва зарур бўлган пайтда тегишли изоҳларни бериб боради.

Дарсни мазмуни. Қўйчиликда ва эчкичиликда ва улоқларни онасига эмдириб боқиш услуги қўлланилади. Шу муносабат билан қўзилар ва улоқлар туғилганидан кейин онаси билан бирга бўлади. Қўзиларнинг ва улоқларнинг онасидан биринчи марта оғиз сутини эмиши катта чўпон назорати остида ўтказилади, шу чўпоннинг ўзи қўйнинг ва эчкини сути бор-йўқлигини ҳам текшириб кўради.

Амалда баъзан қўзиларни ва улоқларнинг бошқа она қўйларга эмдириш зарурияти туғилади. Бундай ҳолларда қўзиларни ва улоқларни совлиқлар мажбурий равишда олдириш услуги ҳам ишлатилади. Бунда уларни алоҳида катаклар ёки чуқурларга битта-биттадан жойлаштирилади ёки махсус установкаларда парвариш қилиб борилади. Қўзилар ва улоқлар ҳаётининг дастлабки 20-30 кун мобайнида, асосан, онасининг сути билан озиқланиб боради.

Қўзиларнинг ва улоқларнинг яхши ўсиб, ривожланишини таъминлаш учун уларнинг ёшига қараб қуйидаги миқдорларда сақмонлар тузиш тавсия этилади (И.Я.Аверьянов 1954);

3 кунликкача бўлган қўзил ва улоқлар сони 10-30 бош;

3-10 кунлик қўзилар ва улоқлар сони 30-50 бош;

10 кунликдан катта бўлган қўзилар ва улоқлар сони— 50-200 бош.

Ўстириш даврида қўзиларнинг ва улоқларнинг онасини эмиши ва овқат ейишини синчклаб кузатиб бориш зарур. Эмизикли совлиқларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш қўзиларнинг ва улоқларнинг яхши ўсиб-униб боришини таъминлайди.

Қўзиларни ва улоқларни ёш сақмондан каттароқ сақмонга ўтказишда ҳар бир қўзининг ва улоқнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Сақмонларни “она-бола” жараёнида она қўйлар ва уларнинг болалари (авлодлари) бор-йўқлиги доимо текшириб турилади.

Заиф қўзилар ва улоқлар алоҳида сақмонга ажратилиб, яхши парваришланади ва боқилади. Бу қўй ва эчки совлиқларга яйлов озигига қўшимча қилиб концентратлар ёки сервитаминли пичан бериб турилади. Сақмондаги қўзилар ва улоқлар парвариши сақмончиларга топширилади.

Сақмонларни ўтлатишда қуйидаги талабларни бажо келтириш зарур:

- Бир сақмондаги қўзиларнинг ва улоқларнинг бошқа сақмондаги тенгқурлари билан аралашиб кетмаслигига;
- Қўзиларни ва эчкиларни йўлларда, ҳайдаладиган ерларда ва юмшоқ тупроқли яйловларда ўтлашига йўл қўймаслик; чунки улар тупроқ еб ўлиб қолади.
- Қўзилар ва улоқлар онасини топиб олиши учун сақмонни ҳар куни 2-6 мартадан она-бола қилиниши керак;

- Қўзиларнинг ва улоқларнинг заҳ ерда, айниқса ёмғирдан кейин етишига йўл қўймасликлари (акс ҳолда, улар шамоллаб касал бўлиб қолиши мумкин);
- Кун ботиши билан қўзиларни ва улоқларни ҳайдаб келиш (агар улар оналари билан бирга ўтлаб юрган бўлса) ва эрталаб уларни барвақт ўрнидан турғузмаслик;
- Бир ойли катта сақмонларни кечаси оналари билан бирга ўтлатиш;
- Заиф қўзиларга ва улоқларга ёки наслчиликда фойдаланиш учун мўлжаллаб қўйилган қўзи ва улоқлар 2 ойлигидан бошлаб яйлов ўтларига қўшимча равишда ҳар бош ҳисобига кунига 0,2-0,4 кг ҳисобидан (яйловларнинг ҳолатига қараб) концентратлар бериб туриш тавсия этилади.

Сақмонларни ўтлатиш учун тупроғи тез қизийдиган, серқум ва совук шамолларни тўсувчи табиий ҳимояси бор жойлар танланади. Заиф қўзилар ва улоқлар эса қўра атрофида боқилиши тавсия этилади. Улар қувватга кириб, тетиклашган сайин очик яйловларга ҳайдалади. Барча ёшдаги сақмонларни туғдириш ўтказилаётган жойдан очик, яйловларга барвақт чиқраши қўзиларнинг ўсиб-униб боришига ҳамиша ёдам бериши тажрибада исботланган. Ўстиришга қолдириладиган ҳар 100-120 бош ёш авлодга 45 кунга 1 та сақмончи ажратилади.

Қўйчилик ва эчкичилик хўжаликларида одатда қўзиларни ва улоқларни 3,5-4,5 ойлигида онасидан ажратилади. Қўзи ва улоқлар онасини эмадиган даврда тез ўсади ва тирик вазни 60-65 % вазнига етиб қолади. Масалан, яхши ривожланган қўзининг тирик вазни онасиан ажратиш маҳалида 28-32 кг, ўртача ривожланганиники 22-27 кг ва суст ривожланган вазни 15-21 кг бўлади. жуда заиф, ривожланмай қолган, шунингдек танасида бирор шикасти (чиқган қўзилар, синган жойлари) бўлганлари онасидан ажратишда алоҳида ҳисобга олинади, аммо бажариладиган режа ҳисобига киритилмайди ва бу батамом соғайиб кетмагунча улар учун чўпонларга қўшимча ҳақ тўланмайди.

Қўзилар ва улоқлар ранги, жинси, наслчиликдаги ўрни, класси ҳамда танасининг йирик-майдалигига қараб ажариталади. Бу ҳақдаги маълумотлар авлодларни онасидан ажратиш тўғрисидаги якунловчи актга ёзиб қўйилади. Ёш қўзиларни ва улоқларни парваришlashга қабул қилиб олишда мана шу акт асосий хужжат ҳисобланади. Ёш қўзилар ва улоқлар оналаридан онасидан бирин-кетин ажратиб борилади. Онасидан ажаритишдан 10-15 кун аввал ёш қўзилар совлиқлардан алоҳида ўтлатилади, эрталаб эса уларни оналарининг ёнига қўйиб қўйилади. Қўзилар ва улоқларни онасидан ажратиш иши шу тариқа ташкил этилганида қўзилар ўзича ўтлаб юришга ўрганади ва онасидан батамом ажратилганидан кейин ўзини яхши сезиб, организм ҳолатида айтарлиқ ўзгаришлар бўлмайди. Қўзилар ва улоқларни ўргатилмасдан туриб, онасидан бирдан ажратиб қўйилса улар она сутидан маҳрум бўлиб фақат яйлов ўтлари билан озиқланишга мажбур бўлади. ана шундай кескин ўзгариш айрим ножўя ҳодисаларга сабаб бўлади, чунки қўзилар мустақил ҳаётининг дастлабки кунларида яхши ўтламайди, уларда моддалар алмашинувчи бир қадар бузилади, натижада ёш қўзилар ўсиш ва ривожланишда орқада қолади. Қўзилар ва улоқлар онасидан ажратилганидан кейин юқорида айтиб ўтилган ҳодисалар рўй бермаслиги учун ёш қўзилар отарларига 15-20 бош совлиқ қўй ва эчки қўшиб қўйиш тавсия этилади. Зооветеринария талаблари бўйича қўзилар ва улоқларни онасидан ажратгандан кейин урғочиларини алоҳида тўқлилар группасига, зотли эркекларини қўчқорчалар группасига ажратиб қўйиш керак. Ривожланмай қолган ва сурункасига касал бўлиб юрадиган заифлари алоҳида группаларига ажратилади.

Соғлом, ранги, класси ҳамда бошқа бонитировка маълумотларига қараб алоҳида отарларга жамланади ва энг серўт яйловларда ўтлатилади.

Қўзиларни ва улоқларни онасидан ажратиш ва улардан отарлар тузишда қуйидагилар эътибор олинади онасидан ажратиладиган жой ва

муддатларни, хўжалик жойлашган экологик зона, яйлов-озиқа шароитлари ва йилнинг иқлим шароитларини;

2.Қўзиларни ва улоқларни онасидан ажратиш техникасини , яъни қўтонлар ёки ажратиб қўйилган жойлар, йўл бошловчи эчкилар, серкалар ва совлиқлардан фойдаланиш имкониятлари;

3.Отарлар сони, наслдор совлиқ ва она эчкилар учун 500-600 бош, оддий пода учун 800-850 бош, зотли эркак қўзилар ва улоқлар учун 300-350 бош, бошқа эркак қўзилар ва улоқлар учун 750-800 бош ҳисобидан тузилади;

4.Отарларнинг дастлабки сифат таркиби (отарларнинг сифат таркиби бонитировка маълумотларига асосан тузилган якунловчи инвентаризация актига қараб аниқланади).

5.Зарур бўладиган чўпонлар ва ёрдамчи ишчилар сонини.

Заиф қўзилар ва қўзилар отарини қишлоққа яқин жойда, эски бедозорларга жойлаштириш, чучук сув билан таъминлаб туриш ва ёш қўзилар суткасига 100-120 г дан ўсиб борадиган қилиб қўшимча озиқа бериб бориш керак. Қолган қўзилар ва улоқлар сифатига қараб отарларга жамланади.

Ёш қўзилар отарларини тузиш принципи

Наслчилик хўжаликларида отарлар тузиш

Рангли қўзилар ва улоқларни қуйидагича алоҳида-алоҳида отарларга жамланади:

Ҳар бир отарга қўзи ва улоқлар сони этишмай элита ҳамда 1 класс битта отарга қўшиш мумкин. Бундан ташқари 1 класс қўшиш мумкин.

Шу тариқа тузилган отарлар доимий бўлиб ҳисобланади. Уларни хўжалик ишлаб чиқаришда бўладиган вақтнинг бошидан охиригача чўпон бригадаларига топшириб қўйилади. Отарлар тузишнинг ана шундай услуби

кўй-кўзиларни улоқ-эчкиларни соғлом ва яхши ривожланган қилиб етиштиришда чўпонлар манфаатдорлигини оширади. Отарлар ҳар йили кузда кўшимча равишда кўздан кечириб чиқилади. Касаллиги, ривожланиш даражаси, конституцияси жиҳатидан талабларга жавоб бермайдиган бракка чиқарилади, отарлар ранги, баррасининг типи, класс ва ёши бўйича тегишли бўлган ҳайвонлар билан тўлдирилади.

Топширик

Фермада 15400 бош, шу жумладан 900 бош наслдор эркак кўзи, 1600 бош кам қимматли эркак кўзи, 670 бош суст ривожланган кўзи бор. Кўзиларнинг қолган қисми тўқлилар бўлиб, уларнинг 40% кўк, қолгани қора ранглидир. Ёш кўзиларни жадвалдаги мувофиқ отарларга жамлаш, уларнинг умумий сонини, чўпонлардан неча киши зарур бўлишини ва заиф кўзилар учун 4 ойлик муддати ҳар хил турдаги озиқалардан қанча кераклигини аниқлаб чиқиш зарур (бир бош кўзига ва улоққа ўрта ҳисобда 150-200 г концентранган озиқ ва 500 г ўт уни ҳисобидан). Отарлар товар хўжаликлари принципага мувофиқ тузилади.

Кўзи ва улоқ отарларини режаси

тартиб	Отар номери	Катта чўпоннинг	Кўйлар ва эчкилар сони	жинси	ранги	Класси	Чўпон	Ажратиш давригача	Концентранган озиқа	Хашак	эслатма
Ферма бўйича жами:											

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўйчилик ва эчкичиликда қўзилар ва улоқлар қандай услуб билан ўстирилади?
2. Етим қўзилар ва улоқлар қандай қилиб боқиб ўстириш мумкин?
3. Сақмонлар тузиш тартибини айти беринг?
4. Сақмончи қандай қоидаларга риоя қилиши керак?
5. Қўзилар ва улоқлар қайси ёшида онасидан ажратилади ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш қандай омилларга боғлиқ?
6. Наслчилик хўжаликлари билан товар хўжаликларида ёш қўзилардан ва улоқлардан отарлар тузиш принципи айтиб беринг.
7. Қўзиларни ва улоқларни онасидан ажратгандан кейинги боқишнинг ўзига хос томонларини айтиб беринг.
8. Қўзиларни суғориш режимини тасвирлаб беринг.

21-мавзу:Қўй ва эчкичиликда пода ва таркибини аниқлаш

Дарсинг мақсади. Талабаларни қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг пода суруви тўғрисида ва сурув таркибини яхшилаш учун қилинадиган барча амалий тадбирлар тўғрисида тушунчага эга бўлдириш. Пода сурувининг иқтисодий жиҳатдан юқори бўлган маҳсулот олиш учун ташкил этиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Пода структураси оид жадваллар, улардан кўргазмалар, наслчилик хўжаликларининг “Қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг сони” журнали.

Дарсинг мазмуни. Қўй ва эчкичилик хўжаликларида қўй ва эчкиларнинг отарларга бўлиниб, боқилади, йиллар ўтган сайин қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг подаси таркибида кекса қўй ва эчкиларнинг ва турли хил сабабларга кўра брак қилинган қўй ва эчкиларнинг пода структурасидан чиқарилиб турилади. Мана шунинг учун қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг пода структурасини уларнинг турли хил жинси, ёши, зоти ва физиологик ҳолатига қараб пода структурасига зарур қўй ва эчкиларнинг киритилади. Пода структураси дейилганда қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг маълум бир вақтдаги ҳар хил жинс ва турли ёшдаги группасининг ўзаро нисбатда тушинилади. Қўй ва эчкиларнинг ва эчкиларнинг пода структураси турли хўжаликларда ҳар хил вақтда, кўпинча ҳар хили 1 январда аниқланади.

Подадаги қўй ва эчкиларнинг структураси одатда “фоиз” билан ифодаланади. Айрим вақтларда сон билан ифодаланилади. Қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг пода структурасидаги совлиқларнинг сони ўзгармас бўлмайди, йил мобайнида совлиқларнинг миқдори кўпайиб, камайиб туради. Бунга сабаб паст баҳоли совлиқларни ўрнини ёш маҳсулдор кўзилар билан тўлдиришдир. Бу ҳайвонларни кейинги йила қочириш ва улардан бола олиш учун анча вақт кетади.

Шунинг эвазига пода структураси камаяди. Қўй ва эчкиларнинг боқиш харажатларида биринчи ўринда қўчқорлар ва такаларва такалар, иккинчи ўринда қўй ва эчкиларнинг туради. Аммо қўй ва эчкиларнингдан турли хил маҳсулот олиш натижасида уларга кетган сарф-харажатлар қопланади. Қўйчилик ва эчкичиликда пода структурасини 65-70 фоиз она совлиқлар ташкил этади.

Наслдор қўчқорлар ва такалар

Пода структураси таркибида наслдор қўчқорлар ва такалар кам миқдорда бўлиб атиги 1-2 фоизни ташкил этади. Пода структурасини қайтатиклашда ва улардан сифатли маҳсулот олишда қўчқорларнинг ва такаларнинг аҳамияти каттадир. Қўчқорлар ва такаларга сарфланадиган озик нормалар харажатларининг кўпайишига олиб келади. Аммо улардан олинган авлоднинг сифати ҳисобга олишда бу харажатлар қопланиб кетган бўлади.

Бичилган қўчқорлар ва такалар

Бичилган қўчқорлар ва такалар пода структурасида одатда майин жунли қўй ва эчкиларнинг гуруҳида учрайди ва поданинг 17-20 фоизини ташкил этади.

Бу қўчқорлардан жун олиш учун фойдаланилади. Буларнинг жуни миқдори совлиқлариникига қараганда 10-20 фоиз кўп бўлади. насли қўй ва эчкиларнинг подасида бичилган қўчқорлар ва такалар боқилмайди. Пода таркибида бичилган қўчқорларнинг кўп бўлиши совлиқлар маҳсулотнинг пасайишига олиб келади.

Насл олиш учун кўпайтирилаётган ёш қўй ва эчкилар подаси

Бу подани ташкил этиш учун аввало қўзиларнинг ва улоқларнинг физиологик ҳолатига, келиб чиқишига, ёшига эътибор бериш зарур. Ҳар бир отарда 800-900 тадан насли қўзилар боқилади. Қўчқорлари ва такаларини сони эса бир отарда 500-600 та бўлади.

Ремонт группаларига хос қўзи улоқ ва қўчқорлар ва такалар отарда 100-150 тадан боқилади. Умуман олганда қўй ва эчкиларнингдан юқори маҳсулот олиш учун уларнинг пода структурасини таркибини тўғри тузиш ва меёрда юритиш керакдир. Бунда пода таркибининг 60-70 % ни совлиқлар, 20-25: қўзилар ва 1-2 % насл олишда ҳамда қўй ва эчкиларнингнинг ва эчкиларнинг маҳсулдорлигини оширишда ишитирик этадиган синовчи қўчқорлар ва такалар ташкил этади.

Қўй ва эчкиларнинг пода структураси шу хўжаликнинг наслчилик ёки товар хўжалиги эканлигига, шунингдек бу хўжаликлардаги шарт шароитларга боғлиқдир.

Наслчилик заводларида қўй ва эчкиларнинг подасининг структураси куйидагича бўлиши керак:

1. Совлиқлар – 70-75%
2. Наслдор қўчқорлар ва такалар (вояга етганлари) – 1,3-1,5%
3. Синаши керак бўлган ва синалган қўчқорлар ва такалар– 0,2-0,3%
4. Ремонтга мўлжалланган қўчқорлар ва такалар– 0,3-0,4%
5. Наслчилик ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган қўй ва эчкиларнинг – 3,4-3,5%
6. Тўқлилар 18-20%

Товар фирмаларида қўй ва эчки пода структураси куйидагича бўлади:

1. Совлиқлар – 75-78%
2. Ўтган йилги тўқлилар – 15-17%
3. Ўтган йилги эркак қўзилар ва улоқлар– 3-5%
4. Қўчқорлар ва такалар– 2-3%

Наслчилик хўжаликларида вояга етган ахта қўчқорлар ва такалар бўлмайди. Чунки наслчилк ишлари учун яроқсиз деб топилган эркак қўзилар ва улоқлар ҳаммаси бичилиб, бўрдоқига боқилади. Пода структурасидан озиб кетган қўй ва эчкиларнинг жағ тишлари жуда ўсиб кетган (макродентизм)

қўй ва эчкиларнинг ва қўчқорларва такалар, мастит ва бошқа хил касалликка чалинган қўй ва эчкиларнинг бракка чиқарилади.

Бракка чиқарилган ҳайвонларнинг сони кўпи билан 16-17% бўлиши керак.

Мустақил иш учун топшириқ.

Давлат наслчилик заводи ва товар хўжалигида 86000, 72000, 61000, 52000 бош қўй ва эчкиларнинг бор. Шу қўй ва эчкиларнинг ҳар бир бўлимини йилбошида жинси, ёши, бошқа хусусиятларига қараб қуйидаги жадвални тўлдириш, ҳар бир бўлимидаги пода таркибида 60% қора рангдаги, 30% қўқ, 10% бошқа ранг бор деб ҳисобланг ва жадвални тўлдириш.

Пода структураси

Жинси ва ёшига қараб ажратилган қўй ва эчкиларнинг гуруҳи	1 январдаги сони		Жумладан ранги бўйича		
	бош	%	қоралари	қўқлари	Бошқа рангдагилар
Қўчқорлар, такалар:					
Синовчи қўчқорлар, такалар					
Ремонт қўчқорлар, такалар					
Совлиқлар,она эчкилар					
Ўтган йили туғилган кўзилар, улоқлар					
Урғочилари					
Эркаклари					
Ахта қўчқорлар-такалар					
Жами					

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Пода структураси деганда нимани тушунаси?
2. Наслчилик заводлари ва товар фермаларидаги йиллик пода структурасини ўртача нисбатини тўла айтиб беринг.
3. Пода структураси таркибидаги бичилган, ахта қўчқорларнинг қандай аҳамияти бор?
4. Пода структураси таркибидаги қўй ва эчкиларнинг гуруҳларининг ичидан қайси қўй ва эчкиларни пода структурасига нисбатн ҳаражати кўп бўлади?
5. Қандай қўй ва эчкиларнинг бракка чиқарилиши керак?
6. Ремонтга мўлжалланган қўчқорлар ва такалар деганда нимани тушунаси?

22-мавзу: Қўйлар жун қирқимини ташкил этиш ўтказиш ва уларни ҳисобга олиш билан танишиш.

Машғулотдан мақсад — қўйлар жун қирқимига тайёргарлик ва уни ўтказиш хусусиятларини тушинтириб бериш, жун қирқимини ўтказиш планлари тузишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар — ўқув-тажриба хўжалигининг қўйлари ва эчкилари. Ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш формаларининг бланкалари, жун қирқиш пунктларига мўлжалланган технологик ускуна комплектларининг тасвири, қўйчилик хўжаликларининг бирортасидан олинган маълумотлар ёки кафедранинг ўзида ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар, плакатлар, фотосуратлар, слайдлар.

Дарсни ўтказиш услубикаси — Дарс аудиторияда ўтказилади, талабалар жун қирқимини ташкил этиш, планлаштириш хусусиятларини шу ерда мустақил ўрганиб, конкрет рақам материални олишади ва жун қирқимини ўтказиш режасини тузиб чиқишади, кейин эса ўқув-тажриба хўжалигининг қўйчилик фермасида ёки амалиёт вақтида жун қирқимини ўтказиш планини тузишда иштирок этадилар. Бу топшириқнинг маълум даражада қийинлигини ҳисобга олиб, уни қисман уйда бажариш мумкин.

Дарснинг мазмуни

Зоотехник жун қирқимини ўтказиш режасини ва графигини, шунингдек бу процесснинг технологик картасини олдиндан ишлаб чиқиши керак. Жун қирқимини ўтказиш плани отарларни жун қирқиладиган жойга олиб келиш тартиби ва муддатларидан ташқари бир қанча ишлаб чиқариш операцияларини ҳам ўз ичига олиши керак (бинолар, қўйлар, асбоб-ускуналарни тайёрлаш, жун қирқимини маълум муддатларда ўтказиш, қўйларни жуни олинганидан кейин ветеринария-профилактик ишловдан ўтказиш ва бошқаларни).

Мана шу ишлаб чиқариш операцияларининг ҳаммаси жун қирқимини плани ва графигида ҳам, технологик картасида ҳам акс этиши керак. Ма

Вояга етган қўйларнинг жун йилига икки марта: кўкламда ва кузда қирқилади. Ёш қўйлар жуни кузда қирқилади (туғилган йилининг ўзида), бунда олинадиган жун кўзи жуни дейилади. Мамлакатимизнинг барча зоналари учун қўй жунини қирқишнинг маълум муддатларини белгилаб бериш жуда қийин. Жун қирқимнинг тахминий муддатлари маҳаллий шароитлар ва қўйларнинг аҳволига қараб аниқлаштирилади. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: баҳорги жун қирқими кунлар исиб, қўйлар жуни “тобига келган”да қирқилади - қўйларнинг жуни шу пайтга келиб, япоқлана бошлайди, яъни жун қопламининг тери билан бирикканлиги бўшашади. Баҳорги жун қирқимини ҳали иссиқ кунлар бошланмасдан туриб, вақтидан илгари ўтказиладиган бўлса, жуни олинган қўйларнинг ҳаво совиган маҳалда шамоллаб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Қирқимнинг кечикиши жуннинг нобуд бўлишига олиб келади. Жуни олинмаган қўйлар иссиқ кунлар бошланиши билан яхши ўтламайди, улар жуда озиб кетади. Она қўйлар сути камайиб қолади, ўтган йили туғилган кўзилар эса ўсмай қолади.

Кузда қўйлар одатда кўзиларни сутдан ажратгандан кейин, тахминан 15-20 августдан бошлаб, 10-15 сентабргача жуни олинади. Хўжаликнинг қайси зонада жойлашгани, қўйларнинг қандай муддатда кўзилагани ва жун қопламининг аҳволига қараб кузги жун қирқимининг муддати аниқлаб олинади. Шимолий районларда, кузги совуқлар бирмунча эрта тушадиган бўлгани учун, қўйлар жунини эртароқ олишга киришилади, шунда қиш тушгунча қўйлар жуни етарлича ўсиб қолади. Қиш кечроқ тушадиган жанубий районларда кузги жун қирқими сентабрда ўтказилади. кўзилар жуни биринчи марта 5-6 ойлигида олинади, шунда улар жунининг сифати жуда яхши бўлади, кўзи жуни деб шуни айтилади. Айрим ҳолларда қўйлар жунини йилига бир марта олиш мумкин.

Қўйлар (баҳорда, кузда) жунини қирқишдан 1-2 кун олдин маҳсус ванна ёки мосламаларда тоза сувда чўмилтирилади.

Хўжаликлардаги жун қирқиш пунктларининг сони қўй подаларининг катта-кичиклиги, ер массивларининг териориал жойлашуви ва қўйларнинг аҳволига қараб белгиланади. Жун қирқадиган замонавий электр агрегатлар билан таъминланган кўпгина хўжаликларда 25-30 минг бош ва бундан кўра кўпроқ қўй жунини битта йириклаштирилган пунктад олинади.

Ҳар бир агрегатда СА 24-36-48 ва бундан кўра кўпроқ, машинка жойлаштирилган бўлади. сўнги йилларда йириклаштирилган пунктларда 2-3 та ЭСА-12 Г маркали агрегат ёки СА 24-36-48 ва бундан кўра кўпроқ машинкага мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган жун олиш агрегатлари жойлаштирилган бўлади (КТО-24, КТО-48 маркали агрегатлар). Қўйлар жунини олиш учун мамлакатимизда ЭСА-1Д, ЭСА-12Г, ЭСА-12/200 ва АСТ-36 маркали агрегатлар, қўйлар жунини олиш ҳамда жунга бирламчи ишлов бериш учун эса КТО-24 ва КТО-48 маркали технологик ускуна комплектлари ишлаб чиқарилган. Жун қирқишнинг йириклаштирилган пунктларини ташкил этиш жун қирқувчилар учун қулай иш шароитлари яратишга, техник хизматни ва агрегатдан фойдаланишни анча яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга, ходимлар сонини қисқартириш ва жун сифатини яхшилашга, ходимлар сонини қисқартириш ва жун қирқимга сарфланадиган меҳнатни камайитиришга имкон беради. Қўйлар жунини механизмлар ёрдамида олишга мўлжалланган маҳсус бинолари бўлмаган бўлмаган хўжаликларда жун қирқиш агрегатлари шу мақсад учун яроқли биноларга ўрнатилади. Бунинг учун кошарлардан фойдаланилади.

Қўйлар жунини қирқиладиган бино етарлича кенг бўлиши керак. Бунда қўйларнинг жун қирқувчиларга яқин жойда туриши уларни жун қирқувчиларнинг иш жойига етказиб бериб туриш ишини анча енгиллаштиради. Жун қирқувчиларнинг кундузги ёруғликдан фойдаланиб

ишлагани маъқул, чунки электр чирокдан фойдаланиш ишловчиларнинг кўзини толиқтириб, ишини қийинлаштирилади. Жун қирқиш пункти жойлашган бино мумкин қадар хўжалик ёки ферма марказида бўлиши керак, шунда қўйларни олисан хайдаб келишига хожат қолмайди. Жун қирқиш пункти ёнида бўш яйловлар ва қўйларин суғориш учун сув бўлиши мумкин керак. Жун қирқиш агрегатлари жойлаштирилган асосий бинодан ташқари жунни олинмаган қўйларни ёғин-сочиндан пана қилиб туриш, жунини олиш олдидан турғазиб қўйиш мумкин бўладиган хона ҳам бўлиши керак. Пунктда ошхона, шунингдек, жун қирқувчилар учун душ бўлиши лозим. Бу бинолар жун қирқими бошланишдан 10 кун илгари ремонтдан чиқарилиб, тозаланган, дезинфекция қилинган ва поллари яхши қуритилган бўлиши лозим.

Жун қирқимини ўтказиш планини тузишда хўжаликдаги қўйлари сонига, жун қирқиш агрегатлари бор-йўқлигига, жун қирқувчи ходимларнинг малакаси, шу ишни ўтказиш муддатларига қараб иш кўрилади. Қўйлар жунни 10-12 иш куни давомида олиб бўлинадиган бўлса, буни нормал деб ҳисоблаш керак. Хўжаликда 10 минг бош қўй ва 24 та машинкага мўлжалланган ЭСА-12Г маркали жун қирқиш агрегати бўлса, у вақтда жун қирқимини 12 иш куни давомида тугаллаш учун жун қирқувчи 12 иш куни давомида тугаллаш учун жун қирқувчи ҳар бир ходим кунда ўрта ҳисоб билан камида 35 тадан қўй жунини олиб борадиган бўлиши керак. Жун қирқувчи ходимлар малакаси юқори бўлса, жун қирқими тезроқ тугалланади. Қўйларнинг жойлаштирилганига қараб мазкур хўжаликда агрегатлар сонига яраш 24 та машинкага мўлжалланган битта ёки иккита жун қирқиш пункти ташкил этилиши мумкин. Хўжалик учун битта жун қирқиш пункти ташкил этиш кўпроқ фойдалидир: бу – жун қирқиш машинкаларидан яхшироқ фойдалиниш, иш сифатини ошириш ва қўшимча сарф-ҳаражатларни камайтиришга имкон беради. Қўйлар жунини олишда меҳнатга амалдаги тариф ставкаларига мувофиқ ҳақ тўланади. Ишни бошлашдан аввал жун қирқими плани тезилиб, бунда қўйларин чўмилтириш, жунини олишга етказиб бериб туриш навбати ва жун қирқимининг календарь муддатлари кўзда тутилади. Қўйлар жунини

қирқишга киришишдан аввал пунктнинг ҳамма ходимлари ва чўпонлар билан хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж ўтказиш зарур. Қўйларни етказиб бериб туриш навбатини хўжалик мутахассислари – зооинженерлар билан ветеринария ходимлар қўйлар саломатлигига ва билан қопламанинг аҳволига қараб белгилайди. Йирик ферма ва колхозларда биринчи галда камрок қимматли ҳисобланган 2-3 та отар жунини олишга етказиб келинади, шунда жун қирқувчилар машинкага ўрганиб олади ва агрегатнинг барча камчиликлари бартараф этиладиган бўлади. кейин бошқа отарларнинг қўйлари олиб келинади. Одатда жун нобудгарчилигига йўл қўймаслик учун биринчи навбатда қишда қўзилаган совлиқ қўйлар жунини олинади, сўнгра ўтган йили туғилган қўзилар, ахта қўчқорлар, қўчқорлар ва она қўйлар жунини олинади. Ранги ҳар хил бўлган қўйлар жунини бир-биридан алоҳида қилиб олиш керак. Бир отарда ҳар хил рангли қўйлар боқиб келинган бўлса, жун қирқишдан олдин уларни албатта группаларга ажритиб қўйиш керак. Қўйлар жунини фақат қуруқлигида олинади, борди-ю улар хайдаб келинаётганда ёмғирда қолган бўлса, уларнинг қуришини кутиш керак. Қўйлар жун қирқишдан олдин 12-14 соат илгари озиклантирилиши керак, чунки қорни тўйиб кетган қўйлар жун қирқимиға яхши бардош бермай, кўпинча касал бўлиб қолади (ўлиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди). Она қўйларнинг жунини олишда ёнидаги қўйхона ёки бошқа бинода алоҳида қўйиб қўйилади. Қўтир ва бошқа юқумли касалликлар билан оғриган қўйлар жунини олиш, шунингдек, бундай жунни ўраб жойлаш, сақлаш ва жўнатиш ишларини амалдаги ветеринария қонунларига қаттиқ риоя қилинган ҳолда ўтказиш лозим. Қўйлар жунини олаётганда чўпон бригадалари жунқирқимининг сифатини кузатиб бориши, қўйлар териси чақаланса жароҳатларини дезинфекцияловчи моддалар билан ишлаши, қўй туюларини калта қилиб олиш қўйиши керак.

Бригадир чўпон ўз отаридаги қўйлардан олинган жунни ўлчашда соф тола чиқишини лабораторияда аниқлаш учун жундан намуналар олишда ва контроль қирқимларни ўтказиб кўришда иштирок этади.

Қўйдан олинадиган ўртача жун миқдорини аниқлаш учун контроль қирқим ўтказилади. Қўйлар жуни қирқиб олинганидан кейин 10-12 кун ўтгач профилактика мақсадида чўмилтирилади.

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Хўжаликларда қўйларнинг жуни қачон олинади?
2. Жун қирқиш муддатлари нимага боғлиқ?
3. Қўйларни жунини олишга тайёрлаш техникаси қандай?
4. Қўйлар жуни қаерда ва қандай ускуналар ёрдамида олинади?
5. Жун қирқими даврида қандай кун тартиби энг маъқул ҳисобланади?
6. Қўйлар жунини олишда неча нафар ходимлар зарур?
7. Қўйлар жунини олиш плани формасини тасвирларб беринг.

23-мавзу: Қўйчиликда маҳсулотларини етиштириш бўйича операцион-технологик хариталар тузишни ўрганиш.

Дарсдан мақсад — саноат технологияси шароитларида чилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш ва бошқариш услуги сифатида операцион-технологик карталар тузиш билан танишиш.

Ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар - чилик маҳсулотлари етиштириш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган технология карта моделлари. Участк-кўра системасида боқиладиган ва механизациялаштирилган бўрдоқчилик майдончасида қўй гўшти етиштириладиган шароитларда йириклаштирилган чўпон бригадалари томонидан тери ва жун етиштиришга доир тахминий технологик ҳужжатлар.

Дарс ўтказиш услубикаси - Дарс аудиторияда ўтказилади, талабалар операцион-технологик карталар тузиш услубикасини мустақил ўрганиб, асосий технологик операциялар ҳамда йириклаштирилган чўпон бригадаларининг вазифалир билан танишадилар, кафедрада ишлаб чиқилган технологик карталардан маодель тариқасида фойдаланиб туриб, ўқитквчининг топшириғига мувофиқ технологик картани ишлаб чиқаидалр.

Дарсинг мазмуни. чиликни янада интенсивлаш ишлаб чиқариш процессларини планлаштириш билан бир қаторда операцион технология билан ифодаланадиган программалашни жорий этишни талаб қилади. Бундай программалаш иш характерини, айрим операциялар бажарйладиган даврлар ва унинг усулларини, механизациялаш учун зарур воситаларни, озиқа, энергия ва меҳнат сарфини акс эттирадиган операцион технологик карталар комплексидан иборатдир.

Коракулчиликда қўлланиладиган технологияни ишлаб чиқаришни илмий ташкил этишнинг программаланган системаси деб қараладиган бўлса, уни цуйидаги асосий ҳужжатлар билан ифодалаш мумкин:

— маҳсулот етиштиришнинг умумий технологик картаси. Бу картада ишлаб чиқариш процесси умумий тарзда акс эттирилиб, асосий ишлаб чиқариш давлари, муддатлари ва моддий шароитлари, алоҳида курсатиб қўйилади;

— асосий технологик операциялар, уларнинг муддатлари, ҳажми ва моддий шароитлар бирма-бир курсатиб чиқиладиган операцион-технологик карталар (ҳар бир ишлаб чиқариш даври ёки босқичи учун);

— асосий технологик процесслардаги операциялар карталари, бу карталарда иш усуллари, вўшти ва керакли ашёлар курсатиб қўрилган бўлади.

Схема тарзида буни қидагича қилиб тасвирлаш мумкин (В. Н, Целютин).

Умумий технологик карта процессини умумий тарзда акс эттирадиган ишлаб чиқариш схемаси бўлиб, зооинженер шу схема бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этади ва уни бошқариб боради. Асосий ишлаб чиқариш процессларининг операцион-технологик карталари ишлаб чиқаришни ёки технологик операцияларни ишлаб чиқаришдаги навбати билан мантикий тарзда акс эттиради. У ферма мудри ёки бригадирда турадиган оператив ҳужжат. Операцион карталар асосий иш операцияларининг тартиби ва уларни бажариш усулини курсатиб беради ҳамда бевосита ижрочилар — ферма ишчиларининг оператив ва назорат ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Кондицияли қўй гўшти ва шу билан бирга қорақулча олиш учун бракка чиқарилган совлиқларни механизациялаштирилган хужаликлараро йирик корхоналарда ва хужалик ичидаги ихтисослаштирилган майдонча-фермаларда саноат асосида бурдоқига боқиш сунгги йилларда кенг русм бўлди, ана шу жойларда қучқорлар қорақулча олишга ярамайдиган совлиқлар қўй гўшти, жун ва пўстинбоп тери етиштириш мақсадида саноат асосида бурдоқига боқилади.

Қорақулчиликчорвачиликнинг экстенсив соҳаси бўлиб, унинг ривожланиши умуман ҳосили паст бўлиши билан характерланадиган чул

яйловларидан фойдаланишга боғлиқ. Мана шундай шароитларда қуй боқилаётган зонанинг шароитларига қараб ҳар бир бош қуйга 1 га дан 7 га гача яйлов ери тўғри келади. Қуйларниотарларга бўлиб боқиш анъанавий усул бўлиб қолмоқдаки, ҳар бир ишчига турри келадиган нагрузка 170— 200 бош қуйдан ортмайди.

Яйлов хужалигини изчиллик билан интенсивлаш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологияси ва меҳнатни ташкил этишнинг илрор формаларини жорий этиш асосида ҳозирги вақтда қоракулчиликни ташкилий- хужалик жиҳатдан қайта тузиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб беради. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларидан бири йириклаштирилган қўйчилик бригадаларидир.

Қуйларни асрашнинг янги, прогрессив технологиясини ва меҳнатни ташкил этишнинг мукаммал формаларини чилик хужаликлари амалиётига жорий этиш табиий яйловлардан рационал фойдаланишга, сермеҳнат процессларни механизациялашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, қоракулчилик маҳсулоти таннархини камайтиришга имкон беради, яъни қоракулчиликни саноат йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтқазишни осонлаштиради.

Қоракулчилик амалиётида биринчи бўлиб «қарнаб» давлат наслчиликлари заводида 6890 га майдонга қайсиси 265 га дан қилиб 26 та қўрага бўлинган тусиқли маданий яйлов барпо этилиб, эксплуатацияга топширилди.

Тўсилган яйловларнинг тахминан 70% и ёввойи да усадиган чул усимликлари: қорасаксовул, изень, чогул, кейреук; экиш йули билан бойитилди. Қўралардан йилига икки марта: биринчиси баҳор билан кузда, иккинчиси ёз билан қишда фойдаланилади. Ут қопламининг қалинлигига қараб ҳар бир қурада йилига бир ярим, икки ой қуй боқилади.

Қуйларни йигноқ ҳолда боқиш, утлатишда янги технологияни қўллаш чупонларнинг меҳнатини янгича ташкил этишга имкон берди. Яйлов

массивининг ҳаммаси ундаги ишлаб чиқариш бинолари ва боқилаётган қуйлар (2—4,5 минг бош) билан биргаликда 10 кишидан иборат йириклаштирилган битта қуйчилик бригадасига биркитилган. Бригадада иш сменали қилиб ташкил этилган.

Йириклаштирилган бригададаги битта чупонга тугри келадиган нагрузка 400—450 бош қуйни ташкил этди, йиллик иш ҳақи 1,8 баравар, меҳнат унумдорлиги 2,1 баравар ортди.

Йириклаштирилган бригадаларининг иши юқори самарали бўлиб чиқди. Чунончи, бир бош қуйни боқиш учун қилинадиган сарф-харажатлар бундай бригадаларда одатдаги бошқа бригадалардагига қараганда 20—30% кам, бир бош қуйяая олинадиган ялпи маҳсулот миқдори 10—13% ортиқ булди. Дар бош она қуйдан тушадиган ҳушимча соф даромад 6,8—13,1 сумга етди.

Бундай шароитларда подани тиклаш услубларини, жумладан қуйларни қочириш, қўзилатиш ишларини ташкил этишга, ёш қўзиларни устириб боришга тааллуқли бутун зооветеринария чора-тадбирларини мукаммалаштириб бориш имкониятлари юзага келди.

Қуйларни урурлантириш циклик услуб билан ўтказилади. Бу услубнинг моҳияти шундаки, бир муддатда қуюккан совлиқлар бир вақтда урурлантирилиб, ажратилиб, улардан группалар тузиб борилади. Айни вақтда территориядаги сунъий уруғлантириш пунктларидан фойдаланилади, зарур булганда кўчма пунктлардан ҳам фойдаланилади. Қуйларикки қайта — эрталаб ва кечқурун уруғлантирилади. Уруғлантирилган биринчи отар (I группа) 6—9 кун давомида тузилади. Сўнгра иккинчи отарни (2 группани) тузишга киришилади. Уруғлантиришнинг 13—14 кунига келиб, биринчи отар орасидан қайта қуюккан совлиқлар ажратиб олиниб, уларни қайтадан урурлантирилади ва иккинчи отарга ўтказилади. 6—9 кун давомида иккинчи отар ҳам тузилади ва ҳоказо.

Қўйларни циклик услубда уруғлантириш қўзилатиш процессини маълум тартибга солади ва қўзилатиш ишини вақт-вақтида даврий муддатларда ташкил этишга имкон беради. Бу — қўзилатишни муддатларда ўтказишга, қўзиларни яхшироқ сақлаб қолиш ҳамда меҳнат сарфини камайтиришга имкон беради. Чунончи, йириклаштирилган бригада қўйларининг ҳар бир группасида қўзилаш 8—10 кун ичида одоғига етади: биринчи даврда биринчи отарнинг; иккинчи даврда, иккинчи отарнинг буғоз қўйлари қўзилайди ва ҳоказо.

Бригада брича қўзилатиш умуман бир ой ичида тугалланади.

Қўзилатишни группа-группа қилиб ўтказиш учун яхши ускуналанган битта бино булиши зарур. Бу бинодан қўзилаш муддатларининг бошланишига қараб бригада отарлари учун фойдаланилади.

Маълум вақт оралаб уруғлантирилган қўйларни давра-давра қилиб қўзилатиш йириклаштирилган бригадаларда 250 — 300 бош қўзидан иборат сакмонлар тузишга шароит яратади. Ҳаммагруппадаги қўйларнинг қўзилари ёшига қараб сакмонларга ажратилади. Сакмонлар йириклаштирилиб, 20—25 кундан кейин 400— —500 бошга етказилади ва шу миқдордаги қўзилар онасидан ажратилгунча бирга боқилаверади.

Яйлов участкаларида ҳар бир ишлаб чиқариш группаси (отар) учун кошар, кудук, қишлоқ жойларида эса озиқа сақланадиган омбор бинолари булиши зарур.

Қўйларучастка-қўра системасида боқиладиган шароитда бир бош ўртача қўйнинг озиқага бўлган суткалик эҳтиёжи йил фаслларига қараб қуйидагича белгиланган.

Бригадада меҳнатни ташкил этишнинг асоси кооперация ва меҳнат тақсимотидир.

Мехнат коллективининг ишига бригада бошлирираҳбарлик қилиб боради. У бригадага бириктирилган қўйлар учун моддий жавобгар бўлиб, қўйларни сунъий уруғлантириш ва қўзилатиш ишларини ташкил этади, қўйларнийлов участкаларига чиқаришга бошчилик қилади, озиқа сарфини ҳисобга олиб боради, санитария чора-тадбирларининг муддатида утказилишини ташкил этади, иш ҳисоби табелини ёзиб боради, доимий ва мавсумий ишчиларнинг вазифаларини курсатиб беради ва уларнинг ишини назорат қилиб боради.

Қўйларни турли парвариш қилиб, уларни яхши асраб бориш учун бригаданинг барча аъзолари баробар жавобгар ҳисобланадилар, улар қўйларни қочириш, жунини қирқиш, қўзилатиш, қишдан олиб чиқиш давридаги ишлаб чиқариш процессларининг балҳарилишини технологик карталар асосида таъминлаб борадилар, бинолар, яйловларни тегишлича зоогигиеник аҳволда сақлайдилар.

Қўйларни сунъий уруғлантириш ва қўзилатиш, қишловдан олиб чиқиш даврида бригадага вақтинчалик ва мавсумий ишчилар ажратиб берилади.

Мустақил иш учун топшириқ

Кафедрада ишлаб чиқилган технологик карталардан модель тариқасида фойдаланиб туриб, ўқитувчининг топширирига мувофиқ ишлаб чиқариш процессларидан бирининг операцион-технологик картаси тузилсин.

Ўзини текшириш учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш процессларини программалаштириш деганда нима тушунилади?
2. Ишлаб чиқариш процессларининг программаси нималардан таркиб топади?
3. Умумий технологик карта, операцион-технологик карта ва операцион карта нималардан таркиб топади?
4. Қоракулчиликда саноат технологияси қўлланиладими?

5. Яйлов қоракулчилигида прогрессив технологияни жорий этишга имкон борми?
6. Йириклаштирилган чупон бригадаларини тузишнинг самарадорлиги нимадан иборат?
7. Йириклаштирилган бригадалар тузилганида меҳнатни ташкил этиш услублари узгарадими, бу нима билан ифодаланади?
8. Қуйларни циклик услуб билан урурлантириш ва давра давра қилиб қўзилатишнинг самарадорлиги нимадан иборат?
9. Қуйларни участка-қўра системасида боқишнинг самарадорлиги нимадан иборат?

24-25-мавзу: Қўйларни ёз ва қиш мавсумида боқиш.

Озиқлантириш нормаси ва рациони билан танишиш

Дарсининг мақсади. Қиш мавсумида қўйларни озиқлантиришни тўғри ташкил этиш. Қўйларни сувга бўлган талабини қондири, қиш даврида қўйларни тўғри асраш, қўйларга бериладиган озуқа нормалари ва йиллик рационлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Дарс учун керакли жиҳозлар. Қўйларнинг қиш мавсумида озиқлантирига оид бир неча суратлар. Қўйларнинг озиқланишига доир бир неча табица ва схемалар.

Қиш вақтида қўйларни озиқлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган ва ҳар бир чорва ходими учун жавобгарли иш бўлиб ҳисобланади. Комплекс механизациялашган фермаларда озиқанинг асосий қисмини маккажўхори силоси, беда пичани, турли хил ўтлар пичани, шунингдек кунгабоқар ва қанд лавлагининг техник йўл билан ишлов берилган қолдиқлари ва ҳақозалар ташкил этади.

Аввало қўйларни озиқлантиришда улар учун зарурбўлган озиқаларни сақлаш жойлари доимий бўлиши зарур.

Қишки даврда қўйларни озиқлантириш комплекс механизациялашган фермаларда қуйидагилардан иборат.

Озиқланиш – озуқа базасидан махсус транспортларга юклаш ва олиб келиш, қўйларни озиқлантириш учун тайёрлаш, ҳамда охурларга озиқларни тарқатиш ва қўйлар озиқлангандан сўнг озурларни озуқа қолдиқларидан тозалаш.

Қуйида бир мисолни келтириб ўтамыз:

Қиш мавсумида 5000 бош қўйни озиқлантириш учун 2681,5 тонна сомон, 766,2 тонна беда ва бошқа ўтлар пичани, 4150 тонна маккажўхори силоси ҳамда 684,6 тонна конценрат озиқа керак бўлади.

Қиш даврида қўйларнинг озиқланишида бир қанча чиқиндилар чиқади. Бу чиқинди ва қўй гўнглари тез-тез қўйларнинг озиқланиш жойидан чиқариб туриш керак. Акс ҳолда турли касалликлар тарқалади.

5100 бош қўйга мўлжалланган қўй комплекс фермасида бир кунга қўйидагича қўй гўнглари чиқади.

Гўнг чиқиш ҳисоби

Қўйларнинг ёшига қараб группалаш	Қиш даврида				Ёз даврида			
	Қўйларнинг г сони	1 қўй чиқ. гўнг кг	Қўнлар сонини	Жами чиққан гўнг, т	Қўйларнинг г сони	1 қўй чиқ. гўнг кг	Қўнлар сонини	Жами чиққан гўнг, т
Катта ёшли қўйлар	5100	4	900	1836	5100	2	275	14025
Ёш қўзилар	-	2	90	918	1500	1	275	7012
жами	-			2754	-	-	-	21037

Қўйлар учун нормалар уларнинг физиологик ҳолатига (қочган, бўғоз, эмизадиган), шунингдек зотларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб тузилади. Масалан, совлиқлар учун озиқлантириш нормаси қўйидагича тузилади.

Наслдор совлиқларни озиқлантириш нормалари, суткасига 1 бошга

Қўйларнинг тўйимли моддаларга бўлган йиллик эҳтиёжи

Қўйлар бўрдоқига боқишда катта ёшдаги қўйларга ёз даврида таркибида 1,6-1,9 кг қуруқ модда, 1,3-1,5 озиқ бирлиги ва 150-170 гр ҳазмланувчи протеин бўлган 5-6 кг қўк ўт ва 0,4-0,5 концентрат билан боқилади. Катта ёшдаги қўйларни бўрдоқига боқишда суткасига 2,5-2,7 кг донатор озиқ сарфланганда ўртача суткалик эт олиш 170-200 кг ва ундан кўпроққа эришалади.

Қўйларни тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи қўйлар зотига, жинсига ва поданинг тузиш таркибига боғлиқдир. Масалн, тирик вазни 50 кг атрофида бўлган жунбоп ва жун-гўштбоп қўйлар подаларида совлиқлар 60%, бошқа зотларда эса 70% бўлиши назарда тутилади.

Ўзини текшириш учун саволлар

1. Озиқа нормаси деганда нимани тушунасиш?
2. Наслдор қўйларнинг ўртача суткалик озуқаси таркибидаги озиқалар нимадан иборат?
3. Ёш қўзиларни озиқлантириш тўғрисидаги тушунчангиз?
4. Қўйларнинг йиллик тўйимлилик моддаларга бўлган эҳтиёжи қандай қилиб чиқарилади?